**ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ**
**ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИ**

# ЗАМОНАВИЙ ТАСВИРИЙ ВА АМАЛИЙ САНЪАТ: ТЕРМИНОЛОГИЯ, ЮТУҚЛАР ВА МУАММОЛАР

**мавзусидаги Республика илмий-амалий семинар тўплами**

**ТОШКЕНТ – 2022**

**УДК: 75(575.1)(082)**

**Масъул муҳаррирлар:**
**Жаннат ИСМАИЛОВА,** тарих фанлари доктори, профессор
**Алишер ИСМАИЛОВ,** п.ф.б. фалсафа доктори (PhD), кат.и.х.
**Лариса ЛЕВТЕЕВА,** тарих фанлари номзоди, кат.и.х.

**Жамловчи ва нашрга тайёрловчилар:**
**Тохир НОРҚОБИЛОВ,** т.ф.б. фалсафа доктори (PhD).
**Жамшид ПЕРЕМҚУЛОВ**, т.ф.б. фалсафа доктори (PhD).

**Тақризчилар:**
**т.ф.д., проф. Б.В.Хасанов, т.ф.н. Х.Файзиев**

Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2022 йил 7 мартдаги №101-Ф сонли фармойиши асосида 2022 йил 20 октябрдаги **«Замонавий тасвирий ва амалий санъат: терминология, ютуқлар ва муаммолар»** мавзусида Республика илмий-амалий семинар материаллари тўплами.

Масъул муҳаррирлар: Ж.Х.Исмаилова, А.Ф.Исмаилов, Л.Г.Левтеева; Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбекистон тарихи давлат музейи. 2022. 160 б.

Тўплам Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ўзбекистон тарихи давлат музейи Илмий кенгашининг 2022 йил 20 октябрдаги мажлиси қарори асосида нашрга тавсия этилган.

Тўплам тарихшунослар, тадқиқотчилар ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

**© Ўз Р Ф А Ўзбекистон тарихи давлат музейи, 2022.**

# КИРИШ

Янги Ўзбекистонда янгиланиш тенденциялари муносабати билан ноёб ўтмиш меросига бўлган қизиқиш ортмоқда. Бу тарихий даврда ўзбек халқининг маънавий қадриятлари, ўз маданиятини англаш жараёнлари, уни жаҳонга танитиш вазифалари долзарблашди. Дунё миқёсида сўнгги йилларда илм-фан, техника ва санъат соҳаларида қўлга киритилаётган ютуқлар янгидан янги терминларнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда. Ўзбек тилида тасвирий ва амалий санъат терминларининг шаклланишини илмий нуктаи назардан инглиз тили терминлари билан қиёсан ўрганиш, икки тилли изоҳли электрон луғат яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон маданияти ва санъатининг тараққиёти йўлида тасвирий ва амалий санъат, дизайн ва халқ ҳунармандчилиги соҳалари бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида бадиий таълим муассасаларининг фаолиятини хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш ҳамда бу борадаги вазифаларни амалга оширишнинг замонавий, таъсирчан усул ва шаклларини тизимли асосда ривожлантириб боришга хизмат қилади.

Ҳозирги глобаллашув шароитида музей ашёларини сақлаш ва намойиш этишни муҳим вазифалардан бирига айланиб бориши ҳар бир халқнинг ўз тарихи ва маданиятини чуқурроқ англаб етаётганлигини англатади. Музейшунослик тарихини доимий ривожланиб борган жараён сифатида, музейшуносликнинг бошқа турдош фанлардан ажралиб чиқиши ва фан сифатида ташкил топиши, унинг методология асосларининг яратилиши билан узвий тасаввур этиш мумкин. Бу борада албатта назарий билимларнинг амалиётга интеграция қилиниши ва музей фаолиятини ривожлантиришда сифатли малака ошириш тизимини такомиллаштириш муҳим жараёнлардан саналади.

Музейларда қўшимча хизматлар соҳасини ривожлантириш ва такомиллаштириш музей туризми ва креатив тадбиркорликни ривожлантириш, музей фаолитяига  инвестицияларни жалб этиш, нотижорат санъат муассасаларга фандрейзинг амалиётини киритиш, маданий лойиҳаларни бошқариш, интелектуал мулкчилик муносабатларини такомиллаштириш, арт индустриялар кўламини кенгайтиришда муҳим ўрин тутади. Айнан мана шундай долзарб мавзулар қамрови ушбу тўпламда илмий мақолалар негизида кўриб чиқилган.

## 1-ШЎЪБА. ТАСВИРИЙ ВА АМАЛИЙ САНЪАТ ТЕРМИНЛАРИ: ИЗЛАНИШЛАР, ТАЖРИБА ВА МУАММОЛАР

**Jannat ISMAILOVA**
O‘z R FA O‘zbekiston tarixi davlat muzeyi direktori
Tarix fanlari doktori, professor
**Munisa MUXAMEDOVA**
Kamoliddin Behzod nomidagi
Milliy rassomlik va dizayn instituti
Muzeyshunoslik kafedrasi professori,
tarix fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD)

# O‘ZBEKISTON TARIXI DAVLAT MUZEYIDAGI VAQTINCHALIK KO‘RGAZMALARNING MADANIY-MA’RIFIY MUHITNI RIVOJLANTIRISHDAGI O‘RNI

***Annotatsiya:****Ushbu maqolada O‘zbekiston tarixi davlat muzeyida vaqtinchalik tashkil etilgan ko‘rgazmalar tahliliy tavsifiy bayoni va ularning jamiyatning madaniy-ma’rifiy rivojidagi o‘rni asoslab berilgan.*

***Калит сўзлар:*** *O'zbekiston tarixi davlat muzeyi, ko'rgazma, ekspozitsiya, eksponat, galereya, fond, vaqtinchalik ko'rgazmalar, madaniy-ma'rifiy faoliyat.*

***Аннотатsiя:****В данной статье дается аналитическое описание временно организованных выставок в Государственном музее истории Узбекистана и обоснована их роль в культурно-просветительском развитии общества.*

***Ключевые слова:*** *Государственный музей истории Узбекистана, выставка, экспозиция, экспонат, галерея, фонд, временные выставки, культурно-просветительская деятельность.*

Ko‘pchilik tomoshabinlar odatda muzey, galereyalarga ko‘rgazmani, yoki kolleksiyalarni bir marta ko‘rish maqsadida tashrif buyuradilar. Insonlar yashab turgan dunyo to‘g‘risida bor haqiqatni bilishni hohlaydilar. Davrning moddiy va ma’naviy boyliklari haqidagi asori-atiqalar faqat muzeylarda namoyish etilishi mumkin. Bu narsa, hech bir radio, televidenie, kinolarda ham bo‘lmasligi aniq. Bu borada ko‘rgazmalar bizga yetarlicha, to‘liq ma’lumot olish imkonini beradi. Eksponatlarni – predmetlar, rangtasvir asarlari, tasviriy va amaliy san’at asarlari namunalari tashkil etib, ular xalqning moddiy va ma’naviy rivojlanganlik

darajasini belgilab beradi. Ommabop namoyishlar va ko‘rgazmalar ko‘pchilik muzeylar uchun odatiy hol hisoblanadi. Bu borada tomoshabin o‘z yoshiga monand  ko‘rgazmadan ma’no, mazmunni teran holda qabul qilishi muhim ahamiyat kasb etadi.

Muzeyshunos olim Belcher o‘zining kitobida ko‘rgazma to‘g‘risida shunday deydi: «Ko‘rgazma bu - aniq belgilangan joyda, ma’lum konsepsiya asosida yozilgan, namoyish etilayotgan eksponatlar va qo‘shimcha materiallar orqali yangi interpretatsiya usullari va bilim olish manbai hisoblangan muzey kommunikatsiyasi muhitidir. Ko‘rgazmalar «doimiy» va «vaqtincha» shaklida tashkil etiladi.

O‘zbekiston tarixi davlat muzeyida 2022-yil mobaynida bir qancha vaqtinchalik ko‘rgazmalar tashkil etilgan bo‘lib, ularning tematikasi rang barangdir. 2022-yil rejasi bo‘yicha muzeyda 10 ta tadbir va ko‘rgazmalar o‘tkazilishi rejalashtirilgan bo‘lib, amalda 21 ta ko‘rgazma va tadbirlar o‘tkazildi.

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 193-sonli majlis bayoni (№ 01-30/1-764 28.10.2021 y.) ijrosini ta’minlash bo‘yicha Respublika Ma’naviyat va ma’rifat markazi, O‘zbekiston Badiiy akademiyasi, Alisher Navoiy nomidagi O‘zbekiston Milliy kutubxonasi bilan hamkorlikda «Jaloliddin Manguberdi mardlik va vatanparvarlik timsoli» ko‘rgazmasi o‘tkazildi. Ko‘rgazmada Jaloliddin Manguberdi hayoti va faoliyatiga bag‘ishlangan rassom To‘ra Kuryazovning 40 dona asarlari, A. Navoiy nomidagi milliy kutubxonasining 15 dona kitoblari namoyish qilindi. Ushbu ko‘rgazma muhitida namoyish etilgan To‘ra Kuryazovning asarlarida me’moriy yodgorliklarimiz, yurtimiz tabiati, uning in’omlari va mamlakatimizning tarixiy shaxslarini ko‘plab portretlarini uchratish mumkin. Ularning orasida buyuk siymolardan «Feruz», «Bibixonim», «Ogahiy», «Olloqulixon», «Islom Xo‘ja», «Sevim Bika», «Zaradushtra», «Jaloliddin Manguberdi», «Al-Xorazmiy», «To‘maris», «Nodirabegim» dan tortib to zamondoshlar portretlarigacha ko‘rish mumkin. Asarlarda tarixiy-epik janr,

mifologik mavzu, shuningdek, realistik portret, natyumort, manzaralar keng taqdim etilgan. Katta mahorat bilan ishlangan Jaloliddin Manguberdi obrazi O‘zbekistonning milliy qahramoni namunasiga aylanib bo‘lgan. Ushbu asar Manguberdi tavalludining 800 yilligini nishonlanish arafasida o‘tkazilgan tanlovda g‘olib deb topilib, etalon sifatida qabul qilindi. Rassom ushbu asarlari orqali madaniyatimizning eng yaxshi an’analarini taqdim etadi. Xalfachilik, baxshichilik Xorazm hududida keng tarqalgan mahalliy og‘zaki ijodi hisoblanadi. T.Kuryazov ularning ijodini chuqur o‘rganib, uzoq izlanishlar natijasida bir necha baxshi hamda xalfachilik san’atiga doir asarlar yaratdi. Ko‘rgazmadan o‘rin olgan «Xonum Xalfa», «Lazgi», «Nazira xalfa», «Onajon xalfa», «Suvora», «Xalfalar II – triptix», «Ojiza», «Shukur xalfa» kartinalari shular jumlasidandir. To‘ra Kuryazov nomi O‘zbekiston san’ati tarixi sahifalarida o‘zining munosib o‘rniga ega. T. Kuryazovning asarlari nafaqat respublikamizning nufuzli muzeylarida balki, Italiya, Angliya, AQSh, Turkiya, Rossiya, Fransiya, Malayziya, Hindiston, Bolgariya va Yaponiya kabi mamlakatlarning shaxsiy kolleksiyalaridan ham o‘rin egallagan. «Alisher Navoiy va Bobur ijodi» ko‘rgazma va tadbirida mutafakkir va davlat arbobi Nizomiddin Mir Alisher Navoiy hamda, shox va shoir Zahiriddin Muhammad Bobur tavallud ayyomlariga bag‘ishlandi. Ko‘rgazma va tadbir O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Toshkent «Temurbeklar maktabi» harbiy – akademik litseyi, A. Navoiy nomidagi davlat adabiyot muzeyi, A. Navoiy nomidagi milliy kutubxonasi bilan hamkorlikda o‘tkazildi. Ko‘rgazmada muzeyning «Badiiy asarlar» fondidan va A. Navoiy nomidagi milliy kutubxonasida saqlanayotgan qo‘lyozma va zamonaviy usulda nashr etilgan kitoblar namoyish etildi.

«O‘zbek badiiy filmlari vizual ifodasi tarixiy bosqichlari» nomli ko‘rgazma esa mustaqil tadqiqotchi Qodirov Behzod bilan hamkorlikda o‘tkazildi. Ko‘rgazmada Behzod Qodirov tomonidan O‘zbekiston kino san’ati muzeyida saqlanayotgan bir qancha o‘zbek filmlaridan olib kelingan kadrlar namoyishi

bo‘lib o‘tdi. Joriy yilda O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh. Mirziyoyev Oliy Majlisga Murojaatnomasida kinematografiya sohasida badiiy jihatdan yetuk asarlar yaratish, zamonaviy kinoindustriyani rivojlantirish, jumladan, yangi kinoteatrlar qurish lozimligini ta’kidlagan edi. Shu maqsadda sohaga katta mablag‘ yo‘naltirildi. Xususan, «O‘zbekfilm» dagi barcha pavilonlar ta’mirlanib, yangi kartinalar suratga olish uchun sharoit yaxshilandi. Ko‘rgazmaning muhokama jarayonida ushbu masalalar tahliliga ham to‘xtalib o‘tildi.

«Ko‘chma ko‘rgazmalar» bo‘limi rassomi F.Dedenyovaning shaxsiy ko‘rgazmasi O‘zbekiston Badiiy akademiyasi, O‘zbekiston badiiy ijodkorlar uyushmasi bilan hamkorlikda Toshkent fotosuratlar uyida bo‘lib o‘tdi. Ko‘rgazmada rassomning 168 dona badiiy kulolchilik buyumlari va ijodiy – pedagogik faoliyatiga aloqador 22 fotosuratlari taqdim etildi. F.Dedenyova 2016-yildan buyon O‘zbekiston tarixi davlat muzeyining «Mo‘jizalar olamida» bolalar muzeyining «Yosh arxeolog» va «Yosh kulol» to‘garaklarini boshqarib kelmoqda. U bolalar bilan hamkorlikda yaratilgan ijodiy ishlarini ushbu ko‘rgazmada namoyish etdi.

Jamiyat taraqqiyoti va farovonligi millatlararo, dinlararo o‘zaro bag‘rikenglik va totuvlik hamisha muhim ahamiyat kasb etadi. O‘zbekistonda 130 dan ortiq millat va elat vakillari turli dinlarga e’tiqod qiluvchi xalqlar bo‘lib, ular tinch-omon, ahil-inoq yashab kelmoqdalar. Ana shu ezgulik va tinchlik-osoyishtalik omili bo‘lgan diniy bag‘rikenglik tamoyillarini yanada mustahkamlash va rivojlantirishga diyorimizda alohida e’tibor qaratib kelinmoqda. Hozirda bu g‘oya ezgulik yo‘lida nafaqat dindorlar, balki jamiyatning barcha a’zolari hamkorligini nazarda tutadi. Diniy bag‘rikenglik tinchlik va barqarorlikni mustahkamlash, ozod va obod Vatan qurishning muhim shartidir. «O‘zbekistonda yahudiylar hayoti: tarixiy davrlar kesimida» nomli ko‘rgazma O‘zbekiston Respublikasi va Isroil davlati o‘rtasida diplomatik aloqalar o‘rnatilganining 30 yilligini nishonlash doirasida O‘zbekiston Respublikasining Isroil Davlatidagi

Elchixonasining tashabbusiga koʻra Oʻzbekiston Respublikasi «Oʻzarxiv» agentligi, Oʻzbekiston tarixi davlat muzeyi va Oʻzbekiston yahudiylar milliy madaniy markazi bilan hamkorlikda oʻtkazildi. Koʻrgazmada «Oʻzarxiv» agentligi va Oʻzbekiston tarixi davlat muzeyi tomonidan berilgan 66 dona kinofotofono hujjatlari va materiallari, shuningdek, Oʻzbekiston yahudiylar milliy madaniy markazi tomonidan berilgan 6 dona yahudiylarning milliy liboslari, Oʻzbekiston tarixi davlat muzeyi fondlarida saqlanayotgan nodir adabiyotlar va yahudiylarning tavrotlari namoyish etilgan.

Oʻzbekiston tarixi davlat muzeyi direktorining 2022-yil 6-maydagi № 21 sonli ichki buyrugʻiga asosan «Hech qachon hech narsa unutilmaydi» nomli koʻrgazmasi tashkil etildi. Koʻrgazma 2022-yil 9-may Xotira va qadrlash kuni munosabati bilan muzey fondlaridan olingan plakatlar, kitoblar, tasviriy san’at asari va arxiv xujjatlari asosida tashkil etildi. Koʻrgazma uchun «Hujjatlar» fondidan 52 dona plakatlar va xujjatlar, «Tabarruk buyumlar» fondidan 19 dona eksponatlar, «Arxivning fototeka» fondidan 15 dona buyumlar, «Badiiy asarlar» fondidan 1dona asar va muzey kutubxonasidan 6 dona kitoblar olindi.

1977-yildan buyon dunyoda an’anaviy tarzda 18 may «Xalqaro muzeylar kuni» sifatida keng nishonlanib kelinmoqda. Bu haqda «Xalqaro muzeylar maslahati» (International Council of Museums, ICOM) tashkilotining 1977-yildagi yigʻilishida qaror qabul qilingan. Har yili ushbu bayram muzeylar faoliyatiga bagʻishlangan oʻzining ma’lum bir mavzusiga ega boʻladi. Darhaqiqat, muzeylar ma’naviy va ma’rifiy ilm oʻchogʻi sifatida doim taraqqiyotda, rivojlanish va oʻzgarishda. Ularni boyitib borish, boy me’moriy obidalarni kelajak avlodlarga yetkazish, asrab-avaylash har birimizdan alohida mas’uliyat talab etadi. Shu munosabat bilan 10 dan ortiq tashkilotlar bilan aloqalar qilindi. Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Millatlararo munosabatlar va xorijiy mamlakatlar bilan doʻstlik aloqalari qoʻmitasining Madaniy markazlarining Qozoq va Turkman madaniyat markazlari oʻzlarining milliy koʻrgazmalari bilan faol

qatnashdilar. Koreys va Uyg‘ur madaniyat markazi a’zolari milliy qo‘shiqlari bilan qatnashdilar. Hunarmand uyushmasi o‘zining milliy hunarmandchilik namunalari bilan, «Sharq ziyokori» MChJ tashkiloti va «O‘zbekiston nashriyoti» matbaa uyining tarixiy, adabiy va badiiy kitoblar ko‘rgazmasi bilan tadbirda faol ishtirok etdilar. Shuningdek, O‘zMU va K.Behzod nomidagi Milliy rassomlik va dizayn instituti talabalarining ko‘rgazmali va ijodiy chiqishlari, Respublika dizayn maktabi o‘quvchilarining «Milliy kiyimlar namoyishi», O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Toshkent "Temurbeklar maktabi" harbiy-akademik litseyi o‘quvchilari, 17 sonli bolalar musiqa va san’at maktab internati, 260 sonli maktab o‘quvchilari va Barkamol avlod bolalar ijodiyoti markazi o‘quvchilari o‘zlarining ijodiy chiqishlari bilan ishtirok etdilar.

«Bolalarni himoya qilish kuni» bayramining maqsadi ham keng jamoatchilik diqqatini bolalarning muammolariga, ularning huquqlarini himoya qilishga, himoyalangan dunyoda yashash imkoniyatlariga, baxtli bolalikka ega bo‘lishlariga va o‘z mamlakatining to‘la-to‘kis va xotirjam fuqarosi bo‘lib o‘sishlariga qaratilgandir. Shuningdek, bayramni nishonlash orqali ulg‘ayib kelayotgan yosh avlodni kelajakda ma’nan boy, jismonan sog‘lom va ahloqan pok bo‘lib voyaga yetkazishdir. 2022-yil 28-may kuni O‘zbekiston tarixi davlat muzeyida Xalqaro bolalarni himoya qilish kuniga bagishlangan «Yosh iste’dodlar ijodi» nomli ko‘rgazmasi o‘tkazildi. Yil davomida «Bolalar muzeyi»ga tashrif buyurgan bolalarning 100 dan ortiq ijodiy ishlari ko‘rgazmada namoyish etildi. Ko‘rgazmada namoyish etilgan tasviriy san’at asarlari turli yo‘nalishlarda chizilgan bo‘lib, muzeyga tashrif buyurgan turli yoshdagi tomoshabinlarni befarq qoldirmadi. «Bolalarga bering dunyoni» nomli tadbiri «1-iyun Xalqaro bolalarni himoya qilish kuni» munosabati bilan 29-may kuni muzeyda «Bolalarga bering dunyoni» nomli tadbiri o‘tkazildi. Tadbirda 260-maktab, 17-maktab va 5-maktab o‘quvchilari ijrosida badiiy chiqishlar namoyish etildi.

O‘zbekiston Respublikasi Mustaqilligining 31 yilligi munosabati bilan 5-sentabr kuni O‘zbekiston tarixi davlat muzeyida «Foto san’ati – davrlar kesimida» nomli ko‘rgazma tashkil etildi. Ko‘rgazma muzeyning «Tabarruk buyumlar» fondida saqlanayotgan noyob fotoapparatlardan tashkil topgan. Unda 1940-yildan boshlangan fotoapparatlar evolyutsiyasi namoyish etilgan. Shuningdek muzey kutubxonasidan ham bir qancha kitoblar namoyishi bo‘lib o‘tdi. 2-8-sentabr «Muzeylar haftaligi» doirasida «ochiq eshiklar» kuniga bag‘ishlab, «Moziyga sayohat» ruknida turli tadbirlar va ko‘rgazmalar bo‘lib o‘tdi. TIQXMMI milliy tadqiqot universiteti o‘qituvchilari G.Ravshanova, O‘.Akilovalar «Yangi O‘zbekistonda el Aziz inson Aziz» mavzusida davra suhbati o‘tkazdilar.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 27-maydagi «Muzeylarda xizmatlar sohasini rivojlantirish chora tadbirlari to‘g‘risida» PQ 261-son qarori 8-bandiga muvofiq «Milliy merosga mening hissam» nomli ko‘rgazma tashkillashtirildi. Ko‘rgazma 7-sentabr kuni O‘zbekiston tarixi davlat muzeyining ko‘rgazmalar zalida bo‘lib o‘tdi. Bu ko‘rgazma aksiya doirasida muzey fondiga yig‘ilgan yuksak badiiy qiymatga ega bo‘lgan tasviriy va amaliy san’at asarlaridan namoyish etilgan. Unda muzeyga sovg‘a qilingan qadimiy taqinchoqlar, hunarmandchilik namunalari, qo‘g‘irchoqlar kompozitsiyasi, pichoqchi ustaning ish dastgohi va ish qurollari va amaliy san’at asarlari mujassamlagan. Ko‘rgazmaning tashkiliy ishlarini tuzilishi, eksponatlarni qabul qilib olish va topshirish dalolatnomalari va etiketajlari tayyorlandi.

Muzeylardagi turli mavzulardagi ko‘rgazma muhiti inson kayfiyatiga katta ta’sir o‘tkazib, uning ichki dunyosini boyitadi. O‘zbekiston tarixi davlat muzeyidagi turli mavzular asosida tashkil etilgan ko‘rgazmalar tomoshabinni doimiy ekspozitsiya muhiti bilan tanishtirishdan tashqari jamiyatning global rivojlanish jarayonlari bilan tanishishga ham imkon yaratadi.

## Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. А.А.Шпак. «Роль куратора в современном художественном пространстве». Красноярск, 2016 г.

2. Виктор Мизиано. «Пять лекций о кураторстве». Москва, 2014.

3. Гусев Э.Б., Прокудин В.А., Салащенко А.Г. Выставочная деятельность в России и за рубежом. Учебно-методическое пособие. М.:»Дашков и К»- 2004.(электронная версия).

4. Ismailova J. «Zamonaviy jahon muzeyshunosligi». [Matn] /J.Ismailova, M.Muxamedova. «PREMIER PRIENT». MCHJ. Toshkent. 2013. – 312 b.

5. Р.Арнхейм. Искусство и визуальное восприятие. Перевод с англ. Самохина В. Л. Общая редакция Шестакова В. П. М., Прогресс, 1974, 392 с.

6. Ф.Перрен «Экономия выставки». Terra Incognita: Теория и практика выставочного дела. 1995, №3-4.

**Dilfuza JUMANIYOZOVA**
Toshkent Davlat Yuridik universiteti dotsenti,
falsafa doktori (PhD)

# TASVIRIY VA AMALIY SAN'AT TERMINLARI: IZLANISHLAR VA TAJRIBALAR

***Annotatsiya:*** *Ushbu maqolada O'zbekistonda tasviriy va amaliy san'at terminlarini shakllanishini ilmiy nuqtai nazardan ingliz tili terminlari bilan qiyosan o'rganish, ikki tilli izohli elektron lug'at yaratish masalasi, uning ahamiyati, jahon tajribasi tadqiq etilgan.*

***Аннотация:*** *В данной стате с научной точки зрения сопоставляется формирование терминов изобразителного и прикладного искусства в Узбекистане с терминами английского языка, исследуется вопрос создания двуязычного толкового электронного словаря, его значение, мировой опыт.*

***Abstract****: In this article, the formation of fine and applied art terms in Uzbekistan from a scientific point of view is compared with English language terms, the issue of creating a bilingual explanatory electronic dictionary, its importance, world experience is researched.*

Yangi O'zbekistonda yangilanish tendensiyalari munosabati bilan noyob o'tmish merosiga bo'lgan qiziqish ortmoqda. Bu tarixiy davrda o'zbek xalqining ma'naviy qadriyatlari, o'z madaniyatini anglash jarayonlari, uni jahonga tanitish vazifalari dolzarblashdi. Dunyo miqyosida so'nggi yillarda ilm-fan, texnika va san'at sohalarida qo'lga kiritilayotgan yutuqlar yangidan yangi terminlarning yuzaga kelishiga sabab bo'lmoqda. O'zbek tilida tasviriy va amaliy san'at terminlarining shakllanishini ilmiy nuqtai nazardan ingliz tili terminlari bilan qiyosan o'rganish, ikki tilli izohli elektron lug'at yaratish muhim ahamiyat kasb etadi. Ushbu yaratiladigan elektron lug'at 2020-yil 21-apreldagi PQ-4688-son «Tasviriy va amaliy san'at sohasi samaradorligini yanada oshirishga doir chora-tadbirlari to'g'risida»gi qaroriga binoan, O'zbekiston madaniyati va san'atining taraqqiyoti yo'lida tasviriy va amaliy san'at, dizayn va xalq hunarmandchiligi sohalari bo'yicha yuqori malakali mutaxassislar tayyorlash maqsadida badiiy ta'lim muassasalarining faoliyatini xorijiy tajribalar asosida takomillashtirish hamda bu boradagi vazifalarni amalga oshirishning zamonaviy, ta'sirchan usul va shakllarini tizimli asosda rivojlantirib borishga xizmat qiladi.

Ma'lumki, jahon tilshunosligida tasviriy va amaliy san'at terminlarini tadqiq etishga bag'ishlangan ayrim ishlar mavjud. Jumladan, rus tilshunosligida Ye.O.Kovalevaning rus tili tasviriy va amaliy san'at terminlari tadqiqiga bag'ishlangan ishida mazkur soha terminlarining leksik-semantik xususiyatlari

tadqiq etilgan, L.A.Krivsovaning tadqiqotida esa san’at terminlarining semiotik, antropologik, epistemologik xususiyatlari yoritilgan. Xitoy tilidagi san’at sohasi terminlarining milliy-madaniy xususiyatlari X.Changning «Across-cultural interpretation of artistic terms in Chinese and western art theory and practice. A semantic analysis» nomli ishida oʻrganilgan.

Ingliz tilshunosligida tasviriy san’at va dizayn terminlari Pablo Helguyeraning «Manual Of Contemporary Art Style» ishida tahlil etilgan . Allan de Souza tomonidan san’atda qadrlanadigan, eng koʻp qoʻllaniladigan va muhokamaga sabab boʻladigan terminlar «How Art Can Be Thought» nomli tadqiqotida oʻrganilgan. Tez oʻzgaruvchan dunyo sharoitida san’atning zamonaviy talablarga moslashishi va madaniy vazifani bajarishini aniqlab bergan Sharlotta Ottenning «Anthropology and art» nomli tadqiqotida san’atning madaniyat bilan bogʻliqligi asoslangan. Oksford nashriyotida (Buyuk Britaniya) chop etilgan san’at terminlari (Art terms) izohli lugʻati platformada sotuvga qoʻyilgan manba sifatida mavjud.

Yaratiladigan ilmiy mahsulot ilk bor tasviriy va amaliy san’at sohasiga oid izohli elektron lugʻat va mobil ilova sifatida taqdim etiladi. Mavzuga doir rivojlangan mamlakatlarda terminologiyaga oid qator tadqiqotlar oʻtkazilmoqda. Jumladan, jahonning ilgʻor mamlakatlari – AQSH, Buyuk Britaniya, Germaniya, Italiya, Malayziya, Fransiya, Yaponiyada sohaviy terminologiya, xususan, tasviriy va amaliy san’at terminologiyasini takomillashtirish borasida izlanishlariga muvofiqdir. Tadqiqotning ilmiy ahamiyati – olingan natijalarning terminologiya va tarjimashunoslikning tadqiqot koʻlamini boyitishi, boshqa terminologik tizimlarning lingvistik xususiyatlarini yoritishda hamda turizmni rivojlantirishda muhim manba sifatida xizmat qilishi bilan belgilanadi.

Tadqiqot natijalari sohaviy terminshunoslik va lugʻatshunoslikni rivojlantirish hamda xalqaro ma’lumot almashinuvi tizimi samaradorligini oshirishga xizmat qiladi. Shuningdek, oliy oʻquv yurtlari talabalari uchun lugʻatlar, darsliklar, oʻquv qoʻllanmalar yaratish jarayoniga qoʻshimcha manba sifatida tatbiq etish imkoniyatlarini beradi. Oʻzbekiston Fanlar akademiyasi, Oʻzbekiston Respublikasi Madaniyat vazirligi hamda Oʻzbekiston Badiiy Akademiyasi tomonidan tashkil qilinadigan turli xalqaro tasviriy va amaliy san’at sohasidagi koʻrgazmalar, festivallar va ilmiy-amaliy anjumanlarda foydalaniladi.

Tasviriy va amaliy san’at terminlarining oʻzbek va ingliz tillaridagi lugʻatni barcha elektron moslamalar orqali foydalanish imkoniyati paydo boʻladi, ya’ni elektron lugʻat platformalar va Play Market yoki Apple Storedan yuklab olish hamda kompyuter, noutbuk va mobil telefonlardan foydalanish imkoniyati taqdim etiladi. Shuningdek, mobil ilovalarda notanish yoki yangi terminlar esda qolishi

uchun maxsus dastur orqali har kuni 5 tadan so‘z yodlash mumkin bo‘ladi. Bu ishlanma talabalar, tadqiqotchilar, o‘qituvchilar, tilshunoslar, turistlar va sohaga qiziquvchi mahalliy va chet ellik tadqiqotchilar uchun foydalanish imkoniyatini beradi. Ingliz va o‘zbek tillaridagi tasviriy va amaliy san’at sohalari terminlarining shakllanishida milliy va baynalmilal xususiyatlar qorishib ketgan. Mazkur sohalar terminlarida eng muhim milliy-mental fenomenlar – e’tiqod, din, ma’naviy-axloqiy qadriyatlar, jamiyat talablari hamda tarixiylik tamoyili aks etgan. Tasviriy va amaliy san’at terminlari xalqlarning san’atga doir qarashlari, qiziqishlari, urf-odat va an’analarini aks ettiruvchi birliklar hisoblanadi. Bunday terminlar orqali olam milliy-madaniy tasvirga ega bo‘ladi. O‘zbek xalqining tasviriy va amaliy san’ati sohalariga bo‘lgan qiziqishlari hunarmandchilik, zargarlik, shaharsozlik, me’morchilik an’analarida o‘z aksini topgan. Globallashuv jarayonida boshqa soha terminlari kabi, tasviriy va amaliy san’ati terminlari doimiy yangilanadi, o‘zgaradi va to‘ldirilib boriladi. Shu sababli, 100 dan ortiq zamonaviy tasviriy va amaliy san’at terminlari ilk bora lug‘atda o‘z aksini topadi. Bugungi kunda sohaviy terminlar lug‘atlarini takomillashtirish, xususan, tasviriy va amaliy san’at terminlariga oid ikki tilli izohli lug‘atlar yaratish o‘zbek leksikografiyasi oldida turgan muhim vazifalardan biri ekanligini hisobga olib elektron lug‘at eng samarali vosita sifatida ahamiyatlidir. Yaratiladigan elektron mahsulotga O‘zbekiston Respublikasi Intelektual mulk Agentligining guvohnomasi olinadi.

O‘zbekistonning zamonaviy san’ati va madaniy merosi turli avlodlar vakillarining ijodida nomoyon bo‘lmoqda. O‘zbekiston madaniyati va san’ati faoliyatini takomillashtirish va rivojlantirish chora-dasturlariga muvofiq tasviriy va amaliy san’at ravnaqining yangi bosqichi zamonaviy dunyo san’atining innovatsion jarayonlarni o‘z ichiga oladi. Bu sohada innavatsion tadqiqotlar va ijodiy eksperementlar bugungi kunning dolzarb talabidir. Ilk bora yangi yaratilayotgan onlayn tarzidagi tasviriy va amaliy san’atga oid terminlarning o‘zbek va ingliz tillaridagi elektron lug‘at va mobil ilovani keng auditoriyaga mo‘ljallanganligi, foydalanish imkoniyati qulayligi va zamonaviyligi jihatidan ustunligi bilan ahamiyatlidir. Shuningdek, takomillashtirilgan elektron lug‘atda Oksford nashriyotida (Buyuk Britaniya) chop etilgan san’at terminlari (Art terms) izohli lug‘atidagi yangi terminlar bilan boyitilganligi va son jihatidan ko‘pligi bilan farqlanadi. Yaratiladigan lug‘at butun dunyodan tashrif buyurgan chet ellik sayyohlarga o‘zbek tasviriy va amaliy san’atini anglash uchun tarjimadagi tushunish, muloqat jarayonidagi muammolarni xal qilishga xizmat qiladi. Shuningdek, badiiy ta’lim va tarjimashunoslik sohalarida keng auditoriyaga innovatsion yangilik sifatida imkoniyatlar yaratadi. Natijada turizmni

rivojlanishiga hamda soha terminlarini oson tarjimasini topishga hissa qo‘shadigan, foydalanishga qulay ilk bor elektron vosita muomilaga kiritiladi.

Tadqiqot natijasiga ehtiyoj va talab mavjud. Jumladan, O‘zbekiston Badiiy Akademiyasi tasarrufidagi 9 ta san’at maktablaridagi o‘quvchilar, Kamoliddin Behzod nomidagi Milliy rassomlik va dizayn institutidagi ko‘p sonli talabalar, doktorantlar, tadqiqotchilar va respublikadagi muzey va galereyalar xodimlari va tashrif buyuruvchilar, shuningdek, turizm va tarjimonlik sohasida faoliyat yurituvchi mutaxassislarning foydalanish ehtiyoji mavjud.

Elektron lug‘at va mobil ilova 2000 ta terminni qamrab olgan onlayn tarzidagi takomillashtirilgan terminlar bankidir. Ushbu lug‘at ilk bor ingliz va o‘zbek tillaridagi tasviriy va amaliy san’at terminlarining ikki tilli tarjimasidan iborat mahsulot bo‘lib, xorijiy analoglari bo‘yicha o‘zbek tilida yaratilishi bilan qiyosiy ustunlikka egadir.

Yaratiladigan elektron lug‘at va mobil ilova o‘zbek tilshunosligidagi ilk bor yaratilgan mahsulot sifatida tijoratlashtirish salohiyatiga ega. Ushbu ilovaga vazirliklar hamda oliy ta’lim va ilmiy tadqiqot muassasalarida ehtiyoj mavjud. Play Market yoki Apple Store tizimlariga mobil ilova sifatida yuklab olinadigan mahsulot sifatida esa turizm sohasidagi agentliklar va tarjima sohasida faoliyat olib borayotganlarga qulay vosita bo‘lib xizmat qilish imkoniyati mavjud.

## Foydalanilgan adabiyotlar:


1. Bulatov S.S. Ganchkorlik, naqqoshlik va yog‘och o‘ymakorligi atamalariga oid izohli lug‘at. – T.: Mehnat, 1991.
2. Zamonaviy ona tili. Mavzulashtirilgan lug‘at / Tuzuvchilar B.Mengliyev va b. – T.: Sharq, 2011
3. Mengliyev B., Bahriddinova B. O‘zbek tilining so‘z tarkibi o‘quv lug‘ati. – T.: Yangi asr Avlodi, 2009.
4. Nodir B. Tasviriy va amaliy san’at atamalarining izohli lug‘ati. – T.: San’at, 2001
5. Normatov N. Ranglar yurtiga yo‘l. – T.: Noshir, 2013.
6. Hakimov A., Gul E. Baysun – atlas xudojestvennых remyosel. – T.: «PRINT-S», 2006
7. Hamrayeva Yo. O‘zbek tilining o‘zlashma so‘zlar o‘quv izohli lug‘ati. – T.: Yangi asr avlodi. 2009.
8. Jumaniyozova D.K., Ismoilova J.X., Alimkulova D. «Natsionalno-kulturnыe osobennosti terminov prikladnogo iskusstva», National and cultural features of the terms of applied arts Philosophical Readings XIII.4 (2021), pp. 2535-2540. 2535 Info@philosophicalreadings.org

9. Jumaniyozova D. Va boshqalar «Tasviriy san’at terminologiyasida «termin-realiya»lar». Vol. 5 No. 1 (2021): THEMATICS JOURNAL OF ARTS AND CULTUREhttp://thematicsjournals.in/index.php/tjac/index. 2021-yil.dekabr.

10. Jumaniyozova D, Alimkulova D, Nishonova K. «Yangi O‘zbekistondagi yangilanish tendensiyalarida tasviriy va amaliy san’at terminlarining o‘rni». «O‘zMU xabarlari» yanvar 2022y.

11. Ismailova J. XX asrda art-kriminalistika: mohiyat va imkoniyat // «Muzeyshunoslik XXI asrda: tadqiqotlar, an’analar va innovatsiyalar» Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari to‘plami (2022-yil 28-fevral). – B. 4-13.

12.Ismailova J., Levteeva L. Tam, gde xranyatsya relikvii istorii // «Muzeyshunoslik XXI asrda: tadqiqotlar, an’analar va innovatsiyalar» Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari to‘plami (2022-yil 28-fevral). – B. 21-30.

13.Karimova D. O‘zbekiston tarixi davlat muzeyida saqlanayotgan bronza davri sopollitepa yodgorligi topilmalari // «Muzeyshunoslik XXI asrda: tadqiqotlar, an’analar va innovatsiyalar» Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari to‘plami (2022-yil 28-fevral). – B. 88-95

14.Karimova D. Qayroqqum manzilgohi chorvador qabilalar madaniyatini o‘rganishda muhim yodgorlik // «Muzeyshunoslik XXI asrda: tadqiqotlar, an’analar va innovatsiyalar» Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari to‘plami (2022-yil 28-fevral). – B. 252-257.

15. Jumaniyozova D. O‘zbekiston san’atida milliy va umuminsoniy qadriyatlar talqini masalalari// «O‘zbekiston zamonaviy san’atida ijodiy jarayonlar: nazariya, amaliyot, tajriba» Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari to‘plami. (2022-yil aprel.) – B. 216-220.

16. Fazilat Kodirova, Dilfuza Jumaniyazova. New interpretation of terms in the field of fine arts and design of Uzbekistan// «O‘zbekiston amaliy san’ati va hunarmandchiligi: an’ana va innovatsiyalar». Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari to‘plami (2022-yil fevral). – B. 150-154.

**Ra’no ZIYAYEVA**
O‘z R FA O‘zbekiston tarixi davlat
muzeyi bo‘lim mudiri

# KOLLEKSIONER S. M. DUDINNING O‘RTA OSIYODA TO‘PLAGAN ASHYOLARI HUSUSIDA

***Annotatsiya:*** *Ushbu maqolada kolleksioner S. M. Dudinning ijodiy faoliyati, ekspeditsiyalari va bu ekspeditsiyalardan yiqqan kolleksiyalari hususida so‘z yuritiladi. O‘rta Osiyoga bo‘lgan ekspeditsiyalar va O‘zbekistonda yiqqan kolleksiyalarning ko‘rinishi, ahvoli va ularning nima maqsadda ishlatilganligi ham yozilgan. Bu kolleksiyalar Rus muzeyining etnografiya bo‘limi uchun yig‘ilgani va ularning miqdori ko‘rsatilgan.*

***Аннотация:*** *В данной статье рассказывается о творческой деятельности собирателя С.М.Дудина, его экспедициях и коллекциях, собранных им в этих экспедициях. Также написаны экспедиции в Среднюю Азию и внешний вид, состояние и назначение коллекций, собранных в Узбекистане. Эти коллекции были собраны для отдела этнографии Русского музея и указано их количество.*

***Abstract****: This article describes the creative activity of the collector S.M.Dudin, his expeditions and collections collected by him in these expeditions. Expeditions to Central Asia and the appearance, condition and purpose of collections collected in Uzbekistan are also written. These collections were collected for the ethnographydepartment of the Russian Museum and their number is indicate*

O‘zbekiston san’ati dunyoga mashhur va qiziqarlidir. San’at asarlarimiz yillar davomida turli xil yo‘llar bilan chet el muzeylaridan o‘rin oldi. Bunda yurtimizga sayohatga kelgan turistlar, ekspeditsiyalar yoki kolleksionerlarni roli katta. Kolleksionerlar asosan amaliy san’at va tasviriy san’at asarlarini olib chiqib ketganlar. Shuningdek, o‘zbek aholisi hayotiga bog‘liq foto tasvirlar ham chet el muzeylari kolleksiyalarida saqlanib kelmoqda. Rossiya etnografiya muzeyida ham O‘rta Osiyoga tegishli bo‘lgan kolleksiyalar o‘z o‘rniga ega. Ularni yig‘ishda bu muzeyning xodimlari V. Adrianova, M. M. Berezovskiy, S. M. Dudin, D. A. Klemens, S. F. Oldenburglarning hissasi katta. Ular O‘rta Osiyo etnografiyasi bo‘yicha ekspeditsiyalarda ishtirok etib, qimmatbaxo tarixiy ahamiyatga ega bo‘lgan osori-atiqalarimizni olib chiqib ketganlar. Mana shunday kolleksionerlardan biri S. M. Dudin faoliyati hususida so‘z yuritamiz.

Dudin Samuil Martinovich 1863 yil 19 avgustda o‘qituvchilar oilasida dunyoga kelgan. 1884 yil xalq irodasiga qarshi to‘garakda qatnashgani uchun 3 yilga Baykalorti o‘lkasining Selenginsk shahriga surgun qilingan. 1889 yil mart oyidan boshlab ularga Troitskosavskda ochiq politsiya nazorati ostida yashashga

ruxsat berilgan. 1891 yilda u Sankt-Peterburgga qaytib keldi. 1895 yildan 1911 yilgacha Antropologiya va etnografiya muzeyida ishlagan. 1911 yildan to vafot etgan yiligacha «Tasvirlar va fotosuratlar bo‘limi» hamda maket ustaxonalari boshlig‘i bo‘lgan. 1913 - 1929 yillarda SHarqiy va G‘arbiy Turkiston qadimiy ashyolar bo‘limini boshqarib kelgan. 1918 yildan 1929 yilgacha muzeydagi Radlovskiy to‘garagining kotibi bo‘lib ishlagan. 1919-1929 yillarda RAIMK/GAIMK ilmiy xodimi, GAIMK Turkiston komissiyasi kotibi, 1919-1925 yillarda Geografiya instituti o‘qituvchisi bo‘lib ishlagan. 1925 yilda Leningrad davlat universiteti bilan birlashgandan so‘ng, u universitetning geografiya fakul’tetida o‘qituvchi bo‘lgan.

Rassom, muzey xodimi, sayohatchi, arxeolog, fotograf, Markaziy Osiyo etnografiyasi, me’morchiligi, madaniyati va san’ati bo‘yicha mutaxassisi Dudin ekspeditsiya va muzey ishlarida fotografiyani qo‘llash bo‘yicha yetakchilardan biri va Rossiyada ilmiy etnografik fotografiya asoschisi bo‘lgan. Xalq bezaklarini va gilamdo‘zlikni o‘rgangan. U Rus muzeyining Etnografiya bo‘limi, Antropologiya va etnografiya muzeyiga va Arxeologiya komissiyasi uchun yirik etnografik kolleksiyalarni va O‘rta Osiyo bo‘ylab fotosuratlarni to‘plagan. Baykal ortida bo‘lgan vaqtida S. M. Dudin ob-havo stansiyasini tashkil etdi va kuzatuvlar olib bordi, geologik to‘plamlarni, rus fol’klorini to‘pladi. Buryatlar orasida etnografik eskizlarini yaratdi.  U bu materiallarning barchasini Geografiya jamiyatining SHarqiy Sibir bo‘limi muzeyiga topshirdi. G. N. Potanin bilan birga buryatlarning etnografiyasini o‘rgangan.

1891 yilda akademik V. V. Radlovning Mo‘g‘ulistonga o‘tkazilgan O‘rxun ekspeditsiyasida rassom va fotograf sifatida qatnashgan. Ularning iltimosiga ko‘ra, u amnitsiyaga uchragan, Sankt Peterburgga ko‘chib o‘tgandan so‘ng, Badiiy akademiyaga o‘qishga kirdi. 1895 yil Arxeologiya komissiyasining topshirig‘iga binoan Samarqandda bo‘lgan ekspeditsiyada 200 ta Samarqand me’moriy obidalari fotosuratlarini olib keldi. 1897 yil Dudin Badiiy Akademiyada o‘qishni tugatdi. U yerda unga I. ye. Repin ustozlik qilgan.  1897 yili «Tanita ibodatxonasida» nomli asari uchun «rassom unvoni»ni oldi. 1898 yilda Fransiya Imperial Badiiy Akademiyasining nafaqaxo‘ri. Berlin, Drezden, Myunxen, Vena, Amsterdamga sayohat qilgan. 1893-1895 yillarda V. V. Bartol’d va N. I. Veselovskiyning O‘rta Osiyoga qilgan ekspeditsiyalarida qatnashib, Samarqandning qadimiy yodgorliklarini ko‘plab suratga olgan, 1894 yilda esa Antropologiya va Etnografiya muzeyi direktori V. V. Radlova tomonidan Ukrainaga ekspeditsiyaga yubordi. Antropologiya va Etnografiya muzeyi uchun etnografiyaga oid kolleksiyalarni to‘pladi. 1900 yillarda Rus muzeyining Etnografiya bo‘limini

yaratish uchun, V. V. Radlov tashabbusi bilan yangi muzey uchun kolleksiyalar to‘plash maqsadida yana bir bor O‘rta Osiyoga yuborildi. 1899 yil Semipalatinsk viloyati qozoqlariga ilmiy sayohat uyushtirdi. Rossiya etnografiya muzeyining O‘rta Osiyo va Qozoqiston xalqlariga oid noyob kolleksiyalarini yig‘ish shundan so‘ng boshlandi. Bu Dudinning O‘rta Osiyoga bo‘lgan ikkinchi (1901 y) safari bo‘ldi. SHuningdek Dudin birinchi 1909-1910 va ikkinchi 1914-1915 yilarda akademik S. F. Ol’denburgning SHarqiy Turkiston (G‘arbiy Xitoy)ga qilgan ekspeditsiyalarida qatnashdi. Ushbu ekspeditsiyalarda Dudin fotosuratlar va grafika ishlarini amalga oshirgan. Rossiya muzeyining etnografik bo‘limi uchun ashyolarni to‘plagan. U Rossiya rassomlarining o‘zaro yordam jamiyatining raisi bo‘lgan. Kitob bilimdoni sifatida jamiyatda kutubxona tashkil etgan va bu kutubxonani to‘ldirib, unga rahbarlik qilgan.[1]

Dudinning O‘rta Osiyoga bo‘lgan ikkinchi safari yetti oy davom etdi. Uning yo‘nalishi Kaspiy orti viloyatidan boshlangan bo‘lib, Dudin avvalo turkman milliy madaniyatiga oid kolleksiyalarni to‘plashdan boshlagan. So‘ngra u Samarqand, Toshkent, Avliyo Ota, Pishpek, Tokmak va vodiyning Arpa daryosi ortidan Qashqargacha safarda bo‘lib, ikki xafta davomida ekspeditsiyada bo‘ldi. Qashqardan Irkeshtam, Oloy vodiysi, Nagornoy shaharlari orqali Buxoro so‘ngra Samarqandga keldi. Ushbu sayohat davomida turkmanlarning etnografiyasiga oid materiallardan tashqari qozoqlar, qirg‘izlar, o‘zbeklar, tojiklar, uyg‘urlarga tegishli ashyolarni ham to‘plagan. Bu xalqlarning kiyimlar to‘plamidan tashqari shu yurtning shaharlari, qishloqlari, mozorlari va aholisining fotosuratlarini yig‘di.

S. M. Dudinning kolleksiyasi (№16) 209 ashyodan iborat bo‘lib, ulardan 26 tasi Ikkinchi jahon urushi davrida yo‘qolgan. To‘plamning mavzusi juda keng bo‘lib, Qashqar aholisining madaniyati va hayotini tavsiflashga imkon beradi. Bunday ma’lumotli tarixiy va etnografik manba hali tadqiqotchilar tomonidan talab qilinmagan. Faqatgina L.A.Chvir bu materiallardan uyg‘ur kostyumlari va taqinchoqlari bo‘yicha ma’lumot olgan. Bu kolleksiyalar erkaklar, ayollar va bolalar kiyimlaridan tashkil topgan. Keyingi juda katta tematik guruh to‘plam yodgorliklar idish tovoqlardan tashkil topgan. O‘zinig hisobotida Dudin qashqarlar va o‘rtaosiyolik o‘zbeklarning ovqatlanish jarayonlari, ovqat turlari, stol servirovkalari juda ham bir biriga o‘xshashligin ta’kidlab o‘tgan. Dudinning guvohligicha Qashqardagi sopol idishlar xajmi va sirlangan uslubi juda sodda va arzon xom ashyodan qilingan bo‘lib, Qo‘qon va Farg‘onada ishlab chiqarilganligini yozib qoldirgan. Suv saqlanadigan *xum* idishlari o‘rtaosiyoliklar xumidan farq qilib, bo‘yin qismi judayam tor, qorin qismi esa semiz bo‘lgan. Ular

o‘zi tura olmagani uchun yerga ko‘mib qo‘yilgan. Idishlar rozetkasimon naqshlar bilan bezatilgan (№16-145). [2]

Qashqar metall idishlari orasida kolleksioner ovqat pishirishda ishlanadigan *dankon* cho‘yan qozonga alohida etibor qaratgan. Bu idish eski o‘zbeklar idishlariga o‘xshash bo‘lib, shakli o‘troq o‘zbeklarning laganiga o‘xshaydi. Dankonning shakli chetlarida 4 ta quloqlari bo‘lib, xitoy ananasiga ham yaqin.

Qashqardagi qizil misdan ishlangan idishlardan keng tarqalgan turi bu suv uchun *qumg‘on* va yuvinish uchun *oftoba* hisoblanadi. Bu idishlar ko‘rinish va shakli jihatidan Qo‘qonda ishlab chiqarilgan idishlarga judayam o‘xshaydi. Teri idishlar kolleksiyasida *taloviy chova* – moy uchun ko‘zalar va *tariza chova* – moy sotishda ishlatiladigan charm idish, tarozilardan biri bo‘lib xizmat qilgan. To‘plamda sopol, metall, charm idishlar bilan bir qatorda yog‘ochdan ishlangan buyumlar ham o‘z o‘rniga ega. Bu choy piyolalari uchun qalpoqli g‘ilof bo‘lib, ulardan biri novdalardan to‘qilgan bo‘lib, ikkinchisi yog‘ochdan o‘yib ishlangan. Qimmatbaxo chinni va sopol idishlarni saqlash va tashish uchun mo‘ljallangan g‘iloflar ko‘chmanchilar uchun mo‘ljallangan bo‘lishiga qaramay, qashqarlar orasida ham o‘z qo‘llanilishiga ega bo‘lgan. SHuningdek, choy idishlari uchun yog‘ochdan o‘yib ishlangan *laganda* (podnos)lar ham ishlatilgan. S. M. Dudinning ta’kidlashicha, bular allaqachon xalq orasida foydalanishdan chiqib ketgan. SHuningdek xalqlar orasida tol cho‘plaridan to‘qilgan nonlar uchun savatlar yasash ham ommalashgan bo‘lgan. Kolleksiyaning oshxona jihozlari ichida cho‘g‘ uchun ishlatiladigan o‘yma tutqichli uzun belkurak, cho‘mich, six (kabob pishirish uchun), oshxona pichog‘i, yog‘och qoshiq kabi anjomlar kirgan.

Gilamlarga qiziqishi o‘zgacha bo‘lgan Dudin ularga katta e’tibor berib, jun gilamlar, kigizlar va boshqa turdagi gilamlar Qashqarda ishlab chiqarilmaganiga guvohlik beradi. Ular Xo‘tan va Oqsudan olib kelinib, Rossiya Turkistoniga olib ketilgan. Kollektor kigizni junning yuqori navidan qilingani, uni ko‘k va alvon rangga bo‘yalgani bilan baholaydi. Sharqiy Turkiston kigizlari o‘rama naqshlar hosil qilish texnikasi bilan ajralib turib, Osiyo ananalarida maxsus guruhlarga ajratish imkonini beradi. Kigizlari o‘rama naqshlar hosil qilish texnikasi bilan ajralib turib, Osiyo ananalarida maxsus guruhlarga ajratish imkonini beradi. Deyarli tayyor oq asosga mayda nafis va qiyin suratlarni yupqa rangli junlarni yotqizib naqshlar yaratganlar.[3]

O‘zbekiston tarixi davlat muzeyi fondlarida ham Dudin qalamiga mansub bir qancha fotosuratlar saqlanib kelmoqda. Bu fotosuratlarda o‘zbek xalqining turmush tarzi, aholisining qanday kiyingani, obidalari va shaharlarning ko‘rinishlari aks etgan. Rossiya etnografiya muzeyi eksponatiga aylangan

kolleksiyalaridan biz XIX asr oxiri va XX asr boshidagi O‘rta Osiyo xalqlari hayoti va yashash tarzi haqidagi juda katta ma’lumotlarga ega bo‘lamiz. Bu kolleksiyalar bu muzey uchun ham juda qadrli va tarixiy to‘plamga ega. Olis yurtlardagi bebaho boyliklarimizni o‘rganish, ularni yosh avlodga tanishtirish va bu meroslarimiz asosida xalqaro ko‘rgazmalar va konferensiyalar tashkil etish bu har bir muzeyshunos uchun muhimdir.

## Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati


1. https://bioslovhist.spbu.ru/histschool/3264-dudin-dudin-marcinkevic-samuil-martynovic.html
2. С. В. Дмитриев, Л.Ф. Попова. Кашкарская коллекция С.М.Дудина в Российском этнографическом музее. С. 88-111. [2],[3]
3. Культурное наследие Узбекистана. Собрание Российского этнографического музея (Санкт-Петербург, Россия). Ташкент, UZBEKISTAN TUDEY, 2017 (на англ., русском, узб. яз).
4. Культура и быт казахов. Альбом рисунков В.Н. Плотникова 1859−1866 годов. Из собрания Российского этнографического музея / Под редакцией Ускенбая К. Алматы: АО «АБДИ Компани», 2021. 254 С.
5. Туркмены. В гармонии с красным. Буклет выставки. СПб, Типографский комплекс «Девиз», 2021. 50 С.
6. «Вплетая нить судьбы в ковер… Декоративно-прикладное искусство Азербайджана в собрании Российского этнографического музея». – Баку – Санкт-Петербург: б/и, 2021. 246 с.
7. https://ethnomuseum.ru/kollekcii/sobirateli/dudin-samuil-martynovich/

**Малика БЕКНАЗАРОВА**
Санъатшунослик институти таянч докторанти

# ТОШКЕНТ ШАҲРИ XIX АСР НОМОЗГОҲ МАСЖИДИ: ТАЬМИРЛАНИШ ТАРИХИ ВА МЕЬМОРЧИЛИГИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИНИ ЎРГАНИШ

***Аннотация.*** *Ушбу мақолада Тошкент шаҳридаги Ҳазрати Имом мажмуасида жойлашган XIX асрга мансуб Номозгоҳ масжидининг меъморчилиги, таъмирланиш тарихи, унинг кам ўрганилган архив маьлумотлари, археологик, муҳандислик-геологик тадқиқотлари, усуллари ва уни ҳозирги ҳолати тўғрисида сўз боради.*

***Аннотация.*** *В данной статье идет речь об архитектуре и история реставрации памятника на основе малоизученных архивных данных, археологических, инженерно-геологических исследованиях, методах, а также нынешнем состоянии мечети Намазгох XIX века, расположенной в комплексе Хазрети Имам в Ташкенте.*

***Abstract.*** *This article deals with the architecture and history of the restoration of the monument based on little-studied archival data, archaeological, engineering and geological research, methods, as well as the current state of the 19th century Namazgokh mosque, located in the Khazreti Imam complex in Tashkent.*

Ўзбекистон тарихи меъморчилик дурдоналарига бой бўлиб, бугунги кунга қадар Самарқанд, Шаҳрисабз, Бухоро, Хива, Термиз шаҳарларидаги меъморий ёдгорликларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тошкент шаҳрининг ифодали бадиий ва маҳаллий хусусиятларга эга бўлган меъморий ёдгорликлари Ўзбекистон тарихи-маданий меросидан муносиб ўрин эгаллашга ҳақлидир. [3].

Тошкентдаги энг йирик мажмуалардан бири, машҳур ислом олими, ҳунарманд, Қуръон, ҳадис, тилшунослик бўйича мутахассис Абу Бакр Мухаммад Каффол Шоший қабр атрофида шаклланган бўлиб, эски шаҳар Себзор ҳудудининг бир қисмида жойлашган бутун бир мажмуа Шайх номи билан – Ҳазрати Имом мемориал мажмуси деб аталади. Мажмуанинг жанубида катта қабристон мавжуд бўлган, мажмуанинг асосини ташкил этувчи XVI аср ўрталарида барпо этилган Абу Бакр Мухаммад Каффол Шоший мақбарасидан 40 метр узоқликда жойлашган Номозгоҳ масжиди ҳам ушбу таркибга киради. Масжиднинг қурилиш вақти тўғрисида аниқ тарихий маълумотлар келтирилмаган, фақат унинг Қўқон хонлиги даврида қурилгани маълум XIX аср ўрталарида (1845-1867 йй.). Ўша пайтда унда ибодатлар ўқилар, улуғвор байрамлар қурбон ҳайити ташкиллаштириларди [4]. Масжид ҳудудида археологик тадқиқотларнинг энг қадимги маданий қатлами XVII асрга оид эканлигини белгилайди. Маълумки, Тошкентда илк қурилган

номозгоҳ масжиди ҳам бўлиб, унинг изи Кўкалдош мадрасасидан ярим километр жануби-ғарбда жойлашган «Эски номозгоҳ» маҳалласи номида қолган, масжиднинг аниқ қурилиш вақти номаълум [6].



*Номозгоҳ масжидининг пештоқи., (ЎзР ММА Архиви, мустамлака даври)*



*Номозгоҳ масжидининг пештоқи., (2014 й.)*

Шунингдек, ёдгорлик тўғрисида илмий нашрларда ҳам баъзи маълумотлар келтирилган. Бу, Б.Булатова, Л.Маньковскаянинг «Памятники зодчества Ташкента XIV-XIX вв.» китобида муаллиф Тошкент масжидларидан Номозгоҳ масжидининг асосий режа схемаларини келтиради: қишки хонали (марказий зал режаси квадрат шаклда, умумий тарҳи туғри тўртбурчак), иккала қанотида галереялари бўлиб, бир томонли айвон билан ўралган бу ўз ўрнида ёзги масжид функциясини бажариб келиб, айвон фақат бир томонидан жойлаштирилган [2]. Бу Тошкентнинг катта бўлмаган даҳа, мавзе масжидлари қаторида бошқа ҳудудлар учун ҳам учраши мумкун режавий тузилма ҳисобланади, жумладан Тошкент – Занги ота масжиди (1870 й.) [2], Самарқанд – Хўжа Сафои Вали масжиди (XIX аср гумбазли хонақохига эга масжид) [5], Бухоро – Имом Газли масжиди (XVI-XVII асрлар бир устунли зал), Мавлоно хоноқоҳ-масжиди (1679-1680 йй., куп устунли зал) [1] ва бошқалар. Айнан Номозгоҳ масжидининг режаси шу аснода шаклланган бўлиб, айвони шарқ томонга йўналган.



*Номозгоҳ масжиди. Умумий кўриниши., (ЎзР ММА Архиви, мустамлака даври)*



*Номозгоҳ масжиди. Умумий кўриниши., (фото Маньковская томонидан олинган,1967 й. ИА(м)М24№220/22*

Шу билан бирга, обида пишиқ ғиштдан қурилиб, айвонли кўп гумбазли композицияга эга устунлари ёғочли, мехроби, гумбазлари муқарнасли қилиб ишланган. Айвон шифтидаги нақшлар бугунги кунга қадар сақланмаганлиги борасида рўйхатга олиш паспортида келтирилган [6].

Масжид тарҳи тўртбурчак – 56 х 14,5 м, кўндаланг бўйлаб чўзилган, марказий гумбазнинг баладлиги – 14,2 м, асосий катта хона ўлчами – 6 х 6 м, бўлиб, тўққиз ёқли йирик масжидлардан биридир. Масжиднинг қишги зали марказлашган зал бўлиб, марказий залнинг интерьери ҳочсимон шаклда, тўртта токчали, кесишган тўртта равоқ устига гумбаз қопланган. Гипс билан шувоқланган гумбаз ўзаро кесишувчи равоқлар ва бурчаклардаги қалқонсимон бағаллардан ташкил топган. Марказий қишки залнинг ҳар иккала томон қанотларида диаметири 4 м, гумбазлари бор галереялардан ташкил топган: ҳар бир қанотида тўрттадан оралиққа икки қаторли гумбазлардан ташкил топган.  Галереянинг олд томонининг ҳар иккала қанотларида ёғочли айвон ва устунлардан иборат (ҳудди устунли галереялар ритмидек терилган)

Масжид деворлари сайқалланган пишиқ ғишт билан қопланган, унинг ўлчами – 26 х 26 х 3,5 - 4 см. Қоришмаси – ганч (оч кулранг), лой қоришма, қалинлиги 1-1,5 мм, майдаланган жигарранг сополак (крошка) ишлатилган.



*Номозгоҳ масжиди. Умумий кўриниши., (ЎзР ММА Архиви, мустамлака даври)*



*Номозгоҳ масжиди. Умумий кўриниши., (М.Бекназарова фотоси, 2022 й.)*

Галереялар қалқонсимон бағал, ярим шарсимон-конусли гумбазлар билан қопланиб, айвон эса XV-XVII асрларга оид анъанавий услубга ҳос ёғоч устунли, тўсин-вассали текис ёпмали айвондан ташкил топган [6].

Масжиднинг ташқи тарзи пишиқ ғишт билан қопланган. Айвоннинг шифтлари бир пайтлари нақшлар (бугунги кунга қадар асл нусҳаси йўқолган) билан бўялган. Масжиднинг интерьери деярли безаксиз. Дастлаб ягона безаги асосий залдаги меҳроб бўлиб, гумбазда унча катта бўлмаган муқарнаслардан иборат бўлган, кейинчалик масжид таьмирдан чиққач мадрасанинг асосий залининг гумбазлари бежирим нақшинкор безаклар билан айлантириб туширилган.

Шунингдек, Л.Ю. Маньковская томонидан тузилган 16 май 1974 йилда Номозгоҳ масжидининг рўйхатга олиш картасига кўра, 1946 йил масжидда К. Пчельникова томонидан ўлчов ишлари олиб борилган [6]. 1966 йилги зилзиладан кейин масжиднинг жанубий қанот шифтлари шикастланган бўлиб, ёдгорлик кинотехника мактаби ётоқхонаси сифатида қайта тикланган. Марказий залнинг иккала қанотининг устунлари ораси ёпилган, том қайтадан таьмирланган ва шифтлари текис фанерлар билан қопланиб, томнинг устки қисми шифер билан қопланганлиги ёзилган [6].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва Маданий ёдгорликлар «ГлавНПУ» – Ҳозирда, (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва Маданий мерос Вазирлиги тасарруфидаги Маданий мерос Агентлиги - ЎзР ММА)нинг 2007 йил 14 мартдаги 01-01/56-сонли буйруғи асосида «Номозгоҳ» масжидини таьмирлаш учун ишчи лойиҳа ишлаб чиқилган. Тасдиқланган топшириқ билан Номозгоҳ масжидини реставрация қилиш бўйича ушбу ишчи гуруҳ ёдгорликнинг техник ҳолатини ҳисобга олиб, изланишлар асосида лойиҳавий ечим яратилган. Обинани таьмирлаш, сақлаш

ва реконструкция ишларни «ARX-DIZAYN SAN’ATI» гуруҳ муаллифлари томонидан амалга оширилган [8].







*Марказий зал интерьери. Равоқ ва муқарнас кўринишидаги бағаллар., (фото Маньковская томонидан олинган,1967 й. ИА(м)М24№220/22*

*Марказий зал интерьери ва меҳроб. Равоқ ва муқарнас кўринишидаги бағаллар., (М.Бекназарова фотоси, 2022 й.)*





*Жануби-ғарбий галерея интерьери., (М.Бекназарова фотоси, 2022 й.)*

Лойиҳанинг муҳандислик-геологик ҳолатига доир – Пойдеворнинг асоси куруқ тупроқ, лой ва қумлоқдан ташгкил топган бўлиб, грунтовкаси

оқувчи тупроқдан иборат. Тупроқ шароитининг тури (грунт): шўрланган ва металларга нисбатан меъёрий занглаш фаолликка эга.

Эр ости сувлари очилмаган. Ҳажм оғирлиги - 1,58 т/м$^3$. Ички ишқаланиш бурчаги 29 даража. Махсус ёпишқоқлик - 0,05 кг/см$^2$. Қўлда ишлаб чиқишда тупроқлар гуруҳи иккинчи сифат даражасида олинган. Минтақанинг сейсмиклиги - 9 балл. Ишларни ишлаб чиқариш бўйича услубий кўрсатмалар Номозгаҳ масжиди биноси Тошкент шаҳридаги Ҳазрати Имом мажмуасида жойлашган. Бинонинг деворлари лой оҳак ва усти пишиқ ғиштдан бўлиб, бино пойдеворсиз қурилган. Ўнг қанот галереянинг аҳволи қониқарли, чап қаноти ҳалокатли (авария) ҳолатда. Масжидларда ҳалокатли (авария) ҳолатидаги деворлар, устунлар, шифтлар ва томлар демонтаж қилингандан сўнг реставрация ишлари олиб борилади. Ҳудудни чиқиндидан тозалашдан сўнг тиклаш ишлари бўлиб ўтган. Қабул қилинган техник, муҳандислик-геологик  ҳолатлар аниқлангандан сўнг пойдевор қўйиш зарурати аниқланган [8].

Айвон ёғоч устунли, тўсин-вассадан ташкил топганлиги сабабли, томнинг конструкцияси ёғочдан ясалиб, тахталар текис жойлаштирилган. Барча ёғоч элементлар антисептик моддалар (лак) билан қопланган. Айвон томи 07 мм қалинликдаги темир туника билан қопланиб, нишаб бўйлаб йўналиш бўйича карнизлар билан боғланиб, ёриқлар тозаланиб, маҳкамланган. Тиклаш ва таъмирлашдан сўнг том янгидан ёпилган.

Равоқ ва гумбазларнинг муқарнаслари лой шағал билан мустаҳкамлаб тўлдирилган. Том қисми совуққа чидамли пишиқ квадрат ғиштларни цемент қоришмаси билан қопланган. Бинонинг орка тарзи атрофидаги майдон 2 м, кенглигида цемент қоришмаси билан совуққа чидамли пишиқ квадрат ғиштдан терилган.

Номозгоҳ масжиди пойдеворсиз, теккис юзага қурилган бўлиб, 2007 йилда таьмирлаш ишлари олиб борилганда, пештоқ ва гумбаз қисмларида 150/150/12/12 турдаги метал (арматура) билан сулфатга чидамли цементдан монолит бетондан пойдевор қўйилган. Пойдеворни ётқизишда ташқи ва ички томондан 1,5 м, узунликда кетма-кетлик шахмат таьртибида фақат қўшни бетон ўз кучининг (қуриш холати) камида 50 % ни олгандан кейингина амалга оширилган.

Ёдгорликнинг асл қиёфасини сақлаб қолиш учун конструктив маҳкамлашда монолитли темир-бетон (мустаҳкам темирлар) ва монолитли камарлар ҳамда ғишт ишларининг сифати қалинлигида ҳам тақдим этилади. Шу муносабат билан, ғишт ишлари бўйича мустаҳкамлаш амалга оширилган.

Йўқотилган ва қайта тикланган деворлар бинонинг сейсмик чидамлилигига эга бўлган [8].

1971 йилдан Имом ал-Бухорий номидаги Тошкент ислом институти худди шу жойда қурилган. Эндиликда ушбу қутлуғ масканда мусулмон халқларининг маданияти ва эътиқоди кенг тарғиб қилинмоқда.

***Хулоса*** қилиб айтадиган бўлсак, Номозгоҳ масжиди Тошкент меъморчилигининг сўнгги ўрта аср намунаси бўлиб ҳибланади. Жумладан, масжид меъморчилигида: айвонлар, шифт устунларнинг анъанавий ҳашаматли қурилиши, очиқ айвонли ҳажмнинг ўзаро мутаносиблиги, атроф муҳит билан ўзвий алоқадорлик элементлари, буларнинг барчаси ўрта аср ананавий меъморчилик услубларида фойдаланилганлигидан далолат беради. Бугунги кунда, Номозгоҳ масжиди таьлим ҳамда диний муассаса сифатида хизмат қилаётганлигини инобатга олиб, қуйидаги холатларга риоя қилиши зарур: обиданинг меъморий яхлитлиги ва асл безакларини сақлаб қолган ҳолда фойдаланиш, обидани борича ўзгаришларсиз янги функцияга мослаштирилиши мақсадга мувофиқ. Ушбу иншоат, Тошкент шаҳарида мавжуд бўлган тарихий обидалардан бири ҳисобланиб, муҳофаза қилиш, асрашга ўз ҳиссамизни қўшиш, илмий тадқиқотлар натижаларига асосланган ҳолда малакали рестовраторларни жалб этиш масалаларини амалга ошириш зарур.

Тадқиқот натижаларига асосланиб ушбу ўрганилган тамоилларга таянган ҳолда нафақат обиданинг таьмирлаш тарихини таҳлил қилиш, балки келгусида таъмирлашда янги замонавий усулларни қўлашда зарур бўлиши мумкин.

## Фойдаланилган адабиётлар:


1. Аббасова-Юсупова М.А. Бухарская школа зодчества XV-XVII вв. (особенности и динамика развития). Самрканд, 2022. С. 147
2. Булатова В.А, Маньковская Л.Ю. Памятники зодчества Ташкента. Ташкент, 1983, С.115, 117.
3. Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. Выдающиеся памятники архитектуры Узбекистана. Ташкент, 1958. С. 148.
4. Массон М.Е. Прошлое Ташкента. Известия АН УзССР, Ташкент, 1954. С 131.
5. Rayimkulov, A. A. (2022). History and methods of renovation of memorial complexs: the example of Khoja Safoi Vali complex in samarkand // ISJ

Theoretical and Applied Science, 08 (112), 388-392. http://s-o-i.org/1.1/TAS-08-112-41

6. ИА(м)М24 №770/22. Паспорт Л.Ю. Маньковской. Мечеть Намазгох. Материалы проекта «Свод памятников материальной культуры Узбекистана» в 1986-1992 гг. Архив отдела «Архитектуры» Института Искусствознания АН Республики Узбекистан.Ташкент, 1974.

7. ИА(м)М24 №770/7. Паспорт Л.Ю. Маньковской. Ансамбль Хазрати Имам. Материалы проекта «Свод памятников материальной культуры Узбекистана» в 1986-1992 гг. Архив отдела «Архитектуры» Института Искусствознания АН Республики Узбекистан.Ташкент, 1974.

8. Т9646/К12. Мечеть Намазгох в городе Ташкенте. Книга 1. Архив Глав НПУ. Ташкен, 2007.

**Манушак АРУШАНОВА**
Ислом Каримов номидаги илмий-
маърифий ёдгорлик мажмуаси экскурсоводи,
МРДИ мустақил изланувчи

# ТАСВИРИЙ САНЪАТ АСАРЛАРИДА ИСЛОМ КАРИМОВ СИЙМОСИ

***Аннотация:*** *Мазкур мақолада тасвирий санъатда Ислом Каримов сиймосини яратишдаалоҳида ўрин тутган рассомларнинг асарлари таҳлил қилиниб, Юртимиздаги «Бутун оламни жо этган юрак» ҳамиша гавжум кўргазма залининг экспозицияси ҳақида ва машҳур рассомларимиз, ҳайкалтарошларимиз томонидан яратилган санъат асарлари ва уларнинг томошабин онгига таъсири ҳақида батафсил маълумот берилган.*

Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланган кунидан бошлаб ҳамма соҳада тарихий адолатни тиклаш, аждодларимизнинг эзгу ишлари, бой мероси, муборак хотирасини улуғлаш ва абадийлаштириш, мамлакатимизда инсон манфаатларини олий қадрият даражасига кўтаришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар халқимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини, маънавий оламини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Шундай масканлардан бири, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 апрелдаги тегишли қарори асосида Ислом Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш ва меросини ҳар томонлама ўрганиш мақсадида тузилган Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасидир.

Бирон-бир халқ маънавиятига хос қадриятларнинг бошқа халқлар томонидан тан олиниши шу халқнинг ғурур ва ифтихори, миллий ўзлигини янада юксалтиришга хизмат қилади. Бугунги кунда жаҳон миқёсида буюк аждодларимизнинг сўнмас даҳосига ҳурмат- эҳтиром кўрсатилиб, уларнинг бой илмий меросини ўрганишга бўлган қизиқишнинг ортиб бораётганлиги барчамизни қувонтиради. Шу ўринда Белгияда Ибн Синога, Литвада Мирзо Улуғбекка, Москва, Токио ва Баку шаҳарларида Алишер Навоий бобомизга, Миср пойтахти Қоҳира шаҳрида эса Аҳмад Фарғоний хотирасига ҳурмат сифатида муаззам ҳайкалларнинг ўрнатилиши ҳар бир Ватандошимиз қалбида чексиз ифтихор туйғуларини уйғотади.

Шундай экан, Биринчи Президентимиз Ислом Каримов «Ҳар қайси инсон мен шу миллат фарзанди эканман, менинг аждодларим кимлар бўлган?

Миллатимнинг ибтидоси қайда? Унинг оёққа туриши, тикланиш, шаклланиш жараёни қандай кечган? Деган саволларни ўзига бериши табиий[1]».

Биринчи Президентимизтаъкидлаганидек, «мустақиллик биз учун, аввало, ўз тақдиримизга ўзимиз эгалик қилиш ҳуқуқи, келажагимизни ўз қўлимиз билан барпо этиш, юртимиз бойликларидан фақат халқимиз ва Ватанимиз манфаатлари йўлида фойдаланиш демакдир[2]».

Президентимиз Мирзиёев Ш.М. шундай дейди: «Сизларга яхши маълум, мамлакатимизда амалга оширилаётган барчаислоҳот а ўзгаришлар, кенг кўламли дастурлар ягона ва улуғ бир мақсадга қаратилган. У ҳам бўлса, халқимиз ҳаётини янада обод ва фаровон қилиш, фарзандларимизни ҳар томонлама етук ва баркамол этиб тарбиялашдан иборат[3]».

Давлатимиз раҳбарининг 2016-йил 2-декабрдаги «Буюк давлат ва сиёсат арбоби, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов сиймоси тасвирланган ҳайкални яратиш бўйича халқаро ижодий танловни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан Буюк Йўлбошчимиз сиймоси тасвирланган ҳайкални яратиш бўйича халқаро ижодий танлов эълон қилинган эди. Танлов бир босқичда Тошкент шаҳрида ўтказилди. Унда 7 давлатдан Ўзбекистон, Украина, Жанубий Корея, Италия, Германия ва Австралиядан 58 нафар муаллиф томонидан тақдим этилган 68 лойиҳа намойиш этилди.

Танлов натижаларига кўра, ҳайкалтарош, Ўзбекистон Бадиий академияси академиги, Ўзбекистон санъат арбоби Илҳом Жабборов яратган ҳайкал ғолиб, деб топилди.

Мажмуага кираверишда 2017 йилда академик Илҳом Жабборов томонидан бронзадан ишланган Биринчи Президентимизнинг ҳайкали қалбларга ажиб илиқлик бағишлайди. Бу ҳақда муаллиф қуйидаги фикрлар билдирган эди: «Ислом Каримов доим менга энг муҳим «детал» ларни сўзлаб берарди. Бу эса ишларимдаги ижодий ўзига хосликни таъминларди.

Биринчи Президентимизнинг ҳайкалини ясаётганимда унинг ёнимдалигини ҳис қилиб турардим. Бу мен учун муҳим эди».

Таъкидлаш жоиз, Ислом Каримов табиатан камтарлиги боис сира ўз расмини натура ҳолатида чиздирмаган. Кўргазма экспозициясидан таниқли рассомлар қаторида, Ўзбекистон Халқ рассомлари, академиклар Собир Раҳметов, Баҳодир Жалол, Акмал Икромжонов томонидан ишланган асарлар ҳам жой эгаллаган. Акмал Икромжоновнинг «Заррин кун» номли асари, руҳан ихчам бўлишига қарамай, унда самимий туйғулар, меҳр муҳаббат тўлиқ ва ёрқин ифода этилган.

Картинада Биринчи Президентимиз ва уларнинг рафиқалари Татьяна Каримованинг бахтли ҳолати тасвирланган. Мазкур асар қалбда ғурур уйғотади. Шундай иқтидорли рассомларнинг ишларини кўриб, томошабин қалбида фахр пайдо бўлиши шубҳасиздир.

Владимир Мазитов томонидан яратилган диптих асарида Биринчи Президентимизнинг ўсмирлик даврлари ва турли қийинчиликлани енгиб, босиб ўтган йўллари кўрсатилган.

Асарда 8 та турна акс эттирилган. Боиси ҳар бир турна 10 йиллик умр рамзи ҳисобланиб, жами 80 йилни ташкил қилади. Бунинг маъноси эса «Бутун оламни жо этган юрак» номли кўргазма ҳам Биринчи Президентимизнинг 80 ёшлиги муносабати билан очилган.

Бугунги кунда Ўзбекистон портрет жанрида ижод этаётган рассомлардан Ўзбекистон Халқ рассоми, академик Собир Раҳметов томонидан яратилган Биринчи Президентимизнинг талабалик йиллари портрети диққатга сазовордир. Бу портрет ҳақида рассом шундай дейди: Портрет яратишда рассом олдида турган энг асосий вазифалар бу – табиатнинг энг мукаммал бўлаги ҳисобланмиш-инсонни маънавий дунёсини, ижтимоий ҳаётдаги ўрни, ички кечинмалари, қалб сирлари, характери, жамиятдаги мавқеи тўғри акс эттириш, касби ва унинг шу жиҳатлари орқали давр хусусияти, сиёсий ижтимоий аҳволи ҳақида маълумот бера олишдан иборатдир. Буларнинг барини очиб бериш эса албатта рассомнинг ғоявийэстетик ва сиёсий қарашлари даражаси билан боғлиқ.

Ҳақиқатдан ҳам, Биринчи Президентимиз образи акс этган портретлар, томошабинлар қалбида кучли таассурот қолдирмоқда. Масалан, ёш рассом Қиёмов Зухриддин томонидан яратилган «Нигоҳ» деб номланган асарни кўрган томошабин шундай фикр билдирди: Бугун мен Биринчи Президентимиз хотирасини абадийлаштириш мақсадида ташкил этилган ёдгорлик мажмуасига ташриф буюриб, улар тасвирланган картиналарни кўриб, кўзларим ёшга тўлди. Биринчи Президентимиз «Эл-Юрт ҳурматини қозонишни истаган ижодкор аввало саҳна масъулиятини англаши лозим» деган гаплари, теран мушоҳадалари менга ҳамиша куч, қатъият ва илҳом бағишлаб келган.

Мазкур залдаги энг йирик ва томошабинни эътиборини тортувчи туркум асар бу Баходир Жалолов томонидан яратилган «Буюк йўлдир». Туркум 5 та маҳобатли рангтасвир асарларидан иборат бўлиб, «Тет-а-тет» асари Ислом Абдуғаниевичнинг БМТ Ассамблеясидаги чиқишига бағишланган. Унда экология ва Орол муаммоси, космос, терроризм ва

экстремизмга қарши кураш масалаларини ҳал этиш ва бошқа шу каби башариятга оид глобал муаммолар кўтарилган. Ислом Абдуғаниевични ўз-ўзи билан мулоқот холатида тасвирланган, зеро у ҳамиша ўз олдига маълум вазифалар қўяр ва уларнинг тўғри ечимларни топишга ҳаракат қилар эди...» Рассомнинг маҳобатли рангтасвир асарларини томоша қилар эканмиз, янги жамият меъмори бўлган миллат йўлбошчисининг фикрлар оламига сингиб кетгандек бўламиз гўё... Баҳодир Жалолов ўзининг экспрессив ва метафорик композициялари орқали Биринчи Президент образини ҳаёти ва улкан тарихий фаолиятини халқ тақдирига боғлаган шахс сифатида намоён этади. Томошабин кўз ўнгида Президентимизнинг қувонч ва драматик ҳодисаларга тўла, лекин шу билан бирга миллат ривожи йўлида ўтган ўн йилликлардаги хаёти гавдаланади.

Бу туркум ичида «Муҳаббатданда юксакроқ муҳаббат йўқ» асари Ислом Каримовнинг буткул ўзгача - табиатан романтик, оилани севувчи ва яқинларига садоқатли инсон образини акс эттиради. Асарда Биринчи Президентимиз ва рафиқалари Татьяна Каримова тасвирланган. Улар босиб ўтган буюк йўл ичида ўз Ватанига, халқига нисбатан муҳаббатдан юксакроқ муҳаббат йўқ эканлигини кўриш мумкин. Чунки улар қилган барча эзгу амалларини фақатгина юраги муҳаббатга тўла инсон қилиши мумкиндир. Ҳар бир буюк инсон ёнида буюк аёл тургани одамда ғурур ҳиссини уйғотиши табиий. Ислом Каримов ёруғ хотирасини абадийлаштириш мақсадида Татьяна Каримованинг тинмай қилаётган эзгу ишлари таҳсинга лойиқдир. «Янги кунни кутиб олиб» асарида мамлакат келажагида амалга оширилиши зарур бўлган ғоя ва орзулар тасвирланган. Б.Жалолов бу асарларида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов образини, бутун борлиғини ўз халқига бағишлаганини ва мураккаб, буюк йўлни босиб ўтганини миннатдорлик билан ифодалайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий мажлисга қилган мурожатларидан «Ҳозирги кунда миллий иқтисодиётга юқори даромад келтирадиган истиқболли тармоқлардан бири – туризмдир. Ўзбекистон туризм соҳасида салоҳиятга эга бўлган давлат ҳисобланади. Юртимизда 7 минг 300 дан ориқ маданий мерос объектлари мавжуд ва уларнинг аксарияти ЮНЕСКО рўйхатига киритилган[4]. Ёдгорлик мажмуаси ичига кирувчи «Бутун оламни жо этган юрак» номли кўргазма кунига ўзига 2300 дан зиёд томошабинларни жалб қилиб келган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, буюк шахсларнинг баддиятдаги сиймосини ҳам буюк шахслар яратади. Юқорида номи ва асарлари

келтирилган ижодкорларнинг фидоийлиги шундаки, юрт учун, миллат учун жон фидо қилган зотнинг сиймосини ўз асарларида абадиятга муҳрламоқда. Кўргазмага қўйилган ҳар бир санъат асари Биринчи Президентимизнинг биз учун номаълум бўлган ҳаётий лавҳаларни ўз ичига қамраб олган. Тасвирий санъатда - Биринчи Президентимиз образи акс этган асарлардан иборат кўргазмалар зали Ўзбекистоннинг намунали масканларидан биридир.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**


1. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., 1998. – Б.75.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т., 2008.- Б.169-170.
3. Мирзиёев Ш.М. Озод ва обод ватаннинг баркамол фарзандлари// Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. Т.:Ўзбекистон, 2018.-Б.412
4. Маърифат газетаси. Ўзбекистон Республикаси Президенти
5. Ш.Мирзиёевнинг Олий мажлисга мурожаатномаси. 9 бет. 2017 йил 23 декабр. №102-103 (9064).

**Gulnora MAXKAMOVA**
MRDI mustaqil tadqiqotchisi.

# KASHTALARIDAGI RAMZIY MA'NOLARI

***Annotatsiya.*** *Maqolda SAMARQAND DAVLAT MUZEYIDAGI yirik kashtachilik naqshlari va ulardagi naqshlarning ramziy ma'nolari haqida ma'lumotlar bor. Muzey fondi namunalarida qo'llangan naqshlar tahlili keltirilgan. Nashqlar turkumga ajratilgani va ular quyosh, oy, yulduz anor, qalampir, islimiy naqshli motivlar hamda mayishiy buyumlar chor-ciroq, choynak, guldon kabi motivlarning qo'llanishi haqida fikrlar bor.*

***Аннотация.*** *В статье содержится информация о крупьних узорах вышивки в САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ МУЗЕЕ и символическом значении узоров в них. Представлен анализ узоров, использованных в образцах музейного фонда. Есть мнение, что рисунки делятся на категории и в них используются мотивы солнца, луны, звезды, граната, перца, исламские мотивы, а также предметы быта, такие как лампы, чайники и вазы.*

***Abstract.*** *The article contains information about large embroidery patterns in SAMARKAND STATE MUSEUM and the symbolic meaning of patterns in them. An analysis of the patterns used in the samples of the museum fund is presented. It is believed that the drawings are divided into categories and they use motifs of the sun, moon, star, pomegranate, pepper, Islamic motifs, as well as everyday objects such as lamps, teapots and vases.*

Samarqand Davlat Muzeyi fondida ko'plab kashtalar XIX-asr oxiri va XX-boshiga tegishli bo'lib, kashtachilikning lokal markazlariga xosdir.

XIX asrning oxiriga tegishli yirik bezakli kashtalar so'zana, bolinpo'sh va joypo'sh, palaklarning ko'pchiligida katta, o'rta, mayda va juda mayda rozetka ko'rinishli gullchalar bor. Yirik rozetka naqshi quyosh va oy, osmon (palak-falak) ramzidir. Yirik rozetklar asosan to'q qizil, guafsha va alvon qizil ba'zan esa sariq rangdadir. Rozetkalar qancha yirik bo'lsa shuncha uning soni kam, aksincha u o'rta va mayda o'lchamda bo'lsa shunchalik kompozitsiyada ko'p ishtirok etgan. Rozetklar asosan bosma, kanda hayol va chinda hayol usulida tikilgan va ularning chetlari nyuans yoki, kontras iplar bilan yorma usulda, zanjirchok yordamoda chegaralangan. Bu buyumlar oq, sarg'ish, alvon qilzil, gunafsha, ba'zan pushti va sariq matolarga tikilgan. Mazkur buyumlar yangi kelinning uyiga ilinar ekan, doimiy ravshda xonadonda quyosh porlab, o'zining iliq tafti bilan isitishini tilashdir. Undagi issiq rang tuslari esa tantanavorlik va bayramona ruh, boylik chaqiruvchi ramziy ma'no kasb etib, «doim to'y –marosmlari arimasin»- degan ma'noda qo'llangan.

1920- yildan keyingi Samarqand maktabiga xos rozetkali kashtalar sanoqli ranglardan iboratligi kuzatiladi. Ya’niy quyuq qora qu’r bilan o‘ralgan 3 yoki 4 rangning tuslaridan foydalanilgan. Bu borada etnograf O.A.Suxaryova «1900 yillar boshida yoppasiga yangi uslub paydo bo‘ldi, qaysiki bugungi kunimizgacha davom etmoqda: bu davrda kashtalar Samarqandliklar hayotida ishlatilishi davom etdi, ammo, hususiyatli jihatlari yo‘qoldi…..» [1; 33- b]

Kashta kompozitsiyasi yirik, rozetkalar takroriy joylashgan va ularni bo‘glovchi naqshlar sanoqli bo‘lsada naqsh qismlari bir-biriga mutanosib bog‘langan. Bitta kashtada sanoqli motivlar bo‘lsada, ammo ular bir xil emas, yirik kashtalarda turlichadir. San’atshunos olima Elmira Gul Samarqand kashtalaridagi naqshlarni islom dinigacha bo‘lgan davrga Ilk O‘rta asrga borib taqalaishini o‘zining ilmiy maqolalarida tahlil qilgan. «Kashtadagi mashxur yulduzlli motivni biz qadimiy ilk O‘rta asr Sug‘d san’atida: metalga baddiy ishlov berish va terrakotalarida ham ko‘ramiz. Yana Afrosiyobning VI–VII asrlariga oid terrakotali ostadonlarida musiqa asbobini chalayotgan qiyofa o‘tirgan joyida yirik yarim aylana ichida yulduzli tasvirdagi naqshini ko‘ramiz» [2. 73 -b].

Samarqand kashtalaridagi naqshlar kompozitsiyasi Buxoro kashtalaridagi kabi zich jolashtirilgan huddi chaman kabi emas. Buxoro kashtachiligida islom dini ta’siri kuchliligini sezamiz. Ammo Samarqand kashtalarida ramziy naqsh va motivlar juda bisyor. Buxoro kashtalarida daraxt va butalar real tasvirli bo‘lsa, Samarqand kashtalarida bu manzaraning real elementlari ramziy tarzda kompozitsion mutanosiblikda joylashtirilgan. Yirik kashtalarda naqshlarni juda ko‘p ramziy ma’noga ega va naqshlari harakterlidir. Ularning ko‘p uchraydigan motivi bu- «anor»- ham bezak, ham hosildorlik, hayotning davom etishini bildiruvchidir.

«Ko‘knor» bargi, guli va mevasi ko‘rinishidan chiroylidir va bu osimlik kuch–qudrat ramzidir hamda kashta naqshlarida chiroyli tasvir hosil qilish uchun ham ishlatilgan. Samoviy ramzlar «oy», «quyosh»va «yulduz»ramzlari yirik kashtalarning asosiy bezagi yaniy so‘zana va palaklarda asosiy naqshli ramziy belgidir. So‘zana va palak, gulko‘rpa, bolinpo‘shlarda «oy» belgisi 12 oy, 9 oy, tasvirlangan rozetkalar bor. Bu bir yilning 12 oydan iboratligi va shu davr mobaynida doimo «xonadonda quyosh va oy porlab tursin»- degan ma’noda tikilsa, 9 oy esa farzandtug‘ilishi bilan bog‘liq muddatni bildiradi. Ba’zi yirik so‘znalarda 7 oy yoki 7 ta rozetka tasviri ko‘p uchraydi. Bu hafta kunlari bo‘lib, odatda joynomozda ko‘proq uchraydi hamda bu- hafta mobaynida ibodatni kanda qilmaslikni targ‘ib qilgan. Ba’zi yirik kashtalarda yirik bitta rozetka, bu quyosh ramzi va yil davomida quyosh nurini taratishi istagidir. Yirik rozetka tasvirlari

ko‘proq Samarqand, Nurato, Urgut, Toshkent va Jizzax kashtalarida uchraydi. Mazkur oy, quyosh va yulduz ramzlari atrofi hoshiyalangani yoki bargsimon doira, yarim doira bilan o‘ralganini ko‘rish mumkin. Bu asosiy diqqatni qaratish uchundir.

«Gishti-xaram» yoki «sanduqa» naqshi Buxoro kashtasida uchraydi va ramziy ma’noga ega bo‘lib, bu naqsh odatda yangi kelin-kuyovning sochig‘iga ishlangan. Naqsh buyumning chir atrofini o‘rab oligan to‘g‘ri to‘rtburchak ko‘rinishida bo‘lib, ranglari shaxmatsimon almashinib kelgan. G‘ishtlar –bu uyning to‘rt devori bo‘lib, kelin tushgan honadonning biror gapi yoki voqeasining tashqariga chiqarishi mumkin emasligini anglatadi. Barchasi mana shu to‘rt devor ichida qolishi shartligini bildiradi. [3].

Yana ajoyib naqshlardan biri –bu choynik yoki ko‘zacha yoki guldon ramzidir. Bularning barchasi suv uchun idishlar bo‘lib, ularning turli ko‘rinishlarini uchratamiz. Masalan: Nurato kashtalari chamanni eslatadi va ularda guldon va ko‘zalar ramzlari bor. Buning ramzi suv obi - hayot manbayi ekanligidir. [KP-691, KP-3007, muzey kartatekasi] Ammo Samarqand kashtalarining aksariyatida joynamozlarda choynak, obdasta ramzi ibodatdan oldin poklanish ramzi bo‘lsa [KP-4173/1, KP-4272/6, KP-4272/7, KP-4727/4 muzey kartatekalari] dasturxonda esa choynak ramzi mehmondo‘stlik belgisidir. Shuni ta’kidlash kerakki bu ramziy naqshlar so‘zanalarda ba’zan asosiy bezak sifatida, yirik rozetkalar ichida, yonida, ba’zan bir chekkasida, ba’zan esa yirik ko‘rinishda - markazda uchraydi. Yirik ko‘rinishda bu Urgut tumaniga xos dasturxon kashtalarida uchraydi.



«Chor-chiroq» naqshi- bu asosan Samarqand kashtalarining qadimiy nusxalarida uchraydi. O‘zbek honadonlari mayishiy hayotida ishlatiladigan buyumning stilizatsiyalangan ko‘rinishidir. Bu ham yorug‘ning bardavom bo‘lishini istashdir. Etnograf O.A.Suxayova bu motiv qadimgi nusxalarda juda ko‘p uchraydi va Markaziy Osiyoda olovga sig‘inish bilan bo‘gliq tushunchalarni sanab o‘tib, chorchiroqning XIX asrning axirigacha insonlar hayotida ishlatilganini aytadi va kashtalarda o‘simliksimon naqshlar bilan o‘rab tasvirlanganini ta’kidlaydi.[ 1.67-b.]

Bu motiv haqida olima Elmira Gul esa «Yana bir Shaxrisabz kashtachiligidagi mashxur tasvir bu- chor chiroq naqshi bo‘lib, markaziy maydon va chetki hoshiyalarda uchraydi» [2-b]

«Bodom» motivi – bu kashtachilikning lokal markazlarining barchasida keng tarqalgan naqsh boʻlib, yomon koʻzdan asrash, yovuz ruhlardan himoya qilish vazifasini oʻtaydi degan tushunchalar samarasidir. Bu borada Olima Olga Aleksandrevna Suxaryova fikrlari bor. Olima bodomning ma’nosini ancha vaqtlar aniqlolmagani va bir kun Urgutning tojik qishlogʻida bolakayning qoʻlchasiga taqilgan achchiq bodomdan munchoqni koʻrgani hamda bodom bolani yomon kuchlardan asraydi degan tushuncha borligini ta’kidlaydi.Yana achchiq bodom juda achchi hamda uning zaharli turi ham bor deydi. Olima shu sabab u qalmpir bilan birga tasvirlanadi deydi. Darxaqiqat Nurato va Buxoro, Samarqand kashtalarida bodomning biroz choʻziq koʻrinishi – qalampir naqshi ham koʻp uchraydi. Buning ma’nosi koʻz tegmasin, yovuz ruhlardan himoya kabi tushunchlar samarasidir. Bu tushunchalar hozirda ham saqlanib qolgan boʻlib, Samarqandning tumanlarida hududlarda qalampirni ipga tizib piyoz bilan birga, koʻzga koʻrinarli, yuqoriroq joyga ilib qoʻyishadi.[4. 69 b ]

Yana bir ramziy ma’noga ega motiv bu- «kordi osh»- ya’niy pichoq tasviri boʻlib, bu ham uch-qudrat, yomon koʻzdan asrash ramzidir. Kashtalarda uning turli koʻrinishlari stilizatsiyalashgan tarzda nomoyon boʻlgan. Osiyo pichogʻining barcha koʻrinishlari - uchi qismi osmonga qayrilgan, oʻsimliksimon koʻrinishli, shunga yaqin tigʻli buyum «teg» (tigʻcha-tigʻ) oq matodagi yirik rozetkalar aro tez –tez uchrashini ta’kidlaydi. Yana tigʻli buyum qaychi ramzi «qaychi»ning dastasi tashqariga qayrilgan koʻrinishlidir. Bundan bilish mumkinki pichoqni nafaqat keng foydalanuvchi mayishiy vazifaga ega baliki, kuchli himoya buyumi ham deb bilishgan. Yovuz kuchlar pichogʻI bor odamga teginmaydi qabilidagi fikr boʻlib, erkaklar doim belbogʻiga pichoq,hanjar taqib yurganligini ta’kidlaydi.

Xulosa qilib aytganda musey fondadagi kashtalar oʻzining nomlanish va xalq hayotidagi ahamiyati, koʻmpozitsiyon tuzilishi, naqsh va motivlari, bilan hususliyatlidir. Bu naqsh motivlari:

-kashtadoʻzlar naqsh va motivlani buyum hususiyatidan kelib chiqib tikishgan;

-Samarqand kashtachiligida islom dinigacha boʻlgan otashparastlik dini ta’siri mavjud;

-kashta naqshlari bitta amirlik tarkibida va bu xalq san’ati boʻlganligi uchun ulardagi yirik rozetkalarda oʻxshashlik mavjuddir;

-kashtalarning ashyolari: iplari, matosi va ularning tayyorlanishi oʻsha davr xalq badiiy hayoti haqida ma’lumot berishi bilan ahamiyatlidir;

-muzeyda Samarqand kashtalarining keltitilgan joyi, chizmakash, kashtado‘zlar haqidagi ma’lumotlar o‘sha davr kashta maktablari haqida ma’lumot berishi bilan qimmatlidir;

kashtachilik san’ati ijodkori oddiy xalq ekan undagi bezaklar qadim-qadimdan shakillanib, rivojlanib, boyib kelgan va zamonlar o‘zgarsada bu san’at namunalaridagi naqsh va ramzlar bizga o‘tmishdan so‘zlagani uchun qimmatlidir.

## Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:


1. О.А.Сухарева. Этнография Таджикистана. Худжантский сузани. Таджикистан. Душанбе.1985. С-33; 67; 67-.]
2. Г. Эльмира. Сады небесные и сады земные: вышивка Узбекистана: скрытый смысл сакральных текстов: [монография] / Эльмира Гюль. – М.: ИД Марджани, 2013. С- 73; С -59.
3. Samarqand Davlat Muzeyi Buxoro, Samarqand kartatekasi Kp-599, KP-691, KP-3007, muzey kartatekasi, [KP-4173/1, KP-4272/6, KP-4272/7, KP-4727/4,
4. О.А.Сухарева. Орнамент декоративных вышивок Самарканда и его связ народными представлениями и верованиями. (вторая половина XIX вв. и началь. XX вв. С-69) статъя.

**Гулчехра СУЛТАНОВА**
Самарқанд Давлат Университети
ўқитувчиси, мустақил изланувчи.

# ХОРАЗМ АМАЛИЙ САНЪАТИ АСАРЛАРИНИ МУЗЕЙЛАШТИРИШДА ТЕРМИНЛАРНИ ЎРГАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

***Аннотация:*** *Ушбу мақолада қадимдан Хоразм амалий санъати ривожланганлиги асрлар оша такомиллашиб, ўзга хос хусусиятлари ва мактаблари шакилланганлиги ҳақида маълумотлар ёритилган. Хоразм маданияти ва санъатини ўрганиш борасида илмий изланишлар,тадқиқотлар олиб борилганлиги ҳақида сўз боради. Хива «Ичан қалъа» музей қўриқхонасидаги Хоразм амалий санъатининг ёғоч ўймакорлиги, тўқимачилик, тош ўймакорлиги, гиламчилик, кулолчилик, хаттотлик, мисгарлик, заргарлик коллекциялари тўғрисида ва шу соҳага оид терминлар таҳлил қилинган.*

***Аннотация:*** *В данной статье сведения о развитии Хорезмского прикладного искусства с древнейших времен совершенствовались на протяжении веков, формировались его специфические черты и школы. Отмечается, что по изучению хорезмийской культуры и искусства проводились научные изыскани и исследование.Сведения о коллекциях Хорезмского прикладного искусства резьбы по дереву, ткачество, резьба по камню, ковроткачество, керамика, каллиграфии, чеканка по меди, ювелирных изделиях, хранящихся в Хивинском музее-заповеднике «Ичан-Кала», и термины, связанные с этой сферю.*

***Abstract:*** *In this article, information about the development of Khorezm applied art from ancient times has been improved over the centuries, its specific features and schools have been formed. It is noted that scientific research and research was carried out to study the Khorezmian culture and art. Information about the collections of the Khorezm applied art of wood carving, weaving, stone carving, carpet weaving, ceramics, calligraphy, copper chasing, jewelry stored in the Khiva Museum-Reserve «Ichan-Kala», and terms related to this area.*

Қадимдан Хоразм илм-фан, санъат ривожланган илғор ўлкалардан бири бўлган. Археологик изланишлар натижаси қадимги Хоразм тупроғининг ривожланган фан, маданият ва ҳунармандчилик макони бўлганлигидан далолат беради. Хоразм маданияти ва санъатини ўрганиш борасида тарихчилар, этнографлар, санъатшунослар, музейшунослар илмий изланишлар ҳамда бир қанча илмий тадқиқотлар олиб борганлар. Илк бор хоразм маданиятини ўрганиш XIX асрнинг бошларида тарихчи олимлар бошлаб берган. Машҳур рус тарихчиси, этнограф олим С.П.Толстов бошчилигидаги илмий экспедиция Хоразм воҳасининг этнографияси, археологиясини текшириш, уни ўрганиш ва илмий асослаб бериш мақсадида

тадқиқот ишларини олиб борган.С.П.Толстов ўзининг изланишлари ва тадқиқотлари натижасида Хоразм қадимий цивилизация марказларидан бири эканлигини исботлаб берди. [1]. Унинг илмий экспедицияси давомида топилган осориатиқалар кўпгина хорижий ва республикамиз музейларида сақланади.

Ўзбекистоннинг энг кўҳна музейларидан бири бўлган Хива «Ичан-қалъа» Давлат музей қўриқхона асосий фондида 39 мингдан зиёд турли даврларга оид тарихий осори атиқалар мавжуд. Умумий фондда эса улар сони 56 мингдан ошади. Хива «Ичан-қалъа» давлат музейида миллий маданиятимизнинг узвий қисми бўлган халқ амалий санъатининг энг ноёб ёдгорликлари сақланади.[2]Амалий санъат коллекциялари асосида музейнингкўпгина бўлимларида тематик экспозициялар яратилган. «Хоразм хонлари тарихи», «Огахий уй музейи», Қадимги Хоразм бўлими, Кўҳна Арк мажмуасидаги Арзхона ва Зарбхона интерьерлари, Хива хонлиги бўлимига қарашли «Қозихона» интерьерларини яратилишида амалий санъат коллекциялари асосий ўрин эгаллаган.Ҳозирги кунда ҳам музей илмий ҳодимлари томонидан амалий санъат намуналари илмийўрганилиб, янги экспозициялар учун амалий санъат дурдоналари йиғилмоқда.

Амалий санъат намуналарининг асосий қисми Хоразм амалий санъати бўлими экспозицияларидан ўрин олган. Бу ерда халқ амалий санъатининг турли хил намуналари намойиш қилинмоқда. Жумладан, ёғоч ўймакорлиги, наққошлик, тўқимачилик, мармар,ганч ўймакорлиги, гиламчилик, кулолчилик, хаттотлик, кандакорлик, кўнчилик, пичоқчилик, заргарлик буюмлари.

Экспозиция «Ёғочўймакорлиги» залиданбошланади. Буерда Хивалик моҳирусталартомониданўйибишланганўймакорустунлар, дарвоза, лавҳ, читгар қолиплари, сандиқчаларва бошқа ёғочўймакорлиги буюмлари намойишга қўйилган. Ёғоч ўймакорлиги буюмларида нақш элементларидан олма гул, қўчқоршох, бодом гули, уч япроқли, уч ғунча, оддий япроқ, турунж, рапида, бурч (қалампир) гул нақшлари қўлланганлигини кўрамиз. Хиваликёғоч ўймакор усталар кўпинча гужум, қайрағоч, терак ва чинор ёғочларини кўпроқ ишлатадилар. Хоразм амалий санъати музейида ўзига жалб қиладиган экспонатлардан бири (КП. №1565 рақамли ) қўш табаққали эшик. Эшик ўймаси нафис, чиройли қилиб, икки қатламига «турунж» нақш композицияси ишланган, атрофларига хошия ислимий ва ўсимликсимон нақшлар ўйилган. Эшикнинг юқори қисмида, нақшлар ичида араб алифбосида, форсий шеър битилган, чап томонида эса тайёрланган йили

«1256 йил хижрий» (1838й.) сана кўрсатилган. Музейда яна кўзга ташланадиган санъат дурдоналаридан ( КП.№ 4947 рақамли) XV асрда ишланган ўра (устун) бўлагини (фрагмент) кўриш мумкин. XVII аср бошида Хива хукумдори Араб Мухаммадхон мадраса ва масжид қурдирди (1616). Вақти келиб масжит йиқилиб кетган, иморатдан бизгача фақат устуни (КП. № 1208 рақамли) қолган, унинг юқори қисмида: «Ла илаха иллоллоху Мухаммадун Расулоллох», устуннинг ўрта қисмида хадис: «Хола Оллоху аслату имом уд дин» *(Мазмуни: номоз диннинг устунидир)*сақланиб қолган. Ёғоч ўймакорлиги экспозициясидаги экспонатларни ўрганишда қўйидаги терминларни учратамиз. Гужум (қорамон) – қарағай; кубда -сафарга чиққанда ва ҳарбий юриш чоғида сув солибюриладиган кўза, пиёланинг чарм ёки ёғоч ғилофи; мадоҳил -уч қиррали лола шаклидаги ислими нақш тури; рапида –тўпбарг, нақш тури; қопи -эшик.

«Тўқмачилик ва миллий кийимлар» залида - Хоразм воҳасида тўқимачилик буюмларидан турма ипак рўмоллар, турма ипак белбоғларни, воҳанинг ўзига хос миллий кийимларидан аёллар елаклари (чопон), аёллар кўйлаклари, тахялар (дўппи), келинлар дўппилари, эркаклар чапонлари, чўгирмаларини (эркаклар бош кийими) кўришимиз мумкин. Музей экспозициясида XIX аср охири XX аср бошларида ҳалқ усталари томонидан тўқилган олача, бўз, шойи, адрас газламалар намойишга қўйилган. Хоразм сўзаналари бошқа вилоятлар сўзаналаридан фарқ қилади, экспозициядан ўрин олган XIX асрга тааллуқли босма сўзана, ўша даврда уй тўрига, келинчак уйини безаш учун деворга осилган. Экспозицияда яна шойидан, олачадан, кимхобдан тикилган ҳар-хил аёллар елаклари, кўйлаклари, Хоразм эркак ва аёлларининг миллий кийимлари кенг ўрин олган.[3] Миллий кийимларни ўрганишда қуйидаги терминларга дуч келамиз:чугурма – телпак, қўй жунидан тикилган бош кийим;тахя –дўппи, эркаклар, аёллар ва болалар бош кийими; олача- чизиқлипахтаёкияримипакҳунармандчиликматериали; елак- аёллархалати; турма - юпқа ипакдан тўқилган рўмол, юпқа жундан тўқилган эркаклар белбоғи.

Музей намойишхоналарида XVII, XIX, ва XX асрларга мансуб тош ўймакорлиги санъат асарлари қўйилган. Экспозицияда шоир Огохий шеърлари битилган нақшинкор намоён, қабр устига қўйиладиган тарихий тошлар, мадраса ва масжидлар учун ажратилган вақф ерлари хужжатлаштирилган мармар намоёнлар ўрин олган. Залда яна мармар қозон, адан(обдон, уйга кириш жойининг бурчагидаги қўл ювиладиган жой)

мармартошдан нақшинкор қилибишланган, ўратош – пойустун, устун ўрнатиладиган таглик, ҳамда мармар лаганларни кўриш мумкин.

V-VII аср қўл ёзмаларда Хоразмда гилам тўқиш санъати ривожланганлиги хақида ёзилади.[4] Гилам, жойнамоз тўқилиб чет мамлакатларга сотилган. Экспозицияда XIX-XX аср бошларида, XX асрнинг 70-80 йилларида тўқилган гиламчилик асарлари кенг ўрин олган. XX асрда Хоразмда гилам ва палосларга талаб кучайганлиги сабабли 1947 йил Хивада «Умид» гиламчилик артели очилган.Бу ерга туркаманистонлик усталар келиб гилам тўқиш сирларини ўргатганлар.[5]Гиламларда туркман нақшлари кўп учрайди.Гиламдўзлар асосан дарак гул, капса гул, бурчак гул, қўчқор шоҳ, маригул, тўрт тирноқ, дарвоза гулларидан фойдаланганлар. Ранг жиҳатларига эътибор қаратсак, гилам безакларида қизил, тўқ қизил,жигарранглар устунлик қилади. Бу ерда ҳар хил ҳажмдаги гиламлар, хўржун, тўрва халталарни кўрасиз. Намойишга қўйилган портрет туширилган гиламлар ва палослар хивалик гилам усталари А.Сапаева, Р.Нарметова томонидан тўқилган. Гиламчиликни экспонатларини ўрганишда қуйидаги терминларни учратамиз:Маригул -гиламдўзликда қўлланадиган нақш тури, унинг уч тирноқ,тўрт тирноқ ва беш тирноқ шакллари бор;қўчқоршоҳ-қўчқор шоҳи шаклидаги нақш тури;дарак гул-терак баргига ўхшаш гул тури.

Хоразм амалий санъат музей экспозициясида XIX- XX асрларда ишланган хумлар, шакаша, ибриқ ва кулолчилик буюмлари кенг ўрин олган. Бадиялар (товоқ) бошқа вилоят товоқларидан анча фарқ қилиб уларнинг шакли катта ва чуқур бўлиб, унинг тепа қисми ён деворлари тик чиқарилганлиги билан аҳамиятлидир. Кулолчилик буюларини безатишда асосан геометрик ва ўсимликсимон нақшлар қўлланилганлигини кўрамиз.Нақш элеметларидан тароқ, илонизи, илмоқ, шохгул, кўз нақш, ҳошия найзагул, қарғатиш, япроқгул, бодомбарг, юлдузгул, кошингул, илонбоши, кўзагул, рамзий нақшлардан: милтиқ, пичоқ, дуторлар тасвирларини кўриш мумкин. Усталар ишларида нақшлар билан бирга халқ насиҳатлари, буюк алломаларнинг сўзлари ва шеърлар битилган. Экспозицияда XX асрнинг 80-90 йилларида ишланган Р.Матчанов, Р.Ортиқов, Э.Сапаев, С. Отажанов яратган кулолчилик намуналари ҳам кенг ўрин олган.Хоразм кулолчилигида қуйидаги атамаларни учратамиз: ибрик (ибриқ) –кўза,сув сақлаш учун идиш; коса -Хоразмда пиёла коса, коса эса лавоп коса дебюритилади;товоқ (тавах, табақ) –лаган; хум -дон ва сув сақлашга мўлжалланган катта сопол идиш; хумча -сув сақлашга мўлжалланган идиш.

Хаттотлик санъати Хоразмда қадимдан ривожланган. Эксопзицияда XIX-XX асрларга доир ҳаттотлик санъатининг намуналари, вақфнома, ёрлиқ, қўлёзма китоблари намойишга қўйилган. Қўлёзмалар, ёрлиқ, вақфномаларни безашда ўсимликсимон ислимий нақшларини кўп қўллашган, бадиий композициялар қизил, кўк, ингичка рамкалар ичига олинган.

Хоразм амалий санъатининг энг кенг тарқалган турларидан бири мис ўймакорлиги ҳисобланади. Хоразмнинг XIX аср охири XX аср бошларидаги мис ўймакорлик буюмлари кўп жиҳатдан ўзига хос хусусиятларини сақлаб қолганки, улар бошқа вилоятлардаги буюмлардан фарқ қилади. Хоразмда қўл ювиш учун қўлланиладиган «қумғон», идиши мутлақо оригинал шаклга эга бўлиб, дастасиз, қорни ноксимон ва баланд ингичка бўйинлидир.[4] Хоразм мис ўймакорлиги усталари ўз асарларини «ислимий», «мураккаб ислимий», «айланма ислимий», «гириҳ» ва бошқа нақшлар билан безаганлар. Бу ерда XIX-XX аср бошларида тайёрланган қумғон, тунг, самовар, патнис, силопча ва жом идишлар намойишга қўйилган. Уларда нақшлар билан бирга араб алифбосида ёзилган қуръон сураларидан оятлар, тайёрланган санаси, ишлаган устанинг номи битилган.Хоразм мисгарлик санъатида ушбу терминлар ишлатилади: жом – мисдан ишланган идиш, коса;селобча (силопча,сулобча)-чилопчин, дастшўй; тун (ёки тунг) - мисдан ясалган кўза, сув идиши; тунча - мисдан ясалган сув қайнатиш учун ишлатидиган идиш,тунгга нисбатан бўйи паст, оғзи кенгроқ бўлади; хўн -баркаш, патнис; нон, мева ва ширинликлар солинадиган доирасимон ёки кўп қиррали мис идиш; қумъон -тутқичсиз, бўйни узун, сув солинадиган мис идиш.

XIX-XX асрларда Хоразмда бошқа ҳунармандчилик турлари қатори заргарлик ҳам тез суратларда ривожланган. Хива, Урганч, Хозарасп, Хонқа шаҳарларида заргарлик усталари ва маҳаллалари пайдо бўлган. Хоразм амалий санъатининг «заргарлик» экспозициясида XIX-XX аср бошларида хоразмлик заргар усталар томонидан яратилган заргарлик буюмларини кўришингиз мумкин. Заргарлик буюмларини асосан аёл кишилар ишлатишган: бош, бўйин, пешона, кўрак, бел, бурун, қулоқ, чакка, билак бармоқ ва тақинчоқлар бир мажмуани ташкил қилади. Хоразм заргарлари асарлари бой шакллар, ажойиб безак жиҳатларига эгалиги, мураккаб композицион тузилишли, нозик ишлов берилган қисмлари ўзаро мутаносиб, маржонлар билан безатилиши, барг, ғунча, куртак, дон сингари солинчоқлар, ранг-баранг ойналардан ясалган қадама нақшлар кабилардан иборат санъат намуналари эканлиги Э.Гул мақоласида қайд этилган.[6] Экспозицияда пешонага тақиладиган «тангадузий», қулоққа «зирак», бошга «тахядузий»,

кўкрак безаги «шавкала», «тумор», «бутун тирноқ», «калит боғи», «соч попук», «билак узук», бармоқ безаклари «узук» ва бошқа тақинчоқлар бор. Хоразм заргарлигида қуйидаги терминлар учрайди:исирға, ҳалқа -зирак, сирға; калитбоғи-аёлларнинг бел тақинчоғи; камарбоғи -аёлларнинг бел тақинчоғи; кўкракдузи -аёлларнинг кўкрак тақинчоғи; манглайдузи-аёлларнинг пешона тақинчоғи; осмадузи –тиллақош, аёлларнинг бош (пешона) тақинчоғи, шавкала - шокила; аёлларнинг кўкрак безаги; яримтирноқ- аёлларнинг чакка тақинчоғи; ўқ-ёй - аёлларнинг бош тақинчоғи (асосини ўқлар шакли ташкил этади);тахядузи -аёлларнинг бош тақинчоғи.

Музейдаги амалий санъат намуналари ўрганишимиз давомида бизга нотаниш бўлган терминларни учратамиз.Булар кўпчилиги воҳа шевасига оид сўзлар бўлса, баъзилари қадимда ишлатилган сўзлар бўлиб ҳозирда унутилиб кетилган. Биз юқорида қайд этиб ўтганимиз амалий санъатнинг барча турларини ўрганиш учун шу соҳага оид терминларни яхши билишимиз лозим. Бу бизга экспонатларни яқиндан ўрганишда, этикеткаларни шакиллантиришда ва турли экспозицияларни яратишда, томошабинларга экспонатлар тўғрисида қизиқарли, ва тушунарли маълумотлар беришдаяқиндан ёрдам беради.

Бугунги кунда миллий анъаналарининг сақланиб қолишига ва замонавий амалий санъатнинг ривожланишида, ҳар бир халқларнинг миллий маданиятини, тарихини ўрганишда Республикамиз музейларидаги амалий санъат коллекцияларини илмий жиҳатдан ўрганиш ва уларни музейлаштириш масалалари муҳим аҳамият касб этмоқда.

## Адабиётлар рўйхати:

1. Толстов С.П.Қадимий Хоразм цивилизациясини излаб.-Тошкент. «Янги аср авлоди», 2014. 377 б
2. Бобожонов Д.Маърифат маскани. // Мозийдан садо, Тошкент,2010.-№ 4.
3. Хива «Ичан қалъа» давлат музей қўриқхонаси ҳисобот хужжатлари.
4. Булатов С. Ўзбек халқ амалий безак санъати. –Тошкент: Меҳнат,1991.
5. Фахреддинова Д. Декоративно-прикладное искусство Узбекистана. – Ташкент: Ўзбекистон, 2000.
6. Элмира Гул. Хоразм заргарлик санъати (Этномаданият мутаносиблиги) //San’at.-Тошкент.2002.№ 2.-Б.12.

# 2-ШЎЪБА. ТАРИХ, АРХЕОЛОГИЯ ВА ЭТНОЛОГИЯ МАСАЛАЛАРИ ЗАМОНАВИЙ ТАЛҚИНДА

**Лариса ЛЕВТЕЕВА**
старший научный сотрудник Государственного музея истории Узбекистана, кандидат исторических наук

## ОБРАЗЫ ТОТЕМОВ НА ПЕЧАТЯХ.

**Аннотация.** *Настоящая статья освещает характер печатей, хранящихся в археологическом фонде государственного музея истории Узбекистана. Печаьти найдены в ходе археологических раскопок памятников разных эпох (начиная со 11 тыс. до н.э.) на территории Узбекистана (Джаркутан, Канка, Кугаиттепа, Киндыктепа и др.). Печати каменные, керамические, бронзовые. Печати с изображениями животных и птиц входят в круг зооморфных мотивов культур древнего Узбекистана.Они помогают воссоздать картину представлений древних людей о мире.*

С начала возникновения делопроизводство немыслимо без особого удостоверяющего знака – печати. Какими же были печати в давние времена? Ответ на этот вопрос мы можем узнать из музейных собраний.

В Государственном музее истории Узбекистана хранятся печати, найденные в ходе археологических раскопок памятников разных эпох (начиная со II тысячелетия до новой эры). Наиболее ранние из них поступили в музей с раскопок городища Джаркутан – крупного протогородского центра древнеземледельческой культуры эпохи поздней бронзы (XV – XVI века до новой эры) в Сурхандарьинской области. Это печати-булавки снавершиями в виде шести-, семи- и восьмилепестковых розеток (в центре розеток имеются небольшие углубления в виде кружков). Навершие у одной булавки – плоское, округлое, с изображением на поверхности кружочка и расположенных вокруг овальных углублений с перегородками. У другой на плоском овальном навершии вырезано рельефное изображение скачущего горного козла. В коллекции музея имеются две печати-эмблемы. Одна печать круглая с рельефным изображением распростершего крылья орла (на концах крыльев – две змеи), другая – в виде восьмилепестковой розетки с изображением геометрическх фигур на лицевой стороне. Обе печати имеют петельки для подвешивания.

Во время раскопок городища Канка (один из крупнейших городских центров Ташкентского оазиса в дервности и средние века) были встречены

керамические печати в форме цилиндров с углубленным негативным изображением растительных мотивов и фигурки козла с крупными откинутыми назад рогами.

На городище Кугаиттепа на территории Ташкента Ташкентским археологическим отрядом под руководством кандидата исторических наук М.И.Филанович в 1980 году найден крупный фрагмент керамической печати. Печать круглая, по краю оформлена шишечками. В центре изображение животного, скорее всего, козла, переданного в движении (голова не сохранилась). Изображение вырезано весьма искусно и свидетельствует о высоком уровне прикладного искусства региона.

Целая коллекция – 16 печатей – была найдена на антично-средневековом городище Киндыктепа (район Ташкентского моря), в прошлом крупного города и торгово-ремесленного центра Ташкентского оазиса, стационарные раскопки которого проводились в 1970-80 годы. Находки охватывают период с I по XVII века.

Печати выполнены из разных материалов: камня, глины, металла. Печати из черного, темно-серого и серого с белыми прожилками камня имеют форму диска со сквозным отверстием. Они прекрасно отполированы и, видимо, использовались с двух сторон, так как обе стороны снабжены резными изображениями. Изображения не всегда понятны, часто просматриваются лишь неясные знаки, линии, точки, тире, треугольники, полукружия. На четырех каменных печатях виден крестообразный узор. На трех из них узор широкий, резьба глубокая. На одной крест состоит из двух пересекающихся под прямым углом линий, с круглыми выемками, три выемки обрамлены короткими кривыми линиями.

Керамические печати имеют форму диска, двустороннего цилиндра, катушки, конуса и четырехугольника, все снабжены сквозным отверстием для подвешивания. На лицевой стороне одной из печатей изображен бык с загнутыми назад большими крутыми рогами (один рог прямой, другой надломан); на оборотной стороне – олень, также с загнутыми назад крутыми рогами, один из которых разветвлен. У быка хвост длинный, у оленя – короткий, корпус более скругленный, передние ноги опущены, задние выдвинуты вперед (диаметр круга – 3,3 см). По осиплоскости проделано сквозное отверстие для шнурка. Олень с ветвистыми рогами, идущий влево, изображен на другой печати. Передние ноги искажены продольным отверстием. Над спиной оленя изображен трезубец с закруглениями на концах. На оборотной стороне этой же печати вырезано изображение какого-

то животного с длинной изогнутой шеей, возможно, коня. На большинстве керамических печатей вырезан крест, заключенный в круг. На некоторых печатях изображения переданы в виде перекрещивающихся желобков, образующих четыре сектора, в каждом вырезан двусторонний угол и углубление цилиндрической формы; имеются также неопределенные знаки, круглые углубления, вписанные друг в друга круги, спираль.

Интересна бронзовая печатка с Киндыктепа, на одной стороне которой изображен олень, на другой – сибирский козел (оба животных – с большими рогами). Печатка датирована первыми веками новой эры.

Наряду с печатями были найдены также керамические печати-штампы. Одна из них круглой конусообразной формы, с продольным сквозным отверстием в конической части. На плоскости основания процарапано стилизованное изображение птицы с запрокинутой назад головкой. На головке V-образный выступ (гребешок?). Глаз показан точечным углублением. Тулово полусферическое, заштриховано тремя вертикальными линиями. Другой штамп также двусторонний в форме катушки с плоскими поверхностями обеих сторон. На одной плоскости находятся два пересекающихся крестообразных углубления, в центре – углубление цилиндрической формы. На плоскости второго круга – крестообразная выемка и пять цилиндрических отверстий в центре и по бокам желобков. Еще один штамп, в форме конуса с чашеобразным основанием, имеет врезанное изображение креста, в каждом секторе которого расположено по одному круглому углублению.

Знаки круга, креста, колеса, розетки, звезды, коня повсеместно употреблялись как символы солнца в бронзовом и раннем железном веке. С астральным культом у многих народов было связано и почитание птиц. В Египте сокол или ястреб считался символом древнейшего бога Ра – солнца. Поклонение птицам имело чрезвычайно широкое распространение. Многочисленны изображения птиц на ритуальных предметах. Это могли быть фигурки, которые нашивались на одежду или головной убор; керамические фигурки, исполнявшие роль амулетов. Птиц изображали также в виде креста или треугольника, выполняемых с помощью точек. Обычно крестообразные фигурки птиц состоят из креста и основания, дополнительную точку сбоку можно истолковать как попытку изобразить поворот головы. Две точки рядом наверху креста можно рассматривать как условное изображение двуглавой птицы.

Треугольные изображения птицы встречаются значительно чаще, чем крестообразные. У вершины некоторых треугольников поставлены две или несколько точек, видимо, в данном случае, сделана попытка изобразить двуглавую птицу. Крестообразные или треугольные фигурки часто встречаются в сочетании с кругом или кругами, видимо, они имеют отношение к поклонению солнцу и связанному с ним культу птиц и животных.

Печати с изображениями животных и птиц входят в круг зооморфных мотивов культур древнего Узбекистана. В среднеазиатском регионе в древности был широко распространен культ животных. Древние люди верили в существование сверхъестественной связи, родства человека или группы людей с каким-либо животным или растением, иногда неодушевленным предметом либо явлением природы, которые рассматривались как покровители рода. Отсюда и название – тотемизм (на языке индейцев-оджибве «тотем» дословно означает «его род»). Родовой тотем являлся покровителем и защитником рода. Трансформированные тотемистические образы существовали в культуре согдийцев и чачцев, как и у скифов. Не случайно, по мнению лингвистов, термин «Saka» – название, под которым известны на Переднем Востоке все скифские племена, означает «олень». Изображение оленей широко распространено в искусстве раннесредневекового Согда, Хорезма, Чача и Тохаристана. Образ оленя символизировал солнце, плодородие, благородство и величие. Тотемными животными были также баран, козел, бык, заяц, змея. В Чаче козлы изображались на сосудах и оссуариях. Так, недалеко от Пскента и около Мураталли были открыты наземные погребальные склепы-наусы с керамическими оссуариями, в которых зороастрийцы помещали кости умерших. Крышки оссуариев завершаются фигурками козлов и баранов. Это своеобразные символы носителей Фарна (благодати), охраняющих живых и умерших от злых духов.При раскопках одного из памятников в Ташкентской области – городища Намудлыг, протянувшегося вдоль правого берега реки Ахангаран, в слоях VI – VIII веков был найден в разрезе примечательный кувшинчик. Сосуд вылеплен вручную и снаружи покрыт красной краской с лощением. Вверху устье его закрыто в виде чаши с отверстием (диаметр – 1 см.) От края устья на самую широкую линию тулова опускаются четыре ручки. Ручки завершаются головками животных, соединенных между собой широким рубчатыми рогами. Рты животных полуоткрыты, глаза изображены в виде углублений, сверху небольшим горельефом показаны уши. Маленькие

уши и массивные закинутые назад рога позволяют предположить, что перед нами козел Carpasibirica, один из широко известных на территории Мавераннахра видов животных, изображавшихся на различных предметах в качестве духа-хранителя. В Чаче козлы изображались на сосудах и оссуариях. В 1965 году музею были переданы найденные на городище Мингурик (Ташкент) фрагменты частей сосудов с изображениями животных: глиняного носика слива в виде головки архара с зубчатыми рогами, резко выраженными глазницами и открытой круглой пастью. Вокруг шеи архара проходят глубокие насечки. На Мингурике были найдены также широкогорлые горшки, представленные венчиком с клювообразными валиками первых веков новой эры. Ручки некоторых горшков опускаются на плечико от середины горловины. Под ручкой одного из горшков имеется налеп в виде рогов козла. На фрагменте овальной в сечении ручки с пуговичкой-налепом изображен рог барана. В 1976 году, во время археологического обследования городища Киндыктепа научным сотрудником музея истории К.Алимовым был найден крупный фрагмент лепного керамического горшочка с изображением козла на передней стенке, ближе к горловине. Широкое распространение в древности имели деревянные и костяные подвески с изображением рогов барана или горного козла. Монеты с изображением бегущего зайца чеканились в период правления династии караханидов (X –XII вв.) в Тункете.

Экспрессивные изображения животных – верблюда, льва, оленя, коня имеются на многих бухарских монетах III – IV веков. Сохранились сведения о существовании в Согде храмов, посвященных этим почитаемым священным животным. Перед храмами стояли их статуи. Еще в XIX – начале XX веков с тотемами были связаны названия многих родов. Представления о тотемных животных заимствованы такими религиями, как зороастризм, буддизм, в качестве символов, характеризовавших различные проявления сил и явлений природы. Пережитки древнего поклонения тотемам сохранились до настоящего времени в декоративном искусстве.

Таким образом, древние печати выступают не только ценным историческим источником по изучению административного управления, юридической практики и внешних связей древних и раннесредневековых государств на территории Узбекистана, но и помогают воссоздать картину представлений древних людей о мире.

**Алишер ИСМАИЛОВ**
Ўз Р ФА Ўзбекистон тарихи давлат
музейи Илмий котиби, PhD.,
катта илмий ходим

# ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИНИНГ ТАШКИЛИЙ ВА ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИ

***Аннотация**: Мазкур мақолада Ўзбекистонда илмий тадқиқот куртаклари, ўзига хослиги ва Ўзбекистон тарихи давлат музейининг ташкил топиши, шаклланиши ва ривожи кенг ёритилган. Бундан ташқари Ўзбекистон тарихи давлат музейининг асосий илмий-тадқиқот ишлари унинг илм-фанга қўшган ҳиссасига кенг эътибор қаратилган.*

***Аннотация:** В данной статье дано широкое освещение зарождение, своеобразие научных исследований, а также организация, становление и развитие Государственного музея истории Узбекистана. Кроме этого, большое внимание уделено основным научно-исследовательским работам музея и его вклад в науку.*

***Abstract:** This article provides broad coverage of the origin, originality of scientific research, as well as the organization, formation and development of the State Museum of the History of Uzbekistan. In addition, much attention is paid to the main research work of the museum and its contribution to science.*

XIX аср охири - XX аср бошларида Ўзбекистонда фан янгича суръатда ривожланди. Математика, астрономия, ботаника, ирригация, метеорология, геология, минтақавий тиббиёт, тарих, археология, музейшунослик ва бошқа соҳаларда турли хил илмий йўналишлар шакллана бошлади[6,16]. 1869 йилдан «Ўрта Осиё олимлари жамияти» фаолият кўрсата бошлади. Унинг аъзолари Туркистон ўлкасини ўрганиб, бу борада кўплаб асарлар яратган шахслар эди. Жамият мажлисларида тарих, этнография, археология, жўғрофия, иқтисодёт, геология ва ҳ.к.лар бўйича маърузалар ва ахборотлар тингланган. Жамият ўлкада музей ташкил этиш, русча-ўзбекча, ўзбекча-русча луғатлар, ўзбек ва форс тилларини ўрганиш учун дарсликларни тайёрлаш бўйича фаолият кўрсатган. 1872 йилда мазкур жамият тугатилди[15,388-389].

А.П.Федченко «Туркистоннинг муваффақиятли ривожланиши учун у билан пухта танишиш зарур ва бу учун музей энг яхши восита» деб ёзган эди[11,38-49].1876 йилда Тошкент музейи ташкил этилган. У етакчи олимлар ва жамоат арбоблари А.П.Федченко, В.Ф.Ошанин, Н.А.Маев ташаббуси билан очилган Ўрта Осиёнинг биринчи музейидир[9,143.179].

Ўрта Осиёда биринчи музейнинг расмий очилиши 1876 йил 12 июлда бўлиб ўтди. 1877 йил январь ойида этнография, техник ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, тарих ва археологияга оид 1500 дан ортиқ турли хил буюмлар, 800 та қадимий тангалар ва медаллар мавжуд эди.

1880 йилда музейнинг низоми ишлаб чиқилди ва тасдиқланди, унда унинг мақсади, вазифалари ва ишнинг моҳияти аниқланди.

Музейда тўртта бўлим мавжуд эди: техника, этнография, тарих, археология ва нумизматика ва қишлоқ хўжалиги.

Музейни бошқариш беш кишидан иборат кузатув қўмитасига топширилди. Музей раҳбари унга бўйсунган. Музей экспозицияси «жамоатчиликни Марказий Осиё асарлари билан таништириш ва олимлар ўз соҳасида тўпланган материалларни ўрганишлари учун» очилган.

Низомнинг ушбу банди жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, музейнинг илмий ва таълим муассасаси сифатида қўшинини таъкидлади, аммо музей ҳали бу талабга жавоб бермади, чунки унда асосан тарқоқ коллекциялар намойиш этилди. Аммо умуман олганда, Туркистон музейи фаолиятининг биринчи даври (1876-1880) анча самарали бўлган. Музей фондлари нумизматика, этнография, геология ва бошқаларга оид турли хил тўпламлар билан бойитилди.

1900 йилда музей экспозициясига 5400 киши, 1913 йилда - 35 минг, 1916 йилда - 370 минг киши ташриф буюрган, бу вақтда музей ҳар куни ишламаган.

Тошкент музейининг муваффақияти вилоятнинг бошқа шаҳарларида ҳам музейлар ташкил этишга ҳисса қўшди. Уларнинг экспонатлари турли хил кўргазмаларда намойиш этилган. Шундай қилиб, 1890 йилда Тошкент музейи экспонатлари Туркистон қишлоқ хўжалиги кўргазмасида намойиш этилди. 1900 йилда ўтказилган халқаро Париж кўргазмаси учун музей маҳаллий аҳолининг кийим-кечаклари ва кундалик ҳаёти буюмлари, миллий асбоблар, чарм буюмлар, шиша, металл, археологик ва табиий тарих бўлимларини юборди. Катта этнографик тўплам 1906 йилда Милан кўргазмасига ва бошқа жойларга юборилган[12,38-39].

Туркистон халқлари тарихини ўрганиш соҳасида ҳам катта илмий ишлар олиб борилди. Туркистон Қ(б)П Марказий Комитета ҳузуридаги партия тарихи институти маҳаллий инқилобий ҳаракатлар тарихи материалларни тўплашга киришди. Ўзбекистоннинг ўтмишдаги энг бой ёдгорликларини сақлаш ва ўрганиш тўғрисида 1918 йилда қадимий меъморий ёдгорликларни муҳофаза қилиш ва таъмирлаш бўйича комиссия

тузилган. 1920 йилда Музейлар ва ёдгорликларни муҳофаза қилиш комитети (Турккомстарис) ўз ишини бошлади[10,27.11].

1918 йилдаги Октябрь инқилобидан кейин музей Туркистон халқ университети тасарруфига ўтказилиб, мустақил муассаса сифатида ажралиб чиқди[9,143/79].

Музей фондларини мунтазам равишда тўлдириш унинг экспозициясини 12 дан 18 хонага қадар кенгайтиришга имкон берди; 1923 йилда бу ерда 30 мингдан ортиқ буюмлар намойиш этилган.1924 йилга келиб Марказий Ўрта Осиё музейи Туркистон ўлкасини ва унга қўшни мамлакатларни ўрганиш бўйича кенг кўламли тадқиқотлар олиб борадиган ва иш олиб борадиган нуфузли илмий муассаса, иттифоқ аҳамиятига эга бўлган йирик музейга айланди. Музейда махсус илмий кутубхона ишлай бошлайди, илмий архив ва мусиқа кутубхонаси яратилди. СССР Фанлар академияси ва хорижий ўлкашунослик марказлари билан алоқалар ўрнатилмоқди.1930 йилда музейлар тармоғини соддалаштириш, уларнинг фаолиятидаги параллелликни йўқ қилиш, ёдгорликларни бир жойга тўплаш, илмий кучларни бирлаштириш ва уларнинг иш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон ССР ҳукумати Тошкент музейларини қайта ташкил этди. Улар Марказий Осиё аҳамиятига эга иккита йирик музейга бирлаштирилди[12,38-49].

Музей 1933 йилда Фанлар қўмитасига ўтказилди[9,143/79]. Музейларнинг белгиланишини улар амалда бажарган вазифаларига мувофиқлаштириш учун 1933 йил 3 апрелда Марказий (б) Ўз Марказий Қўмитаси Котибияти барча музейларга қатъий республика характерини беришни назарда тутувчи қарор чиқарди. Халқ таълими комиссариати буджетидан молиялаштирилади. Илгари Ўрта Осиё деб номланган барча музейлар республика бўлди.

1940 йил бошида Ўзбекистон тарихи ва инқилоб тарихи музейи Ўзбекистон ССР Марказий музейига айлантирилди ва шу йилнинг ноябрида унинг экспозицияси янгиланди[12,38-49].

Иккинчи жаҳон уруши республика музей тармоғи вақтинча қисқартирилиб, уларнинг бинолари эвакуация қилинган муассасаларга берилди. 1941 йил ноябрда ойида Санъат музейи, Алишер Навоий музейи, Тарих музейига, Политехника музейи эса Табиат музейига бирлаштирилди. Ўзбекистонда мавжуд 17 музейдан 6 таси ёпилди. Тарих, маданият ва санъат музейида доимий кўргазма сифатида «Улуғ Ватан уруши» стенди яратилди. Ундаги экспонатлар фронтдаги ҳаёт-мамот жанглари, ўзбекистонлик

жангчилар жасорати, фронт орқасидаги фидокорона меҳнат, шимолий Тошкент канали қурилишидаги матонат ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатлар, суратлар, ҳужжатлар, фронт газеталари, мукофотлар, қаҳрамонларнинг шахсий буюмлари стенддан кенг ўрин олди[14,66-68].

1942 йилнинг биринчи ярмида аллақачон Ўзбекистон халқлари тарихи, Улуғ Ватан уруши, совет аскарлари ва фронт орти ишчилари қаҳрамонлигига бағишланган заллар очилди[12,38-49].

1943 йилда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ташкил этилиши билан музей илмий муассаса сифатида унинг таркибига кирди[9,143/79].

Улуғ Ватан уруши ғалаба қозонганидан сўнг, мамлакатимизда музей ишлари янада ривожланди. Ўзбекистон ССР тарихи музейи фаолияти ҳам тобора фаоллашди. Музей ходимлари махсус ва мураккаб экспедицияларда фаол иштирок этиб, музей фондлари ва экспозицияларини тўлдирган янги қимматбаҳо материалларни очиб беришди. 1953 йилдан бошлаб, Совет Иттифоқида, биринчи навбатда, саноат корхоналари ва колхозлар маҳсулотларини ўрганиш асосида маблағларни режали сотиб олиш йўлга қўйилди[12,38-49].1967 йилда Ўзбекистон халқлари тарихи музейи «Мамлакатнинг энг яхши музейи» унвонига сазовор бўлди[11,455]. 1969 йилда Ўзбекистон тарихи музейига ўзбек ёзувчиси, академик М. Т. Ойбек номи берилган[9,143/79].

Музейнинг юз йиллиги, яъни 1976 йилга келганда унинг савияси анча ўсган эди, агар у XIX асрнинг 80 йилларида у 3 минг экспонатни ва 100 $м^2$ майдонни эгаллаган бўлса, энди музей 6000 $м^3$ ҳудудда жойлашган ва 200 мингдан ортиқ Ўзбекистон халқларининг моддий ва маънавий маданияти ёдгорликларига эга. 1901 йилда унга 5400 киши, 1975 йилда эса 400 мингдан зиёд одам ташриф буюрган.Музей ва унинг филиалларида 33 нафар илмий ходим ишлайди, шулардан 10 дан ортиғи фан номзодлари мавжуд бўлган[12,38-49].

1976 йилда музей меҳнаткашларни коммунистик тарбиялашдаги хизматлари учун ва унинг ташкил этилганлигининг 100 йиллиги муносабати билан «Фахрий ёрлиқ» ордени билан тақдирланди[11,455].

1980 йилда Абу Али Ибн Сино таваллудини нишонлаш борасида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг М.Т.Ойбек номидаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейи ходимлари Республика олимлари қаторида қизғин фаолият кўрсатди. Биринчи навбатда IX-XI асрларга оид экспозициялари қайта кўриб чиқилди. Экскурсияга келган томошабинлар Ибн Сино яшаган

давр ва олимлар ижодига оид кенг тасаввур олишлари мумкин эди [13,104-108].

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг В.И.Ленин марказий музейининг Тошкент филиалини ва Ойбек номидаги Ўзбекистон халқлар тарихи музейини тугатиб, уларнинг негизида 1992 йилдан бошлаб Ўзбекистон Фанлар академияси ҳузуридаги Ўзбекистон тарихи музейини ташкил этилди. Қарорга кўра Ўзбекистон тарихи музейи илмий-тадқиқот муассасаси ҳисобланади[3].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 5 августдаги «Ўзбекистон тарихи давлат музейини ташкил этиш тўғрисида»ги 402-сон қарори биноан Фанлар академиясининг Ўзбекистон тарихи музейига Давлат музейи мақоми берилди[4].

Ҳозирги кунда Ўзбекистон тарихи давлат музейининг илмий ва илмий-ташкилий фаолияти қуйидагилардан иборат.

тарихий, маданий, маърифий фанларнинг устивор йўналишлари бўйича илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш;

кишилик жамиятининг пайдо бўлиши ва ривожланиши тўғрисидаги илмий билимларнинг дастлабки (бирламчи) манбалари бўлган моддий маданият, тарихий ёдгорликларни тўплаш, бутлаш (қайта таъмирлаш), уларни илмий асосда ўрганишда жаҳон фани ютуқларидан фойдаланиш, умумлаштириш, амалиётга тадбиқ этишга кўмаклашиш, коллекциялар ҳисобини олиб бориш, сақланишини таъминлаш, илмий шарҳ бериш, уларни амалдаги мавжуд йўриқномалар ва услубий қўлланмалар талабига мувофиқ ҳужжатлаштиришни таъминлаш;

қадимий тарихий ёдгорликларни қидириш, тўплаш ва уларни ўрганиш мақсадида бошқа илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликда экспедициялар ташкил этиш ва уларда қатнашиш;

ўзбек давлатчилиги тарихини, тараққиёт йўлини, жаҳон фани ва маданиятига қўшган улкан ҳиссасини кўрсатиб берадиган асл ҳужжатлар, қўлёзмалар, моддий-маънавий ёдгорликлар ва топилмалар асосида доимий, вақтинчалик ва кўргазмалар ташкил этиш;

музей заҳира ва экспозиция залларини археологик, этнографик экспедицияларда тўпланган ашёлар, кенг халқ оммаси қўлидаги ва муассасалардаги халқимиз тарихига оид ёдгорликлар, осори атиқа буюмлар ҳисобига бойитиш;

музейнинг истиқболли мавзу-экспозицион режалари, безатиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш;

вилоят, туман ва бошқа музейларга музейшунослик масалаларида амалий ёрдам кўрсатиш;

хорижий мамлакатлар илмий муассаса ва музейлари билан ҳамкорлик қилишнинг турли шаклларини йўлга қўйиш, иш тажрибасини ўрганиш учун ходимларни хорижий мамлакатларга юбориш ва уларнинг ходимларини қабул қилиш;

Ўзбекистон Президенти 2017 йил 7 февраль кунги фармони билан 2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини тасдиқлади[1]. Стратегия лойиҳаси долзарб ҳамда аҳоли ва тадбиркорларни ташвишга солаётган масалаларни комплекс ўрганиш, қонунчилик, ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиёти ва хорижий тажрибани таҳлил қилиш якунлари бўйича ишлаб чиқилди.

2017 йил 11 декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2017 — 2027 йилларда Давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комлекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори[5] тасдиқланди. Мазкур қарорда Ўзбекистон тарихи давлат музейи биноси янги қурилиш лозим бўлган бинолар рўйхатига киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 8 ноябрдаги «Адиблар хиёбонида атоқли сўз санъаткорлари ва жамоат арбоблари хотираларига бағишлаб ёдгорлик мажмуаларини ўрнатиш ҳамда «Тошкент музейи» фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 905-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбекистон тарихи давлат музейи филиали «Тошкент музейи» ташкил этилган.

Қуйидагилар «Тошкент музейи»нинг асосий вазифаларидир:

Тошкент тарихи, археологияси ва этнографияси ҳамда музейшунослик йўналишлари бўйича илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш;

Тошкент воҳасидаги қадимий тарихий ёдгорликларни излаб топиш, тўплаш ва уларни ўрганиш мақсадида бошқа илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликда экспедициялар ташкил этиш;

музей кўргазма залларидаги экспонатлар орқали халқни тарих бунёдкори ва моддий-маънавий бойликларни яратувчи сифатида кўрсатиш, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тарихни ёритиш;

республика таълим муассасалари билан ҳамкорликда музейда очиқ дарслар, маъруза ва семинар машғулотлари, талабаларнинг малакавий амалиёт ўташини таъминлаш;

кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, ходимлар таркибини истеъдодли олимлар, ёш илмий кучлар билан доимо тўлдириб бориш.

2020 йил 26 майда юқоридаги вазифаларни самарали амалга ошириш, маданият ва санъат соҳасидаги ислоҳотларни жадал давом эттириш, маданият органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони[2] эълон қилинди.

Фармонга мувофиқ Ўзбекистон тарихи давлат музейига - маданият ва тарих соҳасидаги барча музейлар фаолиятини илмий-тадқиқот ва методик жиҳатдан мувофиқлаштириш, уларнинг ушбу йўналишлардаги ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш, кадрларнинг илмий салоҳиятини ошириш вазифаси юкланди. Бундан ташқари 2021 йил 1 январга қадар Ўзбекистон тарихи давлат музейида музейшунослик, санъатшунослик, маданиятшунослик йўналишларида қонун хужжатларида белгиланган тартибда ихтисослаштирилган илмий кенгашлар ва илмий-методик кенгашлар ташкил этиш белгилаб қўйилди.

Шунга биноан Ўзбекистон тарихи давлат музейи ҳузурида тарих фанлари буйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи PhD.02/09.07.2020.Тar. 120.01 ракамли илмий кенгаш тузилди[8]. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси томонидан Ўзбекистон тарихи давлат музейи Илмий Кенгаши таркиби тасдиқланди[7].

Музей Фанлар академияси таркибидаги илмий-тадқиқот муассаси бўлиб музейшунослик соҳасида Ўзбекистон музейлари учун таянч муассасадир. Музей ходимлари республика миқёсидаги илмий лойиҳаларни бажаради, илмий, маънавий-маърифий ва тарғибот ишларида фаол иштирок этиб келмоқда.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришга бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони // Ҳаракатлар стратегияси

асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017. – Б.71.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 майдаги «Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6000-сон Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 21 апрельдаги «Ўзбекистон тарихи музейини ташкил этиш тўғрисида»ги 203-сон қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 5 августдаги «Ўзбекистон тарихи давлат музейини ташкил этиш тўғрисида»ги 402-сон қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 декабрдаги «2017 — 2027 йилларда давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комлекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги 975-сон Қарори
6. Академия наук в годы независимости Узбекистана / Фанлар академияси Ўзбекистон мустақиллиги йилларида. –Тошкент: Фан, 2013. -С.576.
7. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президиуми мажлисининг 2020 йил 27 ноябрдаги №ПМҚ-29 сонли Баёни.
8. Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсатининг 2020 йил 9 июлдаги 282/2-сон Қарори.
9. Академия наук Узбекской ССР. Справочник. Автор-составитель А. И. Садовский. –Ташкент, 1958. -С.150.; // Академия наук Узбекской ССР Справочник. 1976. (Под ред. М.К.Нурмухамедова) -Тошкент:»Фан», 1976. -С.244.
10. Академия наук Узбекской ССР. Справочник. Автор-составитель А. И. Садовский. –Ташкент:, 1958. С-150. // Ҳ. Ф. Фозилов, А. И. Садовский. Ўзбекистонда фан тараққиёти. – Т.: 1959. 11 б.
11. Академия наук Узбекской ССР. – Ташкент: «Фан», 1983. -С.455.
12. Н.С.Содиқова. Ўзбекистон халқлари тарихи музейи 100 ёшда. Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1976 йил 12-сон. 38-49 б.
13. Н.С.Содиқова. Ўзбекистон халқлари тарихи музейи Ибн Сино таваллудининг 1000 йиллигига // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1980 йил 8-9-сон. 104-108-б.
14. Н.С.Содиқова. Улуғ ватан уруши даврида Ўзбекистон музейлари//Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1975 йил 5-сон. 66-68 -б.
15. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 12-жилд. Ўзбекистон Республикаси. - Т.: «Ўзбекистан миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2005. 388-389 б.

**Лариса ЛЕВТЕЕВА**
старший научный сотрудник
Государственного
музея истории Узбекистана,
кандидат исторических наук,
**Тохир НОРКОБИЛОВ**
заведующий отделом Государственного
музея истории Узбекистана

# ЧУСТСКАЯ КОЛЛЕКЦИЯ

***Аннотация.*** *Настоящая статья освещает содержание музейной коллекции Государственного музея истории Узбекистана, сформированной из предметов, обнаруженных в ходе раскопок Чустского поселения эпохи бронзы (X1-X вв.) в Наманганской области Узбекистана. На поселении в больших количествах найдены керамика, богатый набор металлических орудий, предметов вооружения, украшения и др. Значение исследования Чустского городища трудно переоценить. В его ходе в науку вошло понятие «Чустская культура».*

Государственный музей истории Узбекистана располагает поистине уникальными экспонатами, позволяющими проследить особенности развития цивилизации на территории нашей страны с древнейших времен. Так, в экспозиции музея представлен многочисленный и разнообразный материал, полученный в ходе раскопок одного из интереснейших и важных в научном отношении памятников земледельческой культуры развитой бронзы II – I тысячелетий до новой эры – Чустского поселения в Ферганской долине.

Этот очаг древней культуры по праву занял свое место в истории мировых цивилизаций. Археологические изыскания открыли поселение, обитатели которого были хорошо знакомы с различными видами ремесел. Гончарное и литейное дело, обработка камня и кости, ткачество и другие занятия древних обитателей Чустскогопоселения говорят о высоком уровне его развития. В музейном зале экспонируется план, на котором хорошо видно, что поселение окружала оборонительная стена, сложенная из пахсы и сырцового кирпича. Тут же можно видеть фотографию остатков этой стены, открытой археологами. На снимках запечатлены остатки жилищ, обнаруженных на месте поселения, мужские и женские погребения. Рядом располагаются рисунки-реконструкции археологического памятника.

Чустское поселение расположено в северо-западной части Ферганской долины, в 2,5 километра к северу от города Чуста, на большом холме под названием Биби-она-мазар. Длина поселения достигает 350, ширина – 160 метров, общая площадь составляет 40 тысяч 600 квадратных метров. Высота холма – от 2 до 6 метров.

Памятник открыт в 1950 году старшим научным сотрудником Музея истории, кандидатом исторических наук М.Э.Воронцом. Тогда с поверхности объекта был собран подъемный керамический материал, давший возможность М.Э.Воронцу предварительно отнести его к типу земледельческих стоянок эпохи бронзы, а именно к культуре бронзы с раскрашенной керамикой.

С 1953 по 1961 годы исследовательские работы на Чустском поселении проводил старший научный сотрудник Музея истории В.И.Спришевский. Общее руководство раскопками осуществлял известный узбекский археолог, академик Я.Г.Гулямов.

Виктор Исидорович Спришевский (1911-1991) окончил исторический факультет Среднеазиатского государственного университета (ныне – Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека). В студенческие годы он был избран старостой созданного на кафедре археологии студенческого археологического кружка «СНАК», члены которого принимали участие в археологических раскопках, проводившихся в Самарканде на территории бывшего загородного дворца Мирзо Улугбека «Чинни-хона». В 1941 году В.И.Спришевский вошел в состав правительственной комиссии, проводившей вскрытие захоронений в мавзолее Гур-Эмир в Самарканде, участвовал в работе многих экспедиций на территории Узбекистана: Хорезмской археологической экспедиции на городище Топраккала; неолитической стоянке Джанбаскала. Исследовал памятники эпохи бронзы и средневековья в Бухарской области. В Ташкентской области проводил раскопки погребальных курганов у поселка Алмазар, городища Киндыктепа на Ташкентском море, изучал археологические объекты, расположенные на территории Ташкента. Руководил в качестве начальника отряда раскопками в обсерватории Улугбека и на городище Афрасиаб в Самарканде. До конца жизни В.И.Спришевский не порывал связи с Государственным музеем истории Узбекистана. Работая над своим архивом после выхода на заслуженный отдых, передавал в музей фотоснимки, чертежи и другие материалы,

связанные с раскопками, подарил библиотеке музея коллекцию книг по археологии, которую собирал в течение многих лет.

В ходе изучения Чустского поселения В.И.Спришевским была собрана интересная коллекция керамических, бронзовых и каменных изделий, характеризующих высокий уровень культуры оседлого земледельческого населения региона.

Основной материал представлен керамикой четырех типов: 1) сосудами с залощенной и покрытой красным ангобом поверхностью; 2) покрытыми расписным орнаментом; 3) без лощения, ангоба и росписи; 4) так называемые «кухонные» сосуды. Формы сосудов всех четырех видов разнообразны – банкообразные, круглодонные и плоскодонные чаши, плоскодонные и шаровидные горшки, кувшинообразные, грушевидные, кубкообразные, кругловидные сосуды (некоторые с трубчатыми сливами), пряслица и другие предметы.

Не менее разнообразны найденные на Чустском поселении изделия из металла: бронзовые ножи, наконечники стрел, шилья, швейные иглы, удило, рыболовные крючки, серпы, кольца. Из найденных предметов наибольший интерес представляют два бронзовых серпа. Также на городище исследователи обнаружили бронзовые слитки, изготовленные методом литья.

Каменные изделия представлены литейными формами из песчаника с вырезанными в них матрицами, которые служили для отливки орудий труда или предметов вооружения. Также, в основном, во фрагментарном состоянии, сохранились кайло, молоты, песты, топоры, разнообразной формы булавы, серповидные ножи, точильные камни (оселки), ступки, лощила, подвески, пуговицы, грузила, терки и другие предметы.

Среди каменных изделий на Чустском поселении встречаются не только утилитарные образцы. Археологами найдены украшения и изделия из нефрита, сердоликовые и лазуритовые бусы боченкообразной и цилиндрической формы.

Уникальной является находка на поселении обугленных семян пшеницы, ячменя, проса.

Комплекс предметов, относящийся к эпохе поздней бронзы, в пределах в основном середины II тысячелетия до новой эры – VIII – VII веков до новой эры, был доставлен в ходе раскопок в Музей истории Узбекистана, где ныне хранится в археологическом фонде.

В 1963 году по материалам раскопок Чустского поселения В.И.Спришевский защитил диссертацию на соискание ученой степени

кандидата исторических наук. Музейные фонды и экспозиция пополнились многими уникальными памятниками материальной культуры.

Описание хода исследовательских работ на Чустском поселении опубликовано В.И.Спришевским в серии статей («Чустская стоянка эпохи бронзы (раскопки 1953 года) (СЭ, 1954, № 3); «Раскопки Чустского поселения в 1954 г.» (Труды Тадж АН. Т. 37. 1956); «Чустское поселение эпохи бронзы (раскопки 1956 г.)» (КСИИМК. Вып. 71. 1958) и др.).

Значение исследования Чустского городища трудно переоценить. В его ходе в науку вошло понятие «Чустская культура» для синхронных ей памятников – Дальверзинтепа, Ашкалтепа, Тергаучи и других очагов оседлой земледельческо-скотоводческой культуры конца эпохи бронзы, ранее неизвестной в Ферганской долине, и, по праву, занявшей свое место в истории мировых цивилизаций.

**Санабар ДЖУРАЕВА**
Ўз Р ФА Ўзбекистон тарихи давлат музейи
филиали Тошкент музейи
катта илмий ходими, т.ф.д.

# ТОШКЕНТ ЗИЁРАТГОҲЛАРИНИНГ МАНБАШУНОСЛИГИ ВА ТАРИХШУНОСЛИГИ

***Аннотация:*** *Мақолада Ўзбекистоннинг марказий шаҳри бўлган Тошкент (Шош) нинг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни, олиму-уламоларининг ислом фани ривожига қўшган ҳиссаси, шаҳар қурилиши, мақбара, масжид, мадрасалари, ижтимоий-сиёсий, маданий ва маънавий ҳаёти, аҳоли турмуш тарзининг манбаларда ёритилиши келтирилган. Шу билан бирга мустамлака даври ва истиқлол йилларида Тошкент тарихи, археологик ёдгорликлари, зиёратгоҳларига рус ҳокимятининг муносабати, уларнинг хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан ўрганилиш тарихи баён қилинган.*

***Аннотация:*** *В статье рассматривается роль Ташкента (Шош), центрального города Узбекистана, в аспекте мировой цивилизации, вклад его ученых в развитие исламской науки, строительство города, мавзолеев, мечетей, медресе, общественно-политических , культурная и духовная жизнь, образ жизни населения которые освещаются в исторических документах. При этом описывается история Ташкента, его археологических памятников и святынь в колониальный период и годы независимости, а также история их изучения зарубежными и отечественными учеными.*

***Abstract.*** *The article discusses the role of Tashkent (Shosh), the central city of Uzbekistan, in the aspect of world civilization, the contribution of its scientists to the development of Islamic science, the construction of the city, mausoleums, mosques, madrasas, socio-political, cultural and spiritual life, the lifestyle of the population which are covered in historical documents. At the same time, the history of Tashkent, its archaeological sites and shrines during the colonial period and the years of independence, as well as the history of their study by foreign and domestic scientists are described.*

Ўзбекистоннинг марказий шаҳарларидан бири бўлган Тошкент (Шош) ўрта асрларда жаҳон цивилизациясига ўз тарихи, олиму уламолари билан катта ҳисса қўшган ҳудуд ҳисобланган.Тошкент тарихи, шаҳар қурилиши, мақбара, масжид, мадрасалари, аҳоли турмуш тарзини ёритишда ёзма манбалар муҳим аҳамиятга эга. IX-X асрларда яшаб, фаолият кўрсатган Ибн Ҳавқал [1:66-68], Истахрий, ал-Муқаддасий каби араб олимлари Шош вилояти,унинг маркази Бинкент шаҳри, шаҳар қурилиши, у ердаги маънавий,ижтимоий-сиёсий ҳаёт ҳақида ўз асарларида қимматли маълумотларни келтирганлар [2:110].Шу билан бирга, Беруний ҳам Бинкент Шошнинг пойтахти эканлиги, географик жойлашуви, кординатлари [3: 427],

Маҳмуд Қошқарий эса Шош шаҳри,унинг қурилиши ҳақида тарихий маълумотларни берган [4:414].Ёқут Ҳамавий (XII аср охири– XIII аср боши) ўзининг «Мужам ал-Булдон асарида Ўрта Осиё шаҳарлари, жумладан Тошкент, Самарқанд, Насаф, Кеш, Термизга борганини, шу ерда яшаган таниқли уламолар, ёдгорликлар, зиёратгоҳлар тўғрисида ҳам маълумотлар келтиради [5:143].

XIV-XVII асрларда Тошкент тарихи бўйича Ҳофизу Абрунинг «Зубдат ат-таворих», Зайниддин Восифийнинг «Бадоеъ ал-вақоеъ», Муҳаммад Юсуф Муншийнинг «Тарихи Муқимхоний», Мир Муҳаммад Амин Бухорийнинг «Убайдулланома», Камолиддин Биноийнинг «Шайбонийнома», Фазлуллоҳ ибн Рўзбихон Исфахонийнинг «Меҳмонномаи Бухоро», Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома», Муҳаммад Хайдарнинг «Тарихи Рашидий», Муҳаммад ибн Араб Қатағонийнинг «Мусаххир ал-билод», Хофиз Таниш Бухорийнинг»Абдулланома» каби асарларида қисқа, аммо муҳим маълумотлар учрайди. Жумладан, Файзуллоҳ ибн Рўзбихон Исфахонийнинг «Меҳмонномаи Бухоро» асарида Тошкент ва унинг атрофидаги қабилалар ҳамда Тошкент ва унга қарам бўлган ерлар Шош вилояти номи билан юритилганлигини келтиради [6:144].

Таъкидлаш жоизки, зиёрат  яъни «муқаддас жойлар» масаласининг Ўзбекистон худудида кенг тарқалишида сўфийлик [7:153.] муҳим роль ўйнайди.Ибн Батутанинг ёзишича, Ўрта Осиёнинг ҳар бир шаҳрида жуда кўп азиз авлиёларнинг қабри учрайди.Бу шаҳарлардаги авлиёларнинг қабрларига бутун ислом оламидан зиёратчилар келиб туради. Шу билан бирга, баъзи шаҳарларда фақат маҳаллий аҳоли танийдиган ва тавоф этадиган авлиёларнинг қабрлари ҳам борлиги айтиб ўтилади[8:52-53].

Шошдан IX-XVII асрларда ислом дини, фани ва маданияти ривожи йўлида хизмат қилган Кулайб Шоший, Қаффол Шоший, Аҳмад Шоший, Шайх Хованди Тоҳур, Ҳожа Аҳрор, Сулаймон Банокатий, Баҳриддин Чочий, Алойи Шоший, Мирзо Муҳаммад Хайдар, Ҳофиз Кўҳакий, Жамшид Шоший, XVII-XIX асрларда Ибодулла Тошкандий, Ҳушҳол Тошкандий, Фатҳий Тошкандий ва бошқа 100 дан ошиқ алломаи фузалолар етишиб чиққан.

Абдулкарим ас-Самъоний (1113-1167) ўзининг «Насабнома»(ал-Ансоб) асарида ўрта асрларда Шошдан кўплаб уламо, машойих ва фозиллар етишиб чиққанини, олимлардан: ал-Одамий, Абу Наср Аҳмад Усбоникатий, Абу Али Ҳусайн ал Фақиҳ, ал-Усбоникатий, Абу Рабиъ Тоҳир ал-Ийлоқий, Абу Абдуллоҳ  Муҳаммад ал-Ийлоқий, Абу Саъид Хайсам аш- Шоший, ал-Бинкатий, Абу Лайс Наср ат-Тункатий, Абу Муҳаммад Жафар аш-Шоший,

Абу Саъид Хайсам аш-Шоший ал-Адиб, Абдуллоҳ аш-Шоший, Абу Бакр Муҳаммад ал-Қаффол Шоший, Абу Наср Аҳмад ал-Касоний ва улардан бошқа кўплаб алломалар номини қайд этади [9:243-255].Айтиш лозимки, зиёратгоҳлар номи турли авлиё ва валийлар ҳаёти билан боғлиқ бўлиб, авлиёлар ҳаёти ва кароматларига доир Фаридуддин Атторнинг «Тазкират ул-авлиё» асарида 72 авлиё [10:464, 240], Абдураҳмон Жомийнинг «Нафоҳат ул-унс» номли китобида эса, 618 авлиёлар зикри келтирилган [11:584]. Шунингдек Алишер Навоийнинг «Насоим ул-муҳаббат» номли тазкирасида 770 та авлиёни таърифи берилган [12:590]. Ушбу асарлар Марказий Осиё ҳудудида авлиёлар номи билан боғлиқ топонимика агиография ва персонификация таҳлилини ўрганишга манба бўлиб хизмат қилади. Авлиёларнинг инсон турмуш тарзи билан боғлиқ масалаларга доир қарашлари зиёратгоҳлар тарихини ўрганишда ёрдамчи материал ҳисобланади.

Амир Темур ўзининг «Темур тузуклари»да авлиёлар ва дин пешволарининг мозорларини тузатиш, вақф ва назр ишларини тартибга келтириш мақсадида «Авлиёлар ва дин пешволарининг мақбараларига вақфдан маблағ ажратсинлар. У ерларни палос,таом ва чироқ билан таъминласинлар.Биринчи навбатда, амир ал-мўминин, мард кишилар шоҳи Али ибн Абу Толибнинг, унга Аллоҳнинг карами ва эҳсони бўлсин, муқаддас қабрларини яхши сақлаш учун Нажаф билан Ҳиллани вақф этиб берсинлар»[13:137], деб буйруқ берган.Амир Темурнинг дин пешволари, азиз авлиёларга ҳурмати баландлиги сабаб, қаерни забт этсалар, биринчи навбатда, у ернинг авлиёю уламолари қабрини зиёрат қилган.

Фахруддин Али Сафийнинг «Рашаҳоту айнил ҳаёт» асарида келтиришича, «Ҳазрати Эшон (Хожа Аҳрор Валий)нинг кўнглига аён бўлиб, бир кеча Шайх Абу Бакр Қашшоли Шоший, Шайх Хованд Таҳурнинг қабрларига борганини, у ердан Хожа Иброҳим Кимёгарнинг мозорига, сўнгра Шайх Зайниддин Қуйи Орифоннинг қабрларини зиёрат қилиб, ҳаққига дуо ўқигани, кейинчалик уларнинг қабрини тез-тез зиёрат қилиб турганлиги айтгилган»[14:290-291]. 1546 йилдаги ер-жойлар рўйхати келтирилган, вақф мулкига ҳадя қилинган вақф ҳужжатида Хожа Аҳрор Валийга тегишли Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Қашқадарё ва Афғонистон ҳудудида жойлашган ер-мулклар, шаҳар атрофида жойлашган боғлар, савдо расталари(тим),ҳаммом, тегирмонлар ва бошқа мулклар қайдга олинган ҳужжатлар сифатида берилган бўлиб, мазкур мулклар масжид, мадрасалар

қуриш ва авлиёлар қабри учун вақф қилингани таъкидлаб ўтилган. Бу даврда Шош ҳудуди Тошкент, деб аталган [15:359].

XVI асрда яшаган турк адмирали,сайёҳ Сейди Али раис «Миръотул мамолик» (Мамлакатлар кўзгуси) асарида Ўрта осиё шаҳарлари: Тошкент, Самарқанд, Кеш, Насаф, Бойсун, Чаҳаршанба, Чағониён,у ердаги Сангардак тоғи, Ҳисори Шодмонга, у ердан Бухоро, Хоразмга борганини, шаҳарлар тарихи,географияси, этнографияси, зиёратгоҳлари ҳақида ўта муҳим, тарихий материалларни ёритади [16:97].

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Тошкент ва унинг атрофида ўрта асрларда ислом маданияти шаклланган.Улуғ авлиё ва алломаларнинг зиёратгоҳлари аҳоли учун табаррук масканга айланган.Шош (Тошкент)нинг ижтимоий-сиёсий, маданий ва маънавий ҳаёти аҳоли турмуш тарзи ўрта асрларда тарихчи олимлар томонидан ёритилган.

Жумладан, Муҳаммад Юсуф Мунший ўзининг «Тарихи Муқимхон» асарида тошкентликларнинг Бухоро хони Имомқулихонга қарши кураши ҳақида маълумотлар келтиради [17].Тошкентнинг шаҳар деворлари душман ҳужум қилган вақтда аҳолини ҳимоя қилишда мустаҳкам истеҳком ҳисобланган [18].Маҳмуд ибн Вали XVII асрда Тошкентнинг географик жойлашуви,тибиати, ижтимоий сиёсий ҳаёти,зиёратгоҳларнинг шаклланиш тарихи ҳақида маълумотлар келтиради [19:56].Самандар Термизийнинг «Дастур ул-мулк» асарида XVIII асрда Тошкент халқи ҳаёти ёритилган [20:161,175].

Муҳаммад Солиҳнинг XIX асрда ёзилган «Тарихи жадидайи Тошканд» асарида Тошкент шаҳри топографияси, шаҳар атрофидаги жойларнинг географик жойлашуви ёритилган.Унда Шайх Хованди Тоҳур, Юнусхон, Шайх Зайниддин, Сузук ота, Хўжа Нуриддин, Чўпонота зиёратгоҳлари, яъни мақбараларининг қурилиш услуби, таъмирланиши, улар атрофидаги масжид,мадрасалар,шу билан бирга, йўқолиб кетган объектлар ҳақида қимматли маълумотлар баён қилинган [21:36-38].

Тадқиқотчи Неъматулло Муҳамедов ўзининг «Шош воҳаси олимларининг Марказий Осиё илм-фани ва маданиятида тутган ўрни» номли монографиясида IX-XIX асрларда яшаб, фаолият юритган 100 га яқин алломаларнинг ҳаёт-фаолияти,Имои Қаффол Шоший, Шайх Хованди Тоҳур, Юнусхон, Шайх Зайниддин мақбаралари, Хожа Аҳрор Валий масжиди, улар атрофида жойлашган қўшимча бинолар: масжид, ҳовуз,ҳужралар ҳақида ҳам қимматли илмий материаллар ёритилган [22:224].

Юқорида келтирилган  маълумотлар шуни кўрсатадики, ўрта асрларда Тошкентда ислом маданияти шаклланганлиги, воҳа тарихи, топографияси, жой номлари, географик жойлашуви,шаҳарлар қурилиши, аҳоли турмуш тарзи, маънавий, ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаёти ҳақида маълумотларни беради ва Тошкент зиёритгоҳлари, уларнинг аҳоли ҳаётида тутган ўрнини ўрганишда қимматли қўшимча манба ҳисобланади.

XVI-XVII асрларда Ўрта Осиёга Европа ва Россиядан элчилар келиши кўпайган.Улар Ўзбекистон ҳудуди,этник ҳолати, дини, аҳоли турмуш тарзи ҳақида маълумот келтирган. Элчилар зиёратгоҳлар, ислом уламолари ҳақида батафсил тўхталмаса-да, бу маълумотлар муаммони қўшимча ўрганишга ёрдам беради. Е.К.Мейендорф «Россия элчилигининг Оренбургдан Бухорога 1820 йилги саёҳати» (Путешествия Российского посольства из Оренбурга Бухару) номли монографиясида Бухоро, Янги Урганч, Хива, Қўқон, Тошкент, Самарқанд, Термиз, Бойсун, Шеробод ва бошқа шаҳарлар ҳақида қизиқарли шарҳлар келтирган [23:182].

Туркистон генерал-губернатори С.М.Духовскийнинг 1899 йилда ёзилган «Ислам в Туркистане» асарида аҳолининг зиёратгоҳларга ташрифи қуйидагича баҳоланган: тажриба шуни кўрсатмоқдаки, туземликлар касалликларни даволашда ўз ҳоҳишлари билан рус тиббиётчиларининг хизматидан фойдаланмоқда. Бироқ даволаниш тугаши билан улар(Туркистон мусулмонлари – С.Ж) даволаш натижалари янада яхшироқ бўлиши учун албатта «муқаддас жойлар»га ташриф буюришади. Бундан ўз дардларига шифо излашади [24:4-6].

А.И.Добрасмыслов XIX аср охирида Тошкент қабристонлари: 1891 йил Тошкентда 68 та қабристон борлиги, уларнинг энг каттаси Лайхонтаҳур ва Ҳазрат Эшон (Имом) қабристони эканлиги, 1891 йилда 21 та, 1892 йилда 12 та, 1894 йилда қолган барча қабристонлар ҳам ёпилганлигини, ўрнига мусулмонлар учун 11 та қабристонга жой ажратилганлиги ҳақида маълумот берган [25:184].

Маълум тарихий даврда кечган жараёнларни ўрганишда мазкур вақт оралиғида яратилган ҳужжатларнинг беқиёс ўрни бор. Тарихий ҳужжатлар мазмунига кўра, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, маънавий ҳаётни акс эттиради ва шу билан боғлиқ ҳодисалар ҳақидаги ахборотни ўзида сақлайди. Айни вақтда ҳужжатларнинг катта қисми расмий манба сифатида ҳам ҳаққоний тарихни ёритишда муҳим далил ҳисобланади. Ўзбекистон Миллий архивининг (кейинги ўринларда – ЎзМА) жамғармаларида мустамлака, совет ва мустақиллик йилларида Тошкент воҳаси этнографияси,

бинолар архитектураси, давлат ва дин муносабатларига доир қимматли материаллар сақланади. Масалан, ЎзМА архив ҳужжатлари 34-фондда ТАССР Маориф Халқ комиссарлигининг 1917-1924 йилдаги вақф ҳужжатлари Туркистондаги область ва уездларга доир маълумотларни бирлаштириб, унда зиёратгоҳлар учун ажратилган вақфлар ҳақида ҳужжатлар мавжуд. Шунингдек, 394-фондда санъат, табиат ва қадимги ёдгорликларни сақлаш Ўрта Осиё қўмитаси (Средазкомстарис) жамғармаларида 1920-1928 йиллардаги Ўзбекистон ҳудудидаги тарихий обида ва ёдгорликларнинг сақланиши, уларнинг рўйхати, давлат муҳофазасидаги ҳолати тўғрисида маълумотлар сақланади.

Совет йилларида Тошкент воҳаси зиёратгоҳлари ҳолати, уларнинг муҳофазаси юзасидан маълумотларни 2761-фондда «Республиканское правление общества охраны памятников истории и культуры» (Маданий ва тарихий ёдгорликларни сақлаш жамиятининг Республика бошқармаси) жамғармаларида учратиш мумкин. Шунингдек, 2296-фондда «Главное управление по охране памятников и изобразительного исскуства Министерство культуры УзССР (1957-1976)» (ЎзССР маданият вазирлиги тасвирий санъат ва ёдгорликларни сақлаш бош бошқармаси) жамғармаси ҳам ўзида қимматли маълумотларни бирлаштирган. Унда ёдгорликларни сақлаш юзасидан буйруқлар, таъмирлаш (реставрация) жараёнлари, уларга ажратилган маблағлар, шу даврдаги ёдгорликларнинг расмий рўйхати келтирилган. Шунингдек, ЎзМАда, Ўзбекистоннинг мустақиллик даври тарихи билан бевосита боғлиқ архив ҳужжатлари жамланган М-фондлар ҳам архитектура, маданият қурилиш соҳасига доир тарихий ва бошқа жараёнларга тегишли маълумотларни ўзида қамраб олган. Масалан, М-7, М-38 фондлари Ўзбекистон Республикаси маданият вазирлиги жамғармасида ҳамда М-35 фондда ҳам «Государственний комитет Республики Узбекистан по архитектуре и строительству» маданий-тарихий бойликларни сақлаш юзасидан давлат аҳамиятига оид фармон, қонун ва фармойишлар, уларнинг бажарилиши юзасидан тадбирлар, Ўзбекистонда тарихий-маданий ёдгорликлар рўйхатига оид ҳужжатлар мавжуд.

Тошкент воҳаси тарихи мустамлака даврида археолог ва тадқиқотчилар томонидан тадқиқ қилинган.Жумладан: Добросмыслов А.И. «Ташкент в прошлом и настояшем» (1912), «Путеводитель по городу Ташкента» (1937), Назаров Ф. «Записки о некоторых народах и землях средней части Азии» (1968), Массон М. Е. «Прошлое Ташкента» (1954), Азадаев Ф. «Ташкент по второй половине XlX века» (1959), Зияев Х. «Тошкентнинг Россияга қўшиб

олиниши» (1962),Соколов Ю. А. «Ташеент, Ташкентцы и Россия» (1965), Беленицкий А. М. ва бошқалар «Средневековый город Средней Азии» (1973), Буряков Ю. Ф. «Историческая топотрафия Ташеентского оазиса» (1975),Мукминова Р. Г. «Из истории позднесредневековога Ташкента» (1981), Лунин Б. В. «История изучения прошлого и настояшего города Ташкента»(1981), ЎзФА Археология институти «У историков древней культуры Ташкента» (1982), Ўринбоев А.,Бўриев О.»Тошкент Муҳаммад Солиҳ тавсифида»(1973), Мўминова Р. «Тўрт аср олдинги Тошкент»(1984), Муҳаммаджонов А.»Қадимги Тошкент»1988) ва бошқаларнинг асарларида Тошкентнинг қадимги даврдан то мустақиллик давригача бўлган тарихи ёритилган.

Тошкентнинг қадимги даври, археологик ёдгорликлари тадқиқи бўйича Н.А.Маев, В.В.Бартольд, М. Е. Массон, Г.В Парфенов,В.А.Шишкин, Н. Г. Маллицский, В. А. Булатова, А. И. Тереножкин, Г. В. Григорьев, Т. Мирғиёсов, Г. Рашидов, Я. Ғ. Ғуломов, У. Исломов, Ф. Азадаев, М. И. Филанович, Ю. Ф. Буряков, А.Р. Муҳаммаджонов, Д. Г. Зильфер, Г. Дадабаев, С. Б. Лунина, З. Усманова, Д. П. Вархотова, Л. Г. Брусенко, М. Аминжанова, М. С. Мершиев, В. И. Спришевские, Н.Х.Дуке, И. Крашенинникова, А. Кабиров ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб борган.

Мустақиллик йилларида Тошкент воҳаси тарихи, этнографияси, топонимикаси, муқаддас қадамжолари ҳақида бир қанча адабиётлар ва рисолалар чоп этилган.Абдулаҳад Муҳаммаджоновнинг «Қанғ-қадимги Тошкент ва Тошкентликлар» [26]асари Тошкентнинг қадимги тарихи бўйича маълумот беради. 2007 йилда Халқаро Ислом Ташаилоти AYSESKO томонидан «Тошкент ислом маданияти пойтахти» деб эълон қилинди.Шу муносабат билан Тошкентнинг ислом цивилизациясига қўшган ҳиссасини номоён этувчи «Тошкент ислом маданияти гавҳари» [27]номли китоб альбом нашр этилди. «Ўзбекистон пойтахти Тошкент»[28] номли илмий тўплам Ўзбекистон республикаси пойтахти Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига бағишланган.

Ё.Қ.Муҳамедов Тошкентнинг қадимги даври [29], Н. А. Муҳамедов ўрта асрларда Шош воҳаси олимларининг ислом маданияти ва илм-фанига қўшган ҳиссаси бўйича [30], Х.А.Бўриева Тошкент шаҳар топономияси [31], А.А.Зияев Тошкент архитектура ёдгорликлари,зиёратгоҳлари реставрацияси, реконструктураси [32] ҳақида диссертацион тадқиқотларни амалга оширган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Тошкент воҳаси зиёратгоҳлари ва муқаддас қадамжолари манбашунослиги ва тарихшунослиги таҳлили

бўйича мавзу борасида, фанлар кесимида қатор тадқиқотлар амалга оширилган. Бу тадқиқотларда келтирилган маълумотлар Тошкент воҳаси тарихи, шаҳар қурилиши, мақбара масжид, мадрасалари, аҳоли турмуш тарзини ёритишда муҳим ёзма манбалар ҳисобланади. Шу жиҳатдан, мазкур мавзусини ўрганиш бугунги кунда муҳим ва долзарб аҳамиятга эгадир.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Ибн Ҳавқал. Китоб сурат ал-арз. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2011.
2. Массан М. Е. Прошлое Ташкента.Известия АН УзССР, № 2.– Ташкент, 1954.
3. Беруний. Танланган асарлар. V жилд, 1 қисм.– Тошкент, 1973.
4. Маҳмуд Қошқарий. Девони луғати турк. 1 жилд, – Тошкент. 1960.
5. Ҳ.Ҳасанов. Сайёҳ олимлар.– Тошкент.:1981.
6. Фазлаллах ибн Рузбихан.Мехманнамейи Бухара.Таржима,сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Р.П.Жалилова. – М., 1976.
7. Кныш А. Д. Суфизм //Ислам.Историографические очерки. – Москва, 1991.
8. Иброҳимов Н. Ибн Батута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. – Тошкент: Шарқ машъали, 1993.
9. Абдулкарим ас-Самъоний. Насабнома (ал-Ансоб).(Vlll-Xll асрда яшаган Ўзбекистонлик олимлар ҳақида маълумот).Таржимонлар: Абдулғафур Раззоқ Бухорий ва Комилжон Раҳимов.Иккинчи нашр. – Тошкент: Ҳилол нашр, 2017.
10. Фаридуддин Аттор. Ибодати Исломия. –Тошкент: Ғафур Ғулом нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2013.Тазкират ал-аулийа, или Рассказы о святых. Пер. Ольги Васильевой. Автор: Фарид ад-дин Аттар.–М.: САМПО, 2005.
11. Абдураҳмон Жомий. Асарлар. 8-жилд. Нафаҳот ул-унс.– Душанбе: Адиб, 1990.
12. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Мукаммал асарлар тўплами. 17-жилд. Тошкент, 2001.
13. Амир Темур. Темур Тузуклари.Китобни нашрга тайёрловчи: Ж. Раҳимов. – Тошкент: «Shodlik nashriyoti», 2018.
14. Фахруддин Али Сафий. Рашахоту айнил ҳаёт.(«Обиҳаёт томчилари»). Таржимон: Домла Худойберган ибн Бердимуҳаммад (1940 йил). Нашрга тайёрловчилар: М.Ҳасаний, Б. Умрзоқ. –Тошкент: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашрёти, 2004.
15. Самаркандкие документы XV-XVI вв. Факсимиле, критичестний текст, перевод, ввдение, примечания.Указатели О. Д. Чехович. –М., 1974.
16. Сейди Али Раис. Миръотул Мамолик.–Ташкент: ЎзФан акаднашр, 1963.
17. Мухаммед Юсуф Мунши. Муким-ханская история. –Ташкент, 1956.

18. Мир Муҳаммед Амин-и Бухари. Убайдулла-наме. –Ташкент, 1957.
19. Махмуд ибн Вали. Море тайн относительно доблестей благодорных (География). Сўзбоши, таржима, изоҳлар муаллифи Б.А. Аҳмедов. –Ташкент, 1977.
20. Хожа Самандар Термизий. Дастур ул-мулк: Подшоҳларга қўлланма. Форс-тожик тилидан Ж. Эсанов таржимаси. –Т.: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашрёти, 1997.
21. Ўринбоев А. Бўриев О. Тошкент Муҳаммад Солиҳ тавсифида. –Т: ЎзССР «ФАН» нашрёти, 1983.
22. Муҳамедов Н. Шош воҳаси олимларининг Марказий Осиё илм-фани ва маданиятида тутган ўрни. –Тошкент:Мовароуннаҳр, 2011.
23. Мейендорф Е. К.Путешествие из Оренбурга в Бухару.Предисл.Н. А. Халфина. –М., Главная редаеция восточной литературы издательства Наука, 1975.
24. Духрвский С. М. Ислам в Туркистане.Спб, 1899.
25. Добросмыслов А. И. Ташкент в прошлом и настояшем. –Ташкент, 1912.
26. Муҳаммаджонов А. Қанғ – қадимги Тошкент ва тошкентликлар.–Т: Шарқ нашриёти, 2009.
27. Тошкент ислом маданияти гавҳари. – Тошкент, 2007.
28. Ўзбекистон пойтахти Тошкент 2200 ёшда.(Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига бағишланган Халқаро илмий конференция материаллари). Тошеент: «Фан» нашриёти, 2009.
29. Мухамедов Я.К. Чоч воҳасидаги Ғарбий Турк хоқонлиги бошқаруви: Тарих фан.фалс.доктор...дисс. – Тошкент, 2021. - 125 б.
30. Муҳамедов Н. Шош воҳаси олимларининг Марказий Осиё илм-фани ва маданиятида тутган ўрни. Тошкент: Мовароуннаҳр, 2011.
31. Буриева Х.А. Тошкент шаҳрининг 1917-2007 йиллардаги топономияси ва унинг тарихий аспектлари: Тарих фан.доктор...дисс. – Тошкент, 2022. –260 б.
32. Зияев А. Тродостроительная культура и зодчество Ташкента: Архитектура фан. доктор... дисс.-Тошкент, 2020.-280б.

**Тамара НУРИДДИНОВА**
Ўзбекистон давлат санъат музейи катта
илмий ходими, тарих фанлари номзоди.
**Ольга УДОВЕНКО**
Ўзбекистон давлат санъат музейи бўлим бошлиғи

# ТОШКЕНТ ВОҲАСИНИНГ ҚАДИМГИ ВА ИЛК ЎРТА АСРЛАРДАГИ МАРҲУМЛАРНИ ДАФН МАРОСИМЛАРИ ТАРИХИДАН

***Аннотация:*** *Данная статья посвящена истории похоронных обрядов усобщих в древности и раннего средневековья Ташкентской долины.*

***Аннотация:*** *Ушбу мақола Тошкент воҳасининг қадимги ва илк ўрта асрлардаги мархумларни дафн маросимлари тарихига багишланади.*

***Abstract:*** *In this article, you can learn easily about the history of an ancient and middle age funeral ceremony in Tashkent oasis.*

Shu tarzda u talaba bolish sharafiga muyassar bo‘ladi va o‘sha paytda talabalar uchun qator katigoriyala rmavjud bo‘lib uning oldida 2 yillik ish staji yoki armiyada xizmat tanlovi turardi. Lekin, ikkalasiga ham u ilinmadi. Edvardning ustozi Mixail Evgenevich Masson uni hayotida muxim o‘rin tutadi. Talabalikka qabul qilingach o‘qishning 2 haftasida ya`ni sentyabrning ikkinchi yarmida paxta terimi mavsumi boshlanib talabalar paxta terishga safarbar etilardi. Faqat 2 va 5 kurs arxeologlargina Massoning yuqori ilmiy «avtoritet»ga ega bolgan uchun Unversitetning dala arxeologiya amaliyoti uchun eski Marvga sentyabrning ortalaridan noyabrning boshlarigacha jonatilar edi. Undan keyin paxtaga ketilar edi. Lekin u uchun oqish yili boshqacha boshlandi. U na amaliyotga na paxtaga bora oldi. Yu.T.A.K.E ketishiga 1 kun qolganda (Janubiy Turkmaniston arxeologiya kompleksniy ekspeditsiya (1946) fors tili darsida Edvard ko‘richak tashxisi bilan uning kursdoshi Nikolay Vaseskiy tomondan TashMI ga yotqizildi. Opertasiyadan 3 kun o‘tib u shifoxonadan chiqadi. Kurs bo‘yicha bir o‘zi qolganidan song Kislavodskiga chipta sotib olib ayraportga keladi. Afsuski o‘sha kuni N.C. Xrushyov boshchiligida Toshkentga delegasiya tashrifi kutulganligi sababli, hamma yo‘nalishlarga uchadigan samalyotlar vaqtinchalik qoldirilgan edi. Unining samalyoti kech parvoz qilganligi sababdan ertalab uyiga kirib boradi. Edvardning yosh organizmi tez tiklanib ikki haftadan song u o‘rtog`I Rudik bilan Kislavodni atroflarini arxeologik qazishmalaridai shtrok etadi. 10-noyabrda Toshkentga qaytadigan vaqti keldi. Hayriyatki uning talabalik kunlari boshlanadi. Tarix fakulteti oldin «Orzu» savdo markazining 2-qavatida joylashgan edi. Undan oldin hozirgi «Demir» kafesi o‘rnida bo‘lgan. Tarix fakultetini dekani Abduraxmon Xamrayevich Xamrayev bo‘lib u mashxur aktyor Razzoq Xamrayevning akasi edi. U tabiatdan juda yumshoq va mexribon odam bo‘lgan. Dekan Masson bilan yahshi munosabatda bo‘lgan. Bu esa albatta arxeologiya fakulteti talabalariga juda ham qo‘l kelardi. Xamrayev. A.X. Edvardga nisbatan munosabati yahshi edi. 1-kursligidanoq uni fakultetning komsamolskiy byurosiga

[8]Ртвеладзе Э.В. Вспоминая былоею Книга II. – Ташкент: Издательство журнала «San’at», 2014. - С.19.

a’zo bo‘lishga tavsiya qilgan edi. Ammo, Edvard o‘z xohishi bilan komsamollikdan chiqib ketgan. Maktabni bitirgandan song (O‘sha vaqtdanoq uni mustaxkam ishonchi a’zolikni u uchun to‘g‘ri kelmasligini bilgan) «O‘shanda men qat’iy qaror qilgan edim partiyadan chiqishga» –deydi olim o‘zining xotira bitiklarida. O‘sha paytda tarix fakultetining dekan o‘rinbosari vazifasini Galina Barisovna Nikolskaya bajarardi[9]. U Rtveladzega birinchi kursidan boshlab dunyo etnografiyasi fa`nidan leksiya o‘qir edi. Galina Barisovna Nikolskaya talabalarga juda mexribon bo‘lgan. Eng qiyin daqiqalarda ham ularga yordam bergan. Tarix fakultetida talabalarga tartib-intizomdan darslar o‘tilar edi, shunda ularga maxsus kurslar arxeologiya kafedrasida arxeologiyadan dars berilgan. «Talabalar tarix fakultetida ma’ruza eshitganilaridan so‘ng kafedraga shoshilishgan. Ular odatda hammayoq yam-yashilga burkangan O‘zbekiston ko‘chasi bo‘ylab o‘tishgan bu esa talabalarga juda ham yoqimli bolgan» - deb yozadi Rtveladze o‘z xotiralarida. O‘quv tartib intizomga arxeologiya kafedrasida qattiq e’tibor berishar edi. Talabalarga o‘rta asr yodgorliklariga oid tarixiy shaharlar va ularni shakillanishini arxitekturasi fanidan S.B.Lunin, Z.I.Usmanov, G.A.Pugachenkovalar taqsil berishgan. Arxeologiya kafedrasida o‘qitishning eng muhim sohalaridan birida arxeologiya amaliyoti bo‘lib 2-kursdanoq talabalar 2 ta ekspeditsiyaga to‘g‘ridan-to‘g`ri o‘tib kelishgan: Kuzda -Yu.A.T.E. (Kesh arxeologiya topograficheskiy ekspeditsiya) Kitobda, Shahrisabz, Qarshi. Kopgina talabalar amaliyotni yozda ham o‘tashar edi. Yozgi tatilda boshqa ilmiy tashkilotlar bilan ham ekspeditsiyasiga qatnashar edi.

Bu narsa talabalarga nafaqat qazishmalarning asosini xar hil arxeologiya goid buyumlar balki boshqa ekspeditsiyalarning qo‘llanmasini arxeologiyik tadqiqot etishar edi. Takidlash joizki ToshDU arboblari va birinchi navbatta Arxeologiya kafedrasi a`zolari yuqori nazariy darajada ma`ruzalar o‘qigan. Mukammal akademik maruzachilarining o‘zlari iste`dodli tatqiqotchi olimlar ham edi. Ularning ma`ruzalari tatqiqotlar natijasida olingan ko‘plab empirik ma`lumotlarni o‘z ichiga olgan. «Men nafaqat oqish va ma`ruzalarni tinglash uchun, balki keyinchalik ular bilan kuchli ijodiy aloqalarni saqlab qolish imkoniyati borligidan baxtiyorman»- deydi Rtveladze. Tarix fakultetida kafedrada o‘qituvchilar tinimsiz almashinar edi: qaysidirlari xayotdan ko‘z yumsa, boshqalari ketishar edi, ishlarini o‘zgartirishar edi, ularning o‘rniga boshqa yosh mutahasislar kelar edi. Arxeologiya kafedrasidan Leviskiyni hayotdan ko‘z yumishi olimni larzaga soldi va u buni «ajoyib leksiyadan mahrum bo‘ldik» deb xotirlashiga turtki bo‘ldi.

[9]Ртвеладзе Э.В. Вспоминая былоею Книга II. – Ташкент: Издательство журнала «San’at», 2014. - С.99.

«Musilmanskaya epigrafika» fa`nidan leksiyani mashxur olim A.A.Semyonov o‘qigan[10].

Mixail Yevgenevich shu fandan taqsil berishga uning o‘rniga Orta Osiyo mintaqasidan o‘rindosh topolmagan. Rtveladze o‘zi mustaqil epigrafikani o‘qishni boshlagan. M.E. Massoning o‘qigan dokladlari va amaliyot darslar ekspeditsiyalarda ko‘p yordam bergan. Uning epigrafikadan ilk olgan tajibasi 1965- yilda (K.A.T.E) Katta Langarga Anvar Bilolov bilan borganda boshlandi. Masson M.E. unga bu ekspeditsiyani borishni va musulmon dunyosiga oid epigrafikani yaqindan urganish vazifasini yuklagan. Ularni taxlil qilishga unga arxeologiya kafedrasidagi 1-kursda E.A. Kosminaning fors tilidan bergan saboqlari va, A. Raupovanining esa arab tilidan dars bergan beqiyos ta`limi juda katta yordam beradi. Rtveladze o‘zining «Temurning Sharqiy Kafkazga yurishi» nomli maqolasini 4-kursida yozishni boshlagan. Unga bu yo‘lda Nizomiddin Shomiy va Sharofiddin Ali Yazdiyning «Zafarnoma»si qo‘l kelgan. Shiningdek u mashxur chex olimi, manbashunos Feliks Taueraning yana «Kniga pobed» (G`alaba kitobo) dan ham keng foydalangan. Osha paytlarda u arab-forsiy yozma manbalarni asl nushasini o‘qib chiqan. Mixail Evgenevich uni doimiy ravishda tarjimaning to‘g`riligiga bo‘lgan ishonchi borasida ogohlantirgan, chunki ko‘pincha tarjima umumiy bolib, talqin qilish uchun bir nechta variant tan olinardi. Sababi tarjimada asliyat tilning eng kichik jihatlarini aks ettirilmaydi, ayniqsa arxeologik ma`lumotlarni va yozma manbalarni taqqoslashda ma`lum bir turar joyni mahaliylashtirish muximdir. «Kelajakda men bir necha bor tarixiy va geografik izlanishlarimdagi so‘zlarimni tog‘riligiga ishonch hosil qildim»- deydi ham tarjimon ham olim Rtveladze. Mariya Ivanovna Malohatova birinchi darajali mutaxassis bo‘lib u ularga qadimiy Xitoy va Janubiy-Sharqiy Xitoy arxeologiyasi haqida leksiya o‘qir edi. U Xitoy tilini mukammal bilgan insonligini ham olim bot-bot eslardi. Uni Xan, Tan, Sin va Ming sulolalariga oid ajoyib kolleksiyasi bo‘lganligi ham aytib o‘tilgan. Chetvertichnaya geologiyada Massoning yaqin do‘sti bo‘lmish mashhur geolog professor Yuriy Aleksandrovich Skvorsov eng yaxshi ma`ruzachi bolgan u o‘z talabalarini Toshkent bo‘ylab aylantirib daryo va geologik qatlamlarni tushuntirar edi. O‘rta Osiyo Antropologiya fanini esa L.V. Oshanin antropologiya kafedrasini asoschisi K.M. Nadjimov Oshanin antropologiya kafedrasining asoschisi G.A. Pugachenkova esa Orta Osiyo arxetektura tarixidan dars o‘tar edi. Leksiyalarni u kopincha uyida o‘tar edi Rtveladze fakultetda dars beradigan domlalarni juda minnatdorchilik bilan eslaydi.

[10] Oral history. PhD Norqobilov T.X. (O‘zRFA O‘zbekiston tarixi davlat muzeyi ilmiy hodimi)

S.B. Lunina, Z.I. Usmanova, G.N. Chabrova. Tarix arxeoligiya kafedrasini professori M.E. Masson yuqori avtoritetga ega inson boʻlgan, u numizmatika va Oʻrta Osiyoning tarixiy shaxslarning tapografiyasidan leksiya oʻqigan. Masson leksiyani faktlarga tayanib juda zor oqir edi. Masson leksiyani faktlarga tayanib juda zor oqir edi. Qadimgi va Oʻrta asrlar manbalarini va revalyutsiyadan oldin, sovet adabiyotini. Oʻrta Osiyoni tarixiy shaharlarining topografiyasidan E.V. Rtveladze Massonni oldidan ikki marta imtixondan qaytgan edi. Birinchi martta unga Masson «Tojik halqining tarixi kitobini berib 10 ta hato topgin degan, lekin Rtveladze 9 ta xatoni topgan ekan. Masson uni ikkinchi marttada imtixon topshirishga borganida toliq javob bergandan soʻng uni imtixondan otqazgan. Xar yili Masson tarix fakultetida oʻzining kirish leksiyalarini 1-kurs talabalariga oʻqir edi. Bu leksiyalarni maqsadi studentlarni arxeologiya kafedrasiga qiziqtirish edi. Bu esa yahshi samara berar edi. Vaqt oʻtishi bilan koʻplari ketar edi[11]. Arxeoligiya bilan umrining oxirigacha bogʻlamoqchi bolganlari qolishar edi. Rtveladze arxeologiya kafedrasida oʻqiigan studentlar haqida gapirar ekan etnik tuzilishi hamma yillarda ham turli boʻlgan: azarbayjonlar, armyanlar, gruzinlar, dogistonliklar, bashkirlar, uygurlar, yahudiylar, tatarlar, polyaklar, ukrainlar, ruslar, qozoqlar, oʻzbeklar, tojiklar, turkmanlar, koreyslar.

Oʻzaro qarama-qarshilik umuman boʻlmagan ekan. Ularni hammasini nafaqat ilmiy qiziqishlar xalqlarning bitta davlat bilan boglashi bular haqida qancha gapirsak ham oz. Rtveladze Oʻzbekistonda istiqomat qilgan. Greklar haqida ham gapirib oʻtgan. Ular Gruziyaning Chernamoriyasidan Toshkentga evakuatsiya qilingan edi. Ikkinchi jahon urushidan soʻng ular hozirgi Akademgaradokda yashagan. Ularning oʻzlarini gorkom partiyasi madaniy markazi hattoki qzlarining gazetalarini chiqarishgan. Neos domos» «Noviy put» Greklar tez yangi hayotga Toshkentda qrganib ketishgan ekan. Rtveladze aytishicha greklarning koʻpi Toshkentdan oliy malumotni olishgan. Arxeologlardan Yanis Krikis, Kostos Kauris, K. Kachuris Moskvada Masson bilan birga ishlashgan.va arxeologik qazishmalar ishlarida qatnashganlar. U Kanadaga ketib ilmdan chiqib ketibdi. M.Pachos (grek) Sogʻdning Afrosiyob shaharchasi bilan shugullangan. Masson uni tanqid qilgan. Masson uni ustozi boʻlgan va yana qator grek arxeologlari tarix fakulteti arxeologiya kafedrasini tugallagan. Koʻp greklar, esa oʻzini yurtiga qaytib ketishgan. Birinchilar qatorda Tisa Melos Rtveladze bilan Toshkent Xonabotni birga qazishgan. Bir necha yil avval Yanis Toshkentga kelganida Rtveladzeni Kampirtepa ekspeditsiyada qatnashgan ekan. Mssoning maktabi jahon talabiga

---

[11] Ртвеладзе Э.В. Вспоминая былоею Книга II. – Ташкент: Издательство журнала «San’at», 2014. - С. 94.

javob darajada bo‘lgan va maktablar doim harakatda bo‘lgan. Studentlarning ilmiy arxeologik to‘garagi (SNAK),1940 yilda Tarix fakultetida arxeologiya kafedrasida M.E. Masson tashkil qilgan. Tashkil topgandan o‘z faoliyatini boshlagan. L.I. Jukov esa jurnal va gazetalarda ozining maqolalarini yozgan, ular xozirgacha bizga yetib kelmagan. Rtveladzega SNAK ning raisi etib tanlangan. Petra Gavrishenkaning o‘rniga kafedrada SNAK yeg‘ilishlari 1 oyda 2 marta bo‘lar edi deb aytadi. Rtveladze xattoki 1966 yilda may oyining boshlari talabalarning konferensiyasi vaqtida qattiq silkinish bo‘lgan ko‘plar eshik oldiga borib chiqmoqchi bo‘lganlarida M.E. Masson qattiq ovozda yeg‘ilish davom etadi deb aytgan ekan. (Studentlarning ilmiy arxeologik togaragiga) SNAK oldin tayyorlanar edik deydi Rtveladze. Mavzular matni xar xil edi. Ularning dokladlarida asosan ta’tilda qazishmalarda Qirgiziston va Qozogistonda bo‘lib o‘tgan arxeologik qazishmalar haqida gapirar edi. SNAKning har bir otqaziladigan yeg‘ilishi tantanali ravishda otgan[12]. Masson tomonidan ishlab chiqilgan qonunlar tartibida. Shunda Rtveladze to‘garakning raisi Masson bilan bir stolda o‘tirgan, chap tarafda Masson bo‘lsa o‘ng tarafda Rtveladze o‘tirgan. Qarshisida esa talabalar va o‘qituvchilar va taklif qilingan mehmohlar o‘tirgan. M.E. Masson hech qachon yeg‘ilishga halaqit bermagan, gohida savollar bergan doklad qilayotgan odamga. SNAKning yeg‘ilishlarida mashhur olimlar, ilmiy-ma`rifiy korxonalardan boshqa shaharlardan olimlar tashrif buyurib o‘zlarining dokladlari bilan qatnashar edi. «Arxeolog» nomli devoriy gazeta chiqarilib turgan[13]. To‘garakda yana xar xil tadbirlar va yubileylar, bayramlar, ilmiy konferensiyalar o‘tqazilgan. Talabalar faol ishtrok etganlar. Shu SNAK ning «znachoklari» ham chiqarilgan. SNAK ning 25 yilligiga bu znachoklarni birinchisini Massonga taqilgan. U bu znachokni umrining oxirigacha taqgan. Rtveladze biologiya fakultetiga ham qatnashgan u yerda kafedra mudiri Antoniy Ivanovich Izrayeldan biologiya va entomologiyadan ko‘p narsa o‘rgangan. SNAK da Rtveladze 4 yil raislik qildi. Oxirgi yili diplomini yozishi kerak edi. U Massonga o‘rniga boshqa rais saylanishini aytganida Massoning jahli chiqib ketardi.

Bilimini kengaytirish uchun ilmiy adabiyotlarni ko‘p o‘qir edi. Arxeologiya kafedrasida maxsus leksiyalar o‘qilar edi. Uni Svetlana Barisovna Lunina o‘qir edi. Talabalarni tog‘ri bosqichma-bosqich ilmiy adabiyotlarni egallashi uchun malumotlarga tog‘ri iqtibos qgo‘yilishini va kartochka, kartatekalardan qanday foydalanishni o‘rgatib borgan. Rtveladze shu asnoda davom ettirdi. U dunyoning nufuzli kutubxonalarida ilmiy kartatekalarida ishlagan. Italiya, Amerika, Fransiya,

[12] Oral history. PhD Gorin L.M. (O‘zRFA San’atshunoslik instituti)
[13] Oral history. PhD Aripdjanov O.Yu. (O‘zRFA O‘zbekiston tarixi davlat muzeyi ilmiy hodimi)

London. U yillab har xil bibliografik kartochkalari ko‘payib ketdi. Rtveladze Pugachenkovaga xatida «Toshkentdagi kutubxona ajoyib» deb yozgan. Unga A. Navoiy nomidagi kutubxona va ToshGUning kutubxonasida oqib, shugullanar edi. Qishda unga bibliotekada oqish yoqar edi. Chunki oppoq qor oynada chiroyli tusga kirar edi. Studentlik davri Navoiy kutubxonasida o‘tgan. O‘sha paytda kutubxona uch qavatli binoda bo‘lgan[14]. Unda ko‘p chet el ilmiy adabiyotlari saqlanar edi. Rtveladze studentlik davrida Toshkentdagi hamma kutubxonadan foydalangan. Bundan tashqari muzeylarning kutubxonalardan ham foydalangan. M.E. Masson va G.A Pugachenkovalarni uylarida ham kutubxona tashkil qilishgan edi.U erda 2 soatga ruxsat berilardi. Bir kuni Rtveladze Massondan kitob so‘radi uyiga olib ketishga lekin Masson aytdi uyinga ketayotganingda tramvay yoki mashina tagida qolsangchi kitobga nima bo‘ladi degan ekan. Yillar o‘tib Rtveladze o‘zining shaxsiy kutubxonasini tashkil qildi. Studentlik davridan qo‘ldan sotib olgan kitoblari «Akademkniga» U turmush qurgandan so‘ng uning ayoli Lidiya Lvovnani ham kitoblari ham kutubxonaga qo‘shildi. Kitob javonlari kitoblar bilan bora-bora to‘ldi. Xonadagi stol usti, pollar hammayoqni kitob bosdi, kitoblar shaharchasiga aylandi. Lekin M.E. Masson, L.I.Rempel va boshqa olimlarning kitoblari o‘lganlardan so‘ng o‘sha paytda bosh NPU yodgorlik himoyasiga topshirilib ko‘plarni sotib qolganlarni tashlab yuborilgan ekan[15]. Rtveladze 2-kursda o‘qiyotganida 1963 yil eski Marvni qazishma ishlarida qatnashgan. Sulton-qala raboti. hammadan vaqtliroq borib ekspeditsiya tugagandan so‘ng ohirida qaytgan. Marvni u qazimagan joyi qolmagan. Erk qa`la (devorlarini kesgan) Gaur-qa`la – budda exromi (monastir) va xristian exromini Shahriark –shurfi, Sulton qa`la raboti, nomozgoh masjidlarni va Ullu Kishman Antioha Sotera devorlariga va boshqa joylargacha yetib borgan[16].

## Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:


1. Ртвеладзе Э.В. Вспоминая было ею Книга II. – Ташкент: Издательство журнала «San’at», 2014. – 160 с.

2. Oral history. PhD Norqobilov T.X. (O‘zRFA O‘zbekiston tarixi davlat muzeyi ilmiy xodimi)

3. Oral history. PhD Gorin L.M. (O‘zRFA San’atshunoslik instituti)


[14] Сагдуллаев А.С., Ртвеладзе Э.В. В стране золотого огня. Ташкент, 1983; Ртвеладзе Э.В. стена Дарбанда Бактрийского // Общественные науки в Узбекистане. 1986, № 12.

[15] Ртвеладзе Э.В. Вспоминая былоею Книга II. – Ташкент: Издательство журнала «San’at», 2014. - С.47.

[16] Oral history. TFN Musakayeva A.O. (O‘zRFA O‘zbekiston tarixi davlat muzeyi ilmiy hodimi)

4. Oral history. PhD Aripdjanov O.Yu. (O‘zRFA O‘zbekiston tarixi davlat muzeyi ilmiy hodimi)

5. Сагдуллаев А.С., Ртвеладзе Э.В. В стране золотого огня. Ташкент, 1983; Ртвеладзе Э.В. стена Дарбанда Бактрийского // Общественные науки в Узбекистане. 1986, № 12.

**Муҳаббат ШОЮСУПОВА**
Санъатшунослик институти таянч докторанти

# ШИМОЛИЙ БАҚТРИЯ МАДАНИЯТИ БОРАСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

***Аннотация:*** *Бугунги кунда археологик тадқиқоларни тубдан такомиллаштириш, моддий, маданий ёдгорликларни кенг кўламда ўрганиш, қадим тарих ва бой маданиятимизни халқимизга ва жаҳон ҳамжамиятига тарғиб қилиш долзарб масалалардан биридир. Мақолада Шимолий Бақтрия маданиятини ўрганиш ва уларни аҳамияти таҳлил қилинган.*

Қадимий ўлкалардан бири бўлган Бақтриянинг шимолий қисмида жойлашган Сурхон воҳасидаги моддий маданият намуналари, осори атиқалар нафақат Ўрта Осиё, балки бутун Шарқ мамлакатларининг маданий ривожланишида муҳим аҳамият касб этган.

Президентимиз Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганларидек, «Сурхон воҳасидаги Зараутсой, Тешиктош ғорлари, Боботоғ ва Бойсунтоғ қояларидаги расмлар, бу замин жаҳон цивилизациясининг бешикларидан бири эканлигидан гувоҳлик беради. Бақтрия, Кушон каби кўҳна давлатлар тарихи, Далварзинтепа, Кампиртепа, Зартепа қалъаси сингари ноёб ёдгорликлар бу ерда қадим замонларда ҳам юксак тараққиёт мавжуд бўлганини исботлайди»[2].Бу ўлкага ташриф буюрган ҳар бир инсон, аввалоунинг гўзал табиатидан баҳра олади. Баланд тоғларию, бепоён адирликлари, кенг ясси текисликлари, қолаверса турлитарихий даврларда шаклланган ранг-баранг маданияти унинг жозибасигажозиба қўшади.

Бактрия ўлкасининг тарихи фақатгина бир мамлакат ёки халқнинг тарихи бўлмай, балки дунё тарихининг ажралмас бир қисмидир. Унинг маданияти жаҳон маданиятининг шаклланишига катта ҳисса қўшиб,

инсоният тарихида ўчмас из қолдирди[3]. Ушбу юртдан топилган кўпгина санъат асарлари дунё музейларида сақланиб келинмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз ҳудудида қадимги даврлардан бошлаб ривожланган қишлоқлар, шаҳарлар ва цивилизация марказларининг бой ўтмишини археологик жиҳатдан тадқиқ этиш ва тарихий жараёнларни тиклаш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон ҳудуди тош давридан бошлаб ўзлаштирилганлиги, мамлакатимиз жаҳондаги илк шаҳарсозлик ва давлатчилик шаклланган марказлардан бири бўлганлиги, тарихимиз ва маданиятимиз чуқур илдизларга эга эканлиги илмий жиҳатдан асосланди[1].

Шимолий Бақтрия ҳудудида қадимги даврга оид ёдгорликлар ўрганилиб, улар ҳақида илмий адабиётларда кўплаб маълумотлар келтирилган. Бугунги кундаЎзбекистоннинг қадимги маданиятини акс эттирувчи ёзма манбалар ва археологик маълумотларни янгича таҳлил қилиб умумлаштириш катта аҳамият касб этади.

Бақтрияда дастлабки археологик тадқиқотлар 19 – асрнинг 2 – ярмидан бошланган (А. Маев. И.В. Мушкетов ва б.). Шимолий Бақтрияҳудудида 1926 — 28 йилларда Шарқ маданияти музейи (хозирги Шарқ халқлари санъати музейи) экспедицияси (раҳбари Б.П. Денике), 1936 — 38 йилларда Термиз археология-комплекс экспедицияси (раҳбари М.Е. Массон), 1953 — 54 йилларда Тожикистон археология экспедицияси (раҳбари М.М. Дьяконов), 1950 — 55 йиллари Ўзбекистон археология экспедициясининг Сурхондарё отряди (раҳбари Л.И. Альбаум) археологик қазиш ишлари олиб борган. 1960 йилдан (бир оз танаффус б-н) Ўзбекистон санъатшунослик экспедицияси (раҳбари Г.А. Пугаченкова), 1972 йилдан Ўзбекистон ФА Археология институтининг Бақтрия экспедицияси (раҳбари В.М. Массон) археологик тадқиқотларни давом эттирди[4].

Шимолий Бақтрияда ўтган асрнинг 80-йилларида олиб борилган ишлар ҳам диққатга сазовордир. Хусусан, Кўҳна Термиз, Далварзинтепа, Кампиртепа ва бошқа бир қатор ёдгорликларда тадқиқот ишлари давом эттирилди.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин қатор янги ёдгорликлар очилиб, уларда тадқиқот ишлари олиб борилди. Ушбу тадқиқот ишларига нафақат маҳаллий олимлар, балки чет эллик тадқиқотчилар ҳам жалб этилиб, улар билан биргаликда кўплаб қўшма экспедициялар ташкил этилди[7]. Бу борада франциялик олимларнинг (П. Лериш, П. Жантель ва бошқалар) қадимги шаҳар маданиятининг шаклланиш ва

ривожланиш масалаларини ўрганиш борасида, япониялик мутахассисларнинг (К. Като, К. Танабе ва бошқалар) буддавийлик ёдгорликларида олиб борган тадқиқотларини айтиш мумкин. Уларнинг натижалари турли номзодлик ва докторлик диссертацияларида ўз аксини топган (Э.Ртвеладзе, Ш. Пидаев, В. Лунёва, К. Сабиров, В.А. Завьялов, К.Кавасаки, С. Виденко, К. Абдуллаев, С. Қурбонов[9], А.Ж. Яхшиев ва бошқалар). Олиб борилган тадқиқотлар натижалари фанга жорий этилмоқда ва улар турли илмий муаммоларни (Сурхон воҳаси кушон даври мудофаа тизими, кулолчилик, тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, тарихий даврлаштириш ва бошқалар) ўрганишга қаратилган.

**Шаҳар ва қасрлар.** Сурхондарё ҳудудидан топилган Халчаён қишлоғидаги Хонақатепа ва Музрабод чўлидаги Кучуктепа, Шўрчи туманининг Миршоди қишлоғидаги Қизилтепа, Бойсун туманининг Бандихон қишлоғидаги Ғозимуллатепа ва Киндиктепа, Шеробод чўлидаги Талашкан тепалар илк қадимий шаҳарлардир. Қизилтепа 15 метр келадиган табиий жарликлар орасида қурилган шаҳардир. Майдони 20 гектар келади[6]. Қадимда шаҳарларнинг бундай жойларда қурилиши катта аҳамиятга эга бўлган. Ш.Р. Пидаевнинг «Қадимий Термиз» рисоласида ёзилишича қадимда шаҳар ва қишлоқларнинг тепаликлар устида қурилиши маълум аҳамиятга эга бўлиб, мудофаа вазифасини бажарган[4].

Бундай шаҳарлардан яна бири Кўҳна Термиз харобаларидир. Шаҳар ҳозирги Термиз шаҳридан 7 чақирим шимоли – ғарбда, Амударё соҳили бўйида жойлашган бўлиб, унинг майдони 500 гектардан ошиқ бўлган. Шаҳар қалъа, шаҳристон ва шаҳар атрофи работдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири махсус мудофаа иншоотлари билан ҳимоя қилинган. Шаҳарнинг энг қадимий қисми Амударё соҳилида жойлашган бўлиб, қум ва тошдан таркиб топган табиий баландлик устига қурилган. Бу жой қалъа деб аталиб, 10 гектрадан ортиқ майдонни эгаллайди[4].

Кўҳна Термиздан милоддан олдинги III – II асрларга оид маданиятни ёритувчи турли топилмалар топилганлиги айниқса диққатга сазовордир. Хусусан, кулолчилик буюмлари ўзларининг бежирим шакли билан кишини ҳайратга солади ва шу билан бирга ўша давр кулолчилик санъати яхши шаклланганлигидан далолат беради.

Биламизки, Кушонлар даврида Термиз шаҳри янада юксалди. Ҳунармандчилик, кулолчилик, металлсозлик, тоштарошлик тез ривожланди. Фил суягидан ясалган турли буюмлар, ҳайкалчалар, тангалар ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

**Буддавийлик ёдгорликлари.** Термизнинг маданий ва маънавий ҳаётида буддизм ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Шаҳар аҳолисининг катта қисми буддавийлик динини қабул қилган. Шимолий Бақтриянинг энг катта ибодатхоналаридан бўлиб Қоратепа ва Фаёзтепа ёдгорликлари ҳисобланади. Бу иккала ёдгорликда олиб борилган тадқиқотлар Ўрта Осиёда буддавийликнинг тарқалишини, Бақтрия буддавийлик маданиятининг шаклланиши ва ривожланишини ёритиш учун жуда қимматли маълумотлар беради[3].



**1-Расм. Қоратепа ҳудуди. P.Lerich., Ch. Pidaev.Termez sur Oxus. Cite-capitale d'Asie Centrale. Maisonneuve. Larose. 2008. 79-p.**



**2-Расм. Қоратепа ступаси. P.Lerich., Ch. Pidaev.Termez sur Oxus. Cite-capitale d'Asie Centrale. Maisonneuve. Larose. 2008. 79-p.**

Эски Термиздаги яна бир будда ёдгорлиги – халқ орасида Зўрмала номи билан аталган, баландлиги 10 метр келадиган минорасимон иншоотдир. Бу каби иншоотлар будда тилида «ступа» деб аталган. Ушбу ёдгорликлардан ташқари Айритом, Далварзинтепадан топилган будда ибодатхоналари ҳам буддавийлик ёдгорликларига мисол бўлади. Қизиғи шундаки, тадқиқотлар натижасида топилмаларнинг барчаси  Кушонлар даврига тўғри келади. Будда ёдгорликларининг аксарияти Термиз атрофидан топилиши у ерда қадимда будда динининг таъсири кучли бўлганлигидан далолат беради.

**Ҳайкалтарошлик.** Шимолий Бақтриянинг ҳайкалтарошлик санъати ҳақида гапирадиган бўлсак, Халчаён, Айритом, Қоратепа, Фаёзтепа, Далварзинтепа ёдгорликлари Бақтрия ҳайкалтарошлик мактабининг маҳсули сифатида алоҳида ўрин тутади ва антик дунё ҳайкалтарошлик санъатини ноёб дурдоналар билан бойитади. Қадимда Сурхондарё вилояти ерларида қўли гул ҳайкалтарошлар маҳаллий хом – ашёлар – тош, оддий лой, ва ганчдан ҳайкал яратганлар. Ҳайкалларнинг ҳар бири ўзига хос кўринишда ишланганлиги билан диққатга сазовордир.



3-Расм. Фаёзтепа. Будда ҳайкали II-IV асрлар. Ш.Р. Пидаев. Қадимий Термиз.Т.»Фан».2001. 16-бет.



4-Расм. Далварзинтепа. Кушон шахзодасининг боши. Э.В. Ртвеладзе. Великий шелковый путь. Энциклопедический справочник. Т. 1999. 41-стр.

**Тасвирий санъат** тарихи Сурхондарёнинг Бойсун тоғларидаги Зараутсойдаги мезолит даврига оид ёдгорликлардан бошланган десак хато бўлмайди. Чунки у ердаги расмларда қадимги одамларнинг ов қилиш сурати тасвирланган. Деворларга чизилган расмлар Кушон империяси даври билан боғлиқ бўлиб, Халчаён, Далварзинтепа, Қоратепа ва Фаёзтепадан топилган. Расмлар бинонинг қандай мақсадда қурилганига қараб солинган. Халчаён ва Далварзинтепадаги расмларда асосан маҳаллий халқ намояндалари тасвирланса, Қоратепа ва Фаёзтепадаги расмларда кўпроқ Будда диний маросимлари, уларнинг иштирокчилари тасвирланган[7].



5-Расм. Фаёзепадаги будда динини тасвирловчи расм. P.Lerich., Ch. Pidaev.Termez sur Oxus. Cite-capitale d’Asie Centrale. Maisonneuve. Larose. 2008. 79-p.



6-Расм. Фаёзепадаги будда динини тасвирловчи расм. P.Lerich., Ch. Pidaev.Termez sur Oxus. Cite-capitale d’Asie Centrale. Maisonneuve. Larose. 2008. 79-p.

Хулоса қилиб айтганда, қадимда Ўрта Осиёнинг жуда бой маданий ўчоқларидан бири бўлганШимолий Бақтрия(ҳозирда эса Сурхондарё вилояти

ерларини ўз ичига олган) ҳудудидан топилган санъат асарлари азал-азалдан ижодкор халқ эканлигимиздан шаҳодат беради.

Ушбу ноёб топилмалар нафақат Ўрта Осиё қадимий маданияти тарихини яратишда балки, қўшни мамлакатлар – Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон, Эрон, Хитой қадимги маданияти тарихини тарихини ўрганишда асосий манбалардан бири бўлиб хизмат қилди.Чунки, бу ерда тикланган шаҳар ва қасрлар, буддизм иншоотлари, ёзувлари, ҳайкаллар ва тасвирий санъат қолдиқларида ўзига хос хусуиятларборки, ҳозир чет эл олимлари ўз тадқиқотларида бу археологик далилларга мурожаат қилмоқдалар ва тан бермоқдалар.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**


1. Археологик тадқиқотларни тубдан такомиллаштириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 21.09.2019 йилдаги 792-сон
2. Мирзиёев Ш. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. –Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. - 488 б.
3. Пидаев Ш.Р. Сирли кушонлар салтанати. Тошкент. ЎзССР «Фан» нашриёти. 1990. - 40 б.
4. Пидаев Ш.Р. Қадимий Термиз. Тошкент. «Фан». 2001. – 32 б.
5. Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В. Северная Бактрия – Тохаристан: Очерки истории и культуры: Древность и средневековье. Ташкент: Фан, 1990. 218 с.
6. Ртвеладзе Э.В. Великий шелковый путь. Энциклопедический справочник. Т. 1999.280 стр.
7. Турғунов Б. Ўзбекистон антик давр маданияти. (Жанубий Ўзбекистоннинг қадимий маданиятидан лавҳалар). «Ўзбекистон». Тошкент. 1976. – 32 б.
8. «Ўзбекистонмиллийэнциклопедияси».Давлатилмийнашриёти. 1-Том.Тошкент. 2017 й. - 658 б.
9. Эшов Б. Ўзбекистон давлатчилиги ва бошқаруви тарихи. Т. 2012.
10. Яхшиев А.Ж. Шимолий Бақтриянинг тарихи ва маданияти (милоддан аввалги III – милодий IV асрлар Сурхон воҳаси маълумотлари асосида). 07.00.02. Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. Тошкент. 2002.

Lerich P., Pidaev Ch.R. Termez sur Oxus. Cite-capitale d’Asie Centrale. Maisonneuve. Larose. 2008. 80-p.

**Sardor RUZIMURODOV**
Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti magistranti

# XVIII-XIX ASRLARDA MARKAZIY OSIYO TARIXI INGLIZ TARIXSHUNOSLIGI NIGOHIDA

***Annotatsiya.*** *Ushbu maqolada Markaziy Osiyoda so'nggi o'rta asrlarda ro'y bergan siyosiy jarayonlarning, shuningdek, Rossiya bilan bo'lgan munosabatlarning ingliz tarixshunosligida tadqiq etilishini ochib berishga harakatqilindi.*

*Shuningdek, maqoladan ingliz tarixchisi S. Beckerning rus bosqini arafasi va bosqindan keyingi davr Rossiya – Markaziy Osiyoning siyosiy – iqtisodiy munosabatlari haqidagi fikrlari, J.N. Kurzonning Rossiya imperiyasi uchun Markaziy Osiyoga temir yo'l qurishning ahamiyati to'g'risidagi mulohazalari o'rin olgan.*

***Аннотация.*** *В данной статье была предпринята попытка раскрыть в английской историографии исследование политических процессов, происходивших в Средней Азии в позднем средневековье, а также взаимоотношений с Россией.*

*Также из статьи имели место английский историкмысли С.Беккера о политических и экономических отношениях России и Центральной Азии накануне русского вторжения и послевторжения, рассуждения Дж.Н. Курзона о важности строительства железной дороги в Центральную Азию для Российской империи.*

***Abstract.*** *In this article an attempt was made to reveal the study of political processes that took place in Central Asia in the late Middle Ages, as well as relations with Russia, in English historiography.*

*Alsothe English historian S. Becker's views on the political and economic relations of Russia and Central Asia on the eve of the Russian invasion and the post-invasion period, J. N. Curzon's reflections about the importance of building a railway to Central Asia for the Russian Empire were includedin the article.*

XIX asr tarixchisi Soloviev iborasi bilan aytganda, agar tabiat Rossiyaga o'gay ona bo'lsa, u Markaziy Osiyoga nisbatan unchalik ham himmatli emasdi. Shunga qaramasdan, Kaspiy dengizidan sharqqa cho'zilgan Markaziy Osiyo tekisligi nafaqat sovuq cho'l, balki janubi-sharqda va sharqda baland tog'larning erigan qorlari bilan oziqlanadigan daryolardagi vohalar bilan oʻralgan serhosil oʻlkadir[3, 2-b].

Ingliz tarixchilari Rossiya bosqiniga qadar Markaziy Osiyodagi siyosiy ahvolni quyidagicha tasvirlashga intiladilar. Buxorodagi zaif ashtarxoniylar sulolasiga Astraxanning inqirozga uchragan hukmron xonadoni tomonidan asos solingan, Xivada esa qozoqlarning ko'p sonli Chingiziy sultonlari orasidan tanlanganxonlarning izchil almashib turgan.1740-yilda forslar fathi va vaqtinchalik bosib olinishi Markaziy Osiyoning baxtsizliklari haqidagi ertakni

mukammallashtirdi. Rossiya istilosidan oldingi asr ikki qadimgi davlatlarning yangi (mang‘itlar va qo‘ng‘irotlar) sulolalari davridagi siyosiy mustahkamlanish va iqtisodiy tiklanish, shuningdek, uchinchi o'zbek xonligining paydo bo'lishi bilan bilan ajralib turardi.

Buxoroda 1747-yildan otaliq bo'lib xizmat qilgan va oxirgi ashtarxoniyning o'rnini egallagan Mang'it qabilasi a’zolari 1785-yilda taxtga chiqib, «amir» suveren unvonini olgan. Xivada esa Qo‘ng‘irot qabilasi 1763-yildan a’zolari inoq va 1804-yildan xonlar sifatida hukmronlik qilgan. Mang'it va Qo‘ng‘irot sulolalari har biri 1920-yilgacha hukmronlik qilgan. Farg'ona vodiysida, an'anaga ko'ra Buxoroning bir qismi bo‘lgan, yuz yillik ortiq vaqt unga qaram bo‘lgan muxtoriyatda XVIII asr oxirida mustaqil Qo'qon xonligi paydo bo'lgan[3, 3-b].

Shu o‘rinda alohida ta’kidlash kerakki, S. Beckerning asari Rossiya bosqinidan keyingi elchilar, chegara harbiy qo'mondonlari va tasodifiy sayohatchilar va savdogarlarning xonliklar haqidagi ma'lumotlariga tayangan.

Markaziy Osiyoning Rossiya tomonidan bosib olinishi. Yangi imperator Aleksandr II (1855– 1881) va uning tashqi ishlar vaziri A. M. Gorchakov—ikkalasi ham xalqaro ishlarda ehtiyotkor odamlar edilar—Kateninning takliflarini rad etishdi. Yangi hukmronlikning dastlabki yillarida serflarning ozod qilinishi bilan shug'ullanish, shubhasiz, halokatli Qrim urushidan keyin Buyuk Britaniyaga qarshi chiqmaslik istagi singari, Markaziy Osiyoda avansni keyinga qoldirish to'g'risida yana bir bor qaror qabul qilishda muhim rol o'ynadi[3, 11-12-b].

1864 yil oxirigacha Rossiyaning Markaziy Osiyoni hududiy bosib olishi siyosati butunlay Qo'qon hisobiga amalga oshirildi. Buxoroning hajmi va tijorat ahamiyati bo'yicha Markaziy Osiyo shaharlari orasida yagona raqibi bo'lgan Toshkent tezda Rossiya va Buxoro manfaatlarining qarama-qarshi markaziga aylandi. Shunday qilib, Rossiya – Buxorodushmanligi va qurolli to'qnashuvining uch qiyin yili boshlandi.

Rossiyaning Markaziy Osiyo xonliklariga bo'lgan asosiy maqsadi, 1868 yildan keyin Rossiya chegarasida qonun va tartibni saqlashga ko'maklashish va ushbu chegaraning qo'shni hududlariga Britaniya ta'sirining kirib kelishini oldini olishdan iborat edi. Rossiyaning 1868 yildan keyingi dastlabki yillarda uning yangi qaramliklariga nisbatan siyosati befarqlik edi, ularga faqat ichki munosabatlarda va o'z chegaralarida siyosiy barqarorlikni saqlash huquqi berilgandi. Buxoro va Qo'qondan tortib olingan iqtisodiy imtiyozlardan hech qanday foyda olinmadi. Buxoro bilan tijorat konvensiyasi bir necha yil davomida o'lik xatdan iborat bo'lib qoldi va Amir rus savdogarlariga nisbatan kamsituvchi vazifalarni bajarishda davom etdi. Rossiyaning xonliklar bilan savdosi sezilarli darajada oshmadi.

Rossiya o'zining yangi qaramliklari bilan munosabatlarni vaqti-vaqti bilan elchilarni almashtirishning ko'p asrlik usuli orqali olib bordi.

Xiva davomiy ravishda Rossiyaning Markaziy Osiyodagi eng muammoli qo'shnisi bo'lgan. Buxoro va Qo'qonni bo'ysundirishga majbur qilish, Xiva bilan kelishmovchiliklarni bartaraf etishdan ko'ra tezroq ro‘y berdi. Xiva va Rossiya imperiyasi o'rtasida o'zaro tan olingan chegaralarning umuman yo'qligi sababli davom etadigan qiyinchiliklar muqarrar edi. Muammolarning keyingi sabablari Xivaning «cho'l dengizidagi orol» sifatida kuchli tabiiy mudofaa pozitsiyasi va Rossiyaning uni bo'ysundirishdagi avvalgi ikkita muvaffaqiyatsizligi edi. Bu, shubhasiz, xonni rag'batlantirdi. Va bu Muhammad Rahim II (1864-1910)ni Rossiya talablarini qat'iyan rad etishga undadi[3, 4-5-b].

Rossiyaning Markaziy Osiyoni egallagandan so‘ng asosiy maqsadi bu yerdagi boyliklarni tashib ketish bo‘ldi. Ingliz tarixshunosligida Rossiya bosqining moliyaviy ahamiyatiga alohida urg‘u berilgan.Bunda temir yo‘llar muhim ahamiyat kasb etardi. Va bu borada ingliz tadqiqotchisi N.Kurzonning asari diqqatga sazovordir. U temiryo‘llar ahamiyati haqida quyidagicha fikr yuritgan: «27 May 1888 da Kaspiy-Samarqand liniyasi hali ham oldingi bitmagan holatda edi va, albatta, bitgan bo'lishi ham mumkin emasdi. Mazkur yo‘l umumiy qatnov uchun yaroqli deb ta’kidlanib, uzoq kutilgan ochilish marosimi bo'lib o'tdi.Unga «Lokomotiv Buyuk Pyotrning poytaxti bilan Amir Temur poytaxtini bog‘lovchi yo‘l», deya ta’rif berilgandi. Eng to'g'ridan-to'g'ri yo'nalish bo'ylabSankt-Peterburgdan Samarqanddagi vokzalgachahozir temir yo'l orqali qatnash uchun atigi ikkita poyezd almashinuvi bor edi xolos. 135 millik yo‘l Shimoldan Vladikavkaz tog‘i orasidagi yo'l orqalijanubdagi Kavkaz va Tiflis va Kaspiy bo‘yigacha borgan»[2, 1-2-b].

Tadqiqotchining fikricha, ushbu loyihani amalga oshirish Rossiya hukumati uchun juda zarur edi va taxminan har bir milya masofaga 10000 l. (tax. 13 livre – 1 funt sterling) sarflashga to‘g‘ri kelgan[2, 2-b]. Bunday temir yo‘l liniyasi uning harbiy afzalliklaridan tashqari katta tijorat ahamiyatiga ega bo'lishi mumkin, chunki Kaspiydan Evropa Rossiyasiga oson va uzluksiz kirish mumkin, Petrovsk porti esa butun yil davomida savdoyo‘nalishlari uchun ochiq[2, 2-b].

Xulosa. Ingliz tarixshunosligida Markaziy Osiyo tarixining yoritilishida asosan XVIII-XIX asrlar tarixining ochib berilishiga e’tibor qaratdim, ze’ro bu davr bo‘yicha o‘sha davrda yaratilgan ingliz manbalari ko‘pgina hisoblanadi. Ingliz tarixchilarining aksariyati tariximiz bo‘yicha xolis fikr bildirishga harakat qilishganlar:

Birinchidan, Seymour Becker XIX asr Markaziy Osiyning tashqi ahvoli haqida quyidagilarni keltiradi: XIX asr tarixchisi Soloviev iborasi bilan aytganda, agar tabiat Rossiyaga o'gay ona bo'lsa, u Markaziy Osiyoga nisbatan unchalik ham himmatli emasdi.

Ikkinchidan, Adam Zeidan, Ali Muhammad Bhat kabi zamonaviy ingliz tadqiqotchilari esa Markaziy Osiyoga Rossiya bosqinining sabab va oqibatlarini to‘la aks ettirishga harakat qilishgan. Ularning umumiy fikricha, 1850—1880-yillar oralig‘ida iqtisodiy va strategik mulohazalar Rossiya hukumatini butun G‘arbiy Turkistonni o‘z nazorati ostiga olishga majbur qildi[5, 1-b].

Uchinchidan, «Katta o'yin» Rossiya va Buyuk Britaniya o'rtasida Janubiy va Markaziy Osiyo ustidan imperatorlik ta'siri uchun kurash bo'lib, bu tushuncha birinchi marta Rudyard Kipling tomonidan ingliz-afg‘on urushiga bag‘ishlangan «Kim» nomli tarixiy romanida abadiylashtirilgan[4, 1-b].

To‘rtinchidan, Ingliz tarixchi va siyosatchisi Major-Gen. Sir Henry Rawlinson ta’kidlaganidek, «Katta o‘yin»da «Rossiya so‘nggi harakatlari davomida juda muvaffaqiyatli va xavfsiz o'yin o'tkazdi»[1, 71-b].Bu bilanimgliztadqiqotchilaribu «raqobat»daRossiyaningqo‘libalandkelganligini tan olishmoqda.

Beshinchidan, Ingliz tadqiqotchilari Rossiya bosqini davridagi Rossiyaning chet el davlatlari, ayniqsa, Markaziy Osiyo bilan tashqi munosabatlarini yaxshi o‘rganib chiqishgan. Xususan, Seymour Beckero‘zasaridabosqindavridagi «Yangi imperator Aleksandr II (1855– 1881) va uning tashqi ishlar vaziri A. M. Gorchakov» haqida: «ikkalasi ham xalqaro ishlarda ehtiyotkor odamlar edilar» [3, 11-12-b], - deb baho beradi.

Oltinchidan, Bosqindan so‘ng Rossiya hukumati hududdagi yirik temir yo‘l qurilishi loyihalarini amalga oshirishi va ularga katta pul sarflanishi [2, 1-2-b] inglizlar nazaridan chetda qolmagan.

Umuman olganda, ingliz tarixchilari o‘z tadqiqotlarini yoritishda tarixiy dalillarga, xususan, o‘sha davr elchi «ayg‘oqchi» va sayohatchilari esdaliklariga tayanishgan. Va, fikrimcha, ma’lum darajada obyektivlik mavjud. Ammo ular mahalliy mualliflarning asarlariga murojaat qilishmagan. Bu esa ingliz tarixshunosligida Markaziy Osiyo tarixini to‘la yoritishga to‘siq bo‘lishi mumkin.

## Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:


1. Major-Gen. Sir Henry Rawlinson. England and Russia in the East. L. 1875. P. 393.
2. N. Curzon. Russia in Central Asia. L. 1888. Chapter I. P. 544.
3. S. Becker. «Russia’s Protectorates in Central Asia. Bukhara and Xhiva, 1865-1924». Part One. The Russian Conquest.L.2004. P. 273.
4. Robert Johnson. Spying for Empire: The Great Game in Central and South Asia, 1757-1947. L. 2006. P-304.
5. A. Zeidan. History of Turkistan. // The Editors of Encyclopaedia Britannica. https://www.britannica.com/place/Turkistan. 2018.

## 3-ШЎЪБА. МУЗЕЙШУНОСЛИК СОҲАСИДАГИ ИННОВАЦИОН ЯНГИЛАНИШЛАР

**Jasurbek AKHMEDOV**
Head of the National Institute of Arts and
Design named after Kamoliddin Bekhzod,
**Saboxat MUSTAFAKULOVA**
Teacher of Children's music and
art school № 7 of the Yashnabad region

# DEVELOPMENT AND PROSPECTS OF FINE ARTS IN UZBEKISTAN

**Abstract.** *The article researches development of national art schools in the years of independence, national identity, centuries-old traditions and customs, religion and literature, the development of various areas of the national in the twentieth century through the system of art education.*

The art of the Uzbek people has an ancient history dating back centuries. On the territory of the republic, in many places, rock paintings have been found dating back to the era of primitive society. Since ancient times, images of goddesses and cult creatures have been molded from clay. The works of ancient art use a complex semantics of ornamental, anthropomorphic and zoomorphic nature. They reflect a kind of artistic picture of the world that has developed in the world view of an oriental person. The existence of various religions and cults, including Zoroastrianism, had a decisive influence on the formation of the mentality of Central Asians. During the Bronze Age, a highly developed fine art existed on the territory of Uzbekistan, as evidenced by the Amu Darya treasure, now kept in the British National Museum.

The era of antiquity was marked by the flourishing of architecture, sculpture, jewelry art, small plastic arts, monumental painting (Ayrtam, Khalchayan, Dalverzintepe, Fayaztepe, etc.). Early medieval paintings of Afrosiab, Varakhsha, Balalyktepe and other architectural monuments are masterpieces of monumental painting in Central Asia.

The study of the peculiarities of national schools, their formation and development in the context of the integration of cultures, is one of the most

important tasks of modern art history. The art of Uzbekistan in all forms and genres was formed mainly in the twentieth century and is a product of Eurasian thinking. The traditional artistic culture of Uzbekistan, numbering several millennia in its development, by the beginning of the twentieth century reflected the complex historical, geopolitical, ethnocultural, religious, socio-economic identity of the region. The dynamics of civilized shifts, the great social upheavals of the early twentieth century created the background for the emergence of European forms of fine art, and this was not a simple mechanical transfer of European or Russian art to national soil. From the very first works of the early twentieth century, the artists of Uzbekistan can see the symbiosis of creative searches for European art and the «genetic code» of the oriental artistic worldview.

During this period, «the exchange of artistic traditions, their mutual influence contributed to the emergence of new trends, forms, methods, means of artistic depiction in various types of art, which led to the mutual enrichment of cultures.» Before independence, the painting of Uzbekistan was marked by the names of Ural Tansykbaev, AbdulkhakAbdullaev, Mannon Saidov, Rashid Timurov, Rakhim Akhmedov, Chingiz Akhmarov, Shamsirui Khasanova, Nina Kashina, Vladimir Burmakina, Ruzy Charieva, Grigory Ulko, Yevgeny Salypikina, YuriaYuriy. In their work, the techniques of Western European painting were organically synthesized with the traditions of decorative oriental art.

And now the work of modern artists of Uzbekistan is a kind of crossroads not only of different generations, but of stylistic directions, themes of creative individuals, but also a crossover of spiritual searches of East and West, civilization and culture, globalization and the search for national identity, the focus of which remains, as in all times, Human.

We can legitimately be proud of achievements in all types and genres of Uzbek fine arts and architecture since the independence of the Republic. During these years of independence in Uzbekistan, there has been a restoration of national identity, centuries-old traditions and customs, religion and literature, various areas of national art and culture are developing. During this period, the Uzbek fine arts received a wide opportunity for the all-round development and manifestation of the creative abilities of each artist. In our republic, works are created that are a worthy contribution to the national artistic culture as a whole. Many of them, having won wide recognition, were highly appreciated by our state. Achievements of artists of our days convince: everything truly beautiful is born on the basis of deep knowledge of life, creative development of traditions embodied in the Uzbek classics, on the basis of continuity in the historical development of art. The urgent

need to strengthen artistic culture in the life of society makes us seriously think about the question: do we, artists always keep up with the times, do we always adequately reflect in our works the large-scale deeds of the people, their growing aesthetic needs? There is no need to be afraid of such a question, it is not at all from weakness. Constant dissatisfaction with oneself, the desire to do better today than yesterday, alignment with the highest standards help to overcome the most terrible enemies of art (yes, in fact, of any creative endeavor) - indifference and dispassion.

One of the pressing concerns is the state of easel types of creativity, which constitute the ideological and aesthetic core of all art. In easel painting, sculpture, graphics, the basic aesthetic principles are formed, the connection between the content of form, tradition and innovation is determined - in a word, the whole complex of ideological and figurative problems of fine art. Easel art contributes to the progressive development of other forms of visual activity.

The state of fine art as a whole, its ability to respond with concrete deeds, that is, first of all, new highly ideological, artistically striking works, largely depends on the successful solution of the problem of the development of a thematic picture of a large public sound.

In the 20s and early 30s, A.Volkov, M.Kurzin, V.Ufimtsev, U.Tansykbaev, N.Karakhan, N.Kashina clearly showed a tendency to an independent concept of the East, each of them was looking for a purely individual plastic equivalent and experimented a lot. Naturally, it was not in the spirit of the avant-garde, which retreated from all norms, to adhere to the principles, «boundaries» or norms of a particular genre. However, in progress of the general patterns of the historical period, when there was a transition from the traditional world to the new, great attention was to the individual, to the new man and this could not but interest these masters. Emphasizing the portrait genre in the painting of Uzbekistan in the 1920s, connected with the problem of genre system that interests us, indicates its significant role in the work of these masters. It is firmly connected with a complex of specific features of the ideology and culture of the first revolutionary decades, reflected the complexity and character of the adaptation of the European experience, the confusion of various trends - from realism, impressionism to the avant-garde. Portraits of that time have become not only one of the valuable documents of a difficult era, but have clearly reflected the wonderful world and the face of a man of the new East. They became the foundation on which many imaginative and stylistic principles of Uzbekistan's painting will be formed in the future. In past years, for ideological reasons, the evaluation of this period did not

always correspond to its real creative practice, but with the approval of more free views on the development of art, in monographs devoted to the artists of the 1930s began publishing materials on portraits of that time. The combination of different trends, their struggle, a wide range of traditions, on which they developed, created that unique situation that gave impulse to the development of various modifications of the portrait genre in the future.

A socially significant work created on the basis of a realistic method is the dominant feature of the modern artistic process. If art cannot reflect the most important tendencies of life itself, aesthetically master large social themes, then society will rightly consider it, at best, a pleasant entertainment. And therefore we cannot but worry that a serious thematic painting is a rare guest at our exhibitions in recent years.

Perhaps we are not always able to appreciate the work of our contemporaries, companions in art, and a historical distance is necessary for a true assessment. However, the experience of past centuries testifies that the weakening of the positions of thematic painting will diminish the social role of art in general.

Should we hope that time will judge and put everything in its place - after all, the main judge of the scale of any creative accomplishments, in the final analysis, is not time, but people, people who make their history every day, every hour. Hence it follows that it is unacceptable to indifferently listen to good and evil, hoping for a judgment of the future. Today, spectators and artists are waiting for a professional, well-reasoned critical assessment. And today the aesthetic tastes and views of society are being formed.

When the voice of professional criticism is silent or muffled, the banality raises its head, there is a stir around false idols, talented masters remain in the shadows. Art is a powerful weapon in the ideological struggle on the world stage, and unjustified compromises in the field of artistic politics only weaken it. The modern artistic practice of the Republic of Uzbekistan is so rich and diverse that there is no need to prove its innovative nature by unprincipled references to puny seedlings grown by the epigones of various fashionable «isms» on the sides of the main path of Uzbek culture. Examples of a truly new figurative word about time and oneself, plastic, plot, compositional and other ideological and artistic revelations should be sought and found not on the sidelines, but in the creative achievements of such leading masters of our days as, for example, S.Abdullaev, A.Ikramdzhanov, S.Rakhmetov, M.Fatkhulin, M.Nuriddinov, H.Mirzaakhmedov, V.Enin, M.Tashmuradov, A.Alikulov, A.Atabaev, V.Troshina, and others. The decorative direction develops in the works of A.Mirzaev, Zh.Izentaev, I.Shin,

I.Mansurov, R.Shadyev, L.Sadykova, J.Salpinkidi, R.Khudaibergenov, S.Rakhmanov.

The works of many artists are a kind of phenomenon of the fine arts of the republic, revealed by masters, first of all, through a difficult path of self-knowledge and then, through their vision of the world, an attempt to reveal to the viewer the secret and obvious in nature and man.

The viewer, including the foreign one, should familiarize himself with the art of Uzbekistan in all the richness of its types and genres, with works that reflect the pressing concerns and innermost aspirations of our people.Since our ultimate goal is to provide a decent level of art on a global scale, and we must further mobilize our strength to consolidate the achieved success in painting.

## REFERENCES


1. Akhmedova N. Painting Central Asia of the 20th century: tradition, originality, dialogue. - Tashkent: 2004.
2. Akhmedova N. Artist - era - history.//Art. №2. 2004.
3. Alimkulova D. Painting art of 1920s – 1930s in the context of development of fine arts of Uzbekistan // Dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on art history. Tashkent, 2020.
4. Kultasheva N. Formation of national painting collections at the museums of Uzbekistan // Dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on art history. Tashkent, 2020.
5. Umarova D. The main tendencies of painting of Uzbekistan in the period of independence // Dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on art history. Tashkent, 2019.
6. Khakimov A. Art of Uzbekistan: history and modernity. - Tashkent, 2010.
7. Khakimov A. New Uzbek painting. Institute of Art Studies, Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan. - T.: Publishing house «Art». 2014.

**Гулираъно ОРИФЖОНОВА**
Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий
рассомлик ва дизайн институти докторанти,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

# ЎЗБЕКИСТОН ЭТНОМАДАНИЙ МЕРОСИНИ МУЗЕЙЛАРДА АКС ЭТИШИ

**Аннотация:** *Мақолада Ўзбекистон музейларининг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган. Ҳозирги глобаллашув шароитида маданий меросни сақлаш муҳим вазифалардан бирига айланиб бориши ҳам жаҳондаги ҳар бир халқнинг ўз тарихи ва маданиятини чуқурроқ англаб етаётганлиги нуқтаи назаридан Ўзбекистон музейлари экспозицияси ва коллекцияларини илмий таҳлилини ёритиш муҳимлиги илгари сурилган.*

**Аннотация:** *В статье анализируются особенности музеев Узбекистана.В нынешних глобальных условиях сохранение культурного наследия стало одной из важных задач, и с точки зрения глубокого понимания истории и культуры каждого народа в мире была поставлена важность освещения научного анализа экспозиции и коллекций музеев Узбекистана вперед.*

**Abstract:** *The article analyzes the peculiarities of museums of Uzbekistan.In the current global environment, the preservation of cultural heritage has become one of the important tasks, and from the point of view of the deep understanding of the history and culture of every nation in the world, the importance of covering the scientific analysis of the exposition and collections of Museums of Uzbekistan has been put forward.*

Ўзбекистоннинг тарих музейлари экспозициясида ҳам этнографик кўргазмалардан кенг фойдаланилган. Жумладан, Шаҳрисабз шаҳар Амир Темур номли моддий маданият тарихи музейида темурийлар даврига хос бешик намунаси экспозицияга қўйилган. Мазкур бешик сарой аҳли ҳаётига оид реконструкция ҳисобланади. Бундан ташқари XIV асрларга тааллуқли мисдан ишланган қумғон, дастшўй, чилчироқ намуналари ҳам экспозициядан ўрин олган. Амир Темурнинг ёшлик чоғидаги ўйинчоқлари номли кўргазмада унинг ҳарбий аслаҳалари намойиш этилган. Реконструкция қилинган аскарларнинг аслаҳалари, от эгар-жабдуқлари, кундалик рўзғорда ишлатилган даврга хос сопол буюмлар ҳам этнографик ҳаёт акс эттиради. Музей асосан сарой ҳаёти қайта тикланган. Умуман бу музейда бошқа тарих музейларида учрамайдиган метод реконструкция асосидаги шартли саҳна методидан унумли фойдаланилган. Бу айниқса марказий залдаги Амир Темур тахтининг қайта тикланган кўриниши, Амир Темур, Бибихоним ва аскарлар

образларини муляжаларда яратилган кўринишларида ўз аксини топган. Сарой муҳити атмосфераси жонлантирилган.

Қатағон қурбонлари хотираси музейида XIX-XX аср бошларида оид Чор Россияси қўшинлари ҳамда маҳаллий аскарларнинг ҳарбий қурол аслаҳалар, милтиқ, қилич, ҳанжарлар, мудофаачилар фойдаланган идиш, ойболта, қичоқ ғилофлари, қўшинни жангга чорловчи дўмбира ва сурнай, 1916 йилги қўзғолон қатнашчиларга оид мардикорлар тўни, XX аср бошларига оид қаламдон, телефон ва шамдонлар, сургун ва қулоқ қилинган манзилларда яшаган инсонларга тегишли уй-рўзғор буюмлари, қатағон қурбонларига тегишли тўн, этик ва либослар, шамсияси, саквояж, уларнинг шахсий буюмлари, чолғу асбоблари каби этнографик предметлар ўрин олган.

Туман ва ўлка музейларида бошқа музейларга нисбатан солиштирганда кўпроқ этнографик коллекциялар тўпланади. Чунки бу музейлар ўз олдига ҳududнинг барча жиҳатларини қамраб олган экспозиция яратишни мақсад қилиб қўяди.

Туман ва ўлкашунослик музейларида мазкур ҳудуд тарихини ифодаловчи коллекциялар этнографик предметлардан ташкил топади. Туман музейлари ўз коллекцияларини икки хил типда яратадилар: биринчиси ўлка тарихга бағишланган, иккинчиси ушбу жойга доир алоҳида мавзудаги материалларни қамраб олади (масалан, балиқ овлаш, тоғ иши, маҳаллий урф-одатлар, туризм)[17].

Иккинчи гуруҳга музей экспозициясида билвосита халқнинг анъанавий-маиший маданияти мавзусига тўхталиб ўтилган музейлар киради. Бу каби экспозицияларни бир қанча музей-қўрғонларда, музейлаштирилган тарихий-меъморий ёдгорликларда, асосий мавзуси ёки бошқа жиҳатдан анъанавий маданият билан боғлиқ бўлган музейларда учратиш мумкин.

Бу каби музейлаштирилган ёдгорликларга Ўзбекистон мисолида Бухородаги Бой савдогар хонадони музейи ҳамда Қўқон шаҳрида жойлашган Хамза Ҳакимзода Ниёзий уй-музейини киритиш мумкин.

Бундан ташқари савдогарларидан бири Абрам Қалантаровга тегишли бўлган тарихий бинолардан бирида жойлашган Самарқанд ўлкашунослик музейини ҳам мисол сифатида келтириш жоиз. Музей ҳовлиси тўрида, таниқли рус меъмори Е. Нелле лойиҳаси асосида қурилган, XX аср меъморчилигига хос бўлган эклектик услубдаги икки қаватли бино мавжуд. Ҳовлида 1902-1916 йиллар давомида бешта бино қад кўтарган.

[17]Праш Х. Окружные и местные музеи Австрии: возможен диалог // Museum. – Москва, 1993. – № 1 (175). – С. 11.

Калантаровнинг катта ва кичик меҳмонхоналари асл ҳолатида сақланган. Мазкур музейда академик тарзда ёндошилган этнографик экспозиция ҳамда яҳудийлар маданиятини акс эттирувчи кўргазма мавжуд.

Мазкур гуруҳга уй-музейларни ҳам киргизиш мумкин. Уй-музейлар ўз экспозициясида даврга хос этнографик муҳитни сақлайди. Чунки уларда ижодкорнинг кўпинча устахонаси, кутубхонаси, меҳмонхонаси ва баъзи яшаш хоналари ўзгаришсиз сақлаб келишга ҳаракат қилинади. Бу эса нафақат ижодкор меросини сақлашга хизмат қилади, вақт ўтиши билан давр этнографиясини тадқиқ қилиш учун ҳам манба бўла олади. Фикримизга далил сифатида Абдулла Қаҳҳор уй-музейини келтириб ўтишимиз мумкин. Музейга ташриф буюрган киши бундан ярим аср олдинги даврга яъни ХХ асрнинг 60-70 йиллари муҳитига тушади. Чунки музейдаги жиҳозларнинг барчаси ўша даврга хосдир. Жумладан, меҳмонхонадаги мебеллар, айлана шаклдаги стол ва креслолар, телевизор, радиопрёмник, магнитафон ўз даврига хос буюмлардир. Тошкент ҳудудида А.Қаҳҳор уй-музейи типидаги ҳамда ХХ асрнинг иккинчи ярмидан кейинги этнографик муҳитни ўзида намойиш этувчи Ғафур Ғулом, Сергей Бородин, Сергей Есенин, Ўрол Тансиқбоев, Мухтор Ашрафий, Тамарахоним, Жиззах шаҳрида мазкур даврга оид Шароф Рашидов уй-музейлари мавжуд. Улар нафақат давр муҳитини балки турли миллат, соҳа кишилари фаолияти ва турмуш тарзини ҳам кўрсатиб беради.

Сергей Есенин уй-музейида шоир яшаган давр муҳитини гавдлантирган ансамбль типидаги этнографик экспозиция мавжуд. Мазкур экспозициядан ўрин олган жиҳозлар ХХ асрнинг 20 йилларидаги Тошкент ҳудудида истиқомат қилган европалик қатлам вакилларига тегишли бўлиб, пианино, стол-стул, жавон, камод, соат, кўзгу, сервис ҳамда бошқа шахсий буюмлардан иборат. Умуман мазкур экспозиция Тошкент ҳудудида этнографик ҳаёт тарзи ранг-баранг бўлгани ва турли миллатлар маданиятини ўзида мужассамлаштирганини кўрсатади.

Тамара Хоним уй-музейининг бошқа музейлардан фарқи шундаки, асосан уй-музейларда биз кўпинча этнографик предметларни учратамиз. Аммо мазкур музейда этнографик предметлар билан бир бирга либос ва тақинчоқларнинг катта коллекцияси мавжуд. Бу Тамара Хонимнинг касбий фаолияти билан бевосита боғлиқ. Тамара Хоним уй-музейида мусиқа асбобларининг катта коллекцияси мавжуд бўлиб, уларда нафақат ўзбек мусиқа асбоблари балки жаҳон мусиқа созлар ҳам жамланган. Музейдаги яна бир катта коллекция заргарлик тақинчоқлари ҳисобланиб, ўзбек, қорақалпоқ,

туркман, турк, уйғур, ҳинд ва халқларнинг миллий тақинчоқлари мавжуд. Тақинчоқлар асосан қўл, бармоқ, бел, кўкрак безакларидан иборат. Уй-музейдаги либослар коллекцияси комплектлаш усулида экспозицияга олиб чиқилган.Либослар бош кийим, устки либос, оёқ кийим ва тақинчоқлардан иборат. Арманча ва ўзбекча либосларнинг бир неча кўринишлари, паранжи, туркманча, марғилонча, туркча, хитойча, арабча, уйғурча, русча, Гусулия, Индонезия, Руминия либос кўринишлари ана шу тарзда комплектланган либослар сирасига киради. Музейда XIX-XX асрларга оид мис буюмлар – қумғон, баркаш, тос, жом, обдаста ҳамда Тошкент каштачилик мактабига оид ой палак каби этнографик предметлар мавжуд. Тамара Хоним ётоқхонаси ва меҳмонхонаси XX асрнинг 50-60-йилларига оид тураржой типларини акс эттирган.

Учинчи гуруҳга: дин тарихи музейлари, мусиқа асбоблари музейлари, мемориал, адабиёт ва бошқа бадиий музейлар, табиий ва техник музейларни киритиш мумкин.

Анъанавий маросим предметларини архаик эътиқодга бағишланган Динлар тарихи давлат музейи (Россия, Санкт-Петербург) экспозициясида учратиш мумкин[18].

Ўзбекистон мусиқа маданиятини ўзида намойиш этувчи Хивадаги Қози Калон мадрасасида (1905) жойлашган Мусиқа маданияти тарихи музейида этнографик предметлардан фойдаланган ҳолда экспозиция яратилган. Хоразм мусиқа маданиятини акс эттирган мазкур кўргазмада чолғу ижрочиларининг фаолияти муляжлар ёрдамида этнографик муҳит яратилган ҳолда мувафаққиятли намойиш этилган. Мазкур экспозицияда комплекс методига мурожаат қилинган.

Шаҳрисабз мақом музейи экспозициясини яратишда этнографик предметлардан кенг фойдаланилган. Жумладан, Ўзбекистоннинг турли ҳудудларига хос мақом санъатининг ўзига хос хусусиятлари бевосита ўша ҳудудга хос миллий либослар, бош кийимлар, ўй-рўзғор буюмлари, сўзаналар, чолғу асбобларини кўргазмага қўйиш орқали кўрсатиб берилган (24-расм).

Мемориал музейлардан бири Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов мемориал музейида шоир туғилиб ўсган муҳитни ифодаловчи экспозиция этнографик предметлар воситасида яратилган. Музей экспозициясидаги энг қимматли экспонат бу шубҳасиз шоир улғайган бешикдир. Бешик шоир

[18] Молчанова Н.В. Проблемы экспонирование этнографические предметов в музеях Российской Федерации / Маг. диссертация. – Санк-Петербург, 2016. – С. 33.

улғайган хонадон панорамасидан ўрин олган. Тўрт томонда дуҳоба кўрпачалар тўшалган. Ўртада қизил кўрпа ёпилган сандал устига каштали дастурхон ёзилган ҳамда мис патнос ва мисдан ясалган чойидиш қўйилган. Бурчакда деворга суялган ҳолда ўзбек миллий чолғу асбобларидан бири дутор қўйилган.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати


1. Аброскина Е.Б. Экспозиция этнографического музея: от Крыжановского до Бежковича // Музей – памятник – наследие. – Санкт-Петербург, 2017. – № 1.–С. 171-172.
2. Сухарева О.А. История среднеазиатского костюма: Самарканд – М.: Наука, 1982. – 34 с.
3. УндероваЛ.В. Узбекская народная одежда конца XIX – XX вв. – Т.: Фан, 1994. - 104 с.
4. Содиқова Н. Ўзбек миллий либослари XIX-XX асрлар.- Т.: Шарқ, 2003.
5. Богословская И., Левтева Л.Г.Тюбетейки Узбекистана XIX-XX веков. Альбом. –Т.: mega BASIM, 2006.
6. Орифжонова Г. Ўзбекистон этномаданий меросини сақлаш, тадқиқ этиш ва намойиш этишнинг тарихий-маданий жиҳатлари (Ўзбекистон музейлари коллекциялари мисолида). Монография. – Тошкент: «Lesson-press» нашриёти. 2021. – 216 б.
7. Orifjonova G. Ethnographic collections of museums of Uzbekistan: examples of embroidery art. EPRA International Journal of Research & Development (IJRD) Volume 6, Issue 9, September 2021. Pages 236-241.
8. Orifjonova G. Embroidery art of Uzbekistan. EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR). Volume 7, Issue 9, September 2021. Pages 302-307.
9. Орифжонова Г. Этномаданий меросни экспозицияга қўйиш методларининг ривожланиш тарихи. Замонавий дунёда музейшуносликнинг долзарб масалалари. Халқаро илмий-амалий анжуман тўплами. Тошкент – 2021. – Б.53-58.
10. Орифжонова Г. Развитие музеев на основе арт-терапии. Современные вопросы науки и практики сборник статей Международной научно-практической конференции, Состоявшейся 20сентября 2021г. в г. Пенза. – Стр.57-58.
11. Орифжонова Г. XIX – XX аср бошларига оид Ўзбекистон этномаданий меросини сақлаш, тадқиқ этиш ва намойиш этишнинг тарихий-маданий жиҳатлари. Тарих фан. фалсафа док. автр. – Тошкент, 2021. – 55 б.

**Зарина НУРИДИНОВА**
докторант Национального института художеств и
дизайна имени Камолиддина Бехзода

# ОПЫТ ПРИМЕНЕНИЯЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ПРОСТРАНСТВЕ СОВРЕМЕННОГО МУЗЕЯ

***Annotatsiya:*** *Maqola muzeylarda raqamli texnologiyalarni qo'llash tajribasini o'rganishga bag'ishlangan. Muzeylarda 3D vizuallashtirish tamoyilarini faollashtirishga qaratilgan. Maqolada virtual reallashtirish tamoyilini kengaytirish o‘rganilgan, bu esa muzeyga tashrif buyuruvchiga virtual muhitiga sho‘ng‘ish imkonini beradi. Shuningdek, maqolada ushbu soha mutaxassislari bilan birgalikda mamlakatimizda o‘tkaziladigan festival va ko‘rgazmalarda 3D grafikadan foydalanish mavzusi tahlil qilingan.*

*Muzeylarda texnologiyalarning jadal rivojlanishi jamiyatni innovatsiyalardan xabardor bo'lishiga yordam beradi. O‘z navbatida, raqamli texnologiyalarning joriy etilishi ko‘rgazma va tashrif buyuruvchi o‘rtasidagi maksimal aloqani ta’minlaydi.*

***Abstract:*** *The article is devoted to the study of the application and experience of using digital technologies in museums. The principle of augmentation of reality is being studied, aimed at activating the perception of the museum space, which allows the museum visitor to immerse himself in a virtual environment. Also, the article analyzes in detail the topic of using 3D graphics in museums and festivals and exhibitions held in the country together with specialists in this field.*

*The rapid development of technology obliges society to keep up with innovations and innovations. In turn, the introduction of digital technologies will ensure maximum communication between the exhibit and the visitor.*

***Аннотация:*** *Статья посвящена изучению применения и опыта использования цифровых технологий в музеях. Изучается принцип дополнения реальности, направленная на активизацию восприятия музейного пространства, которая позволяет посетителю музея погрузиться в виртуальную среду. Также, в статьеподробно анализируется тема применения 3Dграфики в музеях и проводимых в стране фестивалей и выставок совместно соспециалистами данной области.*

*Стремительное развитие технологий обязывает общество не отставать от новшеств и инноваций. В свою очередь, внедрение цифровых технологий послужит обеспечению максимальной коммуникации экспонатов и посетителей.*

Музеи на сегодняшний день являются неотъемлемыми элементами культурного пространства, особой сферой культуры, в которой основой для формирования духовных ценностей служат экспонаты.

Музей как социальный институт организует и координирует деятельность людей по сохранениюпамятников прошлых эпох и передаче

знаний оних. Современное общество невозможно представить без музеев, так, музей – это учреждения, где хранится историческое наследие предков.

Сегодня миссия современного музея значительно возросла, чем просто выставочная площадка или хранилище. Наблюдается тенденция, связанная с расширением сфер деятельности современных музеев.

Благодаря применению цифровых технологий в сфере современной культуры для массовой аудитории становится доступным просмотр различных концертных выступлений ведущих мировых музыкантов, получать информацию о создании того или иного произведения искусства, знакомиться с экспозициями залов и выставок мировых музеев, галерей, не выходя из зоны привычного комфорта.Всё это – создаёт возможность стать онлайн зрителем или посетителем, что, в свою очередь стимулирует прогрессивному популяризацию культурных учреждений [2,150]. Таким образом, применение цифровых технологий в рамках современной культуры способствует привлечению массовой аудитории к деятельности музыкантов, художников, дизайнеров, обогащению духовного начала массовой, молодежной и даже детской аудиторий.

Современную молодежную аудиторию уже не привлекают музеи в традиционном их понимании. Современная молодёжь предпочитает знакомиться с шедеврами мировой живописи, архитектуры, скульптуры с помощью мультимедийного пространства. Данный процесс реализуется исключительно посредством применения специальных цифровых технологий. Благодаря использованию таких средств, как создание виртуальной или дополненной реальности, реализация мультимедийного пространства, применение интерактивной среды, 3D-визуализации и других средств, зрителю удается не только рассмотреть артефакты, но и непосредственно погрузиться в создаваемый иллюзорный мир. Посредством применения цифровых технологий в пространстве современного музея, зритель «испытывает ощущение нереальности, уводящей в иной смысловой мир, а сама виртуальность предстает продолжением настоящей жизни человека[3].

Множество мировых проектов, связанные с музейной деятельностью созданы для привлечения массового зрителя к шедеврам мирового наследия.

Процесс внедрения цифровых технологий в музейную сферу активно поддерживается государством. За последние годы в стране реализованы системные меры, направленные на дальнейшее развитие национальной культуры, создание новой истории нового Узбекистана, сохранение и

пропаганду материального и нематериального культурного наследия, обеспечение активной интеграции страны в мировое культурное пространство, а также инновационное развитие сферы культуры и искусства. Постановлением Президента Узбекистана от 28 ноября 2018 года № ПП-4038 утверждены Концепции дальнейшего развития национальной культуры в Республике Узбекистан, а также «Дорожная карта» по ее реализации. В постановлении, особое внимание уделено таким пунктам как: программа реновации музеев и восстановлении национальной школы реставрации объектов культурного наследия и предметов искусства[4].

Начальным этапом применения цифровых технологий в пространстве современных мировых музеев является оснащение их компьютерным и телекоммуникационным оборудованием. Данное оборудование применяется с целью качественного просмотра различных экспозиций, а также поддержки инновационных проектов в области внедрения цифровизации в культуру.

Активное использование цифровых технологий в виде виртуальных выставок и 3D-туров, музейных интегрированных приложений, виртуальных персонажей, компьютерных игр– всё это означает, что мы находимся преддверии больших изменений в сфере культуры и науки. Так, как сегодня современному человеку необходимо изучить историю и культуру с помощью цифровых технологий[5].

Особенно, благоприятно сказываются информационные технологии на привлечение в музей детской аудитории и молодёжь. Как известно, очень трудно вовлечь детскую аудиторию и молодёжь в музейное пространство, но на помощь приходят 3D графика. А использование дополненной реальности (3D графики) дает возможность рассмотреть 3D-модель экспоната, поиграть и полноценно изучать. С помощью специальных интерактивных досок обычные картинки экспонатов превращаются в объёмные реалистичные предметы, а стандартный внешний вид QR-кода, например, превратится в иероглиф, печать давно исчезнувшей империи, монету и т.д., что вызовет новый виток вопросов юного зрителя[1,100-107].

Чаще всего во всех мировых музеях при создании выставокиспользуются 3D-технологии. Комбинированные проекционные технологии, при которых видеоряд проецируется на несколько плоскостей, расположенных на разном удалении от зрителя, дает возможность полного погружения в атмосферу пространства или события. Использование цифровых технологий и новых материалов (в частности, прозрачной

проекционной пленки) дает возможность получения изображения с эффектом голографии.

Также как пример можно привести, выставки, которые проводятся совместно с международными специалистами. Например, в октябре 2021 года команда зарубежных специалистов организовали в Ташкенте выставку DixitAlgorizmi - «Как говорил аль-Хорезми». Выставка проходила в Центре современного искусства, авторы попытались показать личность аль-Хорезми, его эпоху и его влияние на современную жизнь. Выставка была посвящена влиянию работ ученого на сегодняшнее технологическое ускорение, современную культуру и западные инновации. Главным куратором выставки выступил Джозеф Грима (студия SpaceCaviar), и со-кураторы ШейдаГомаши и КамилоОливейра. Выставка не связана с какой-то конкретной областью, а в целом отдает дань уважения ученому и его трудам. Благодаря участию международных специалистов и визуальных художников в сфере ремесла, кино, музыки, архитектуры, дизайна и технологии, на выставке были представлены работы, касающиеся вопросам представления алгоритма, то есть, его значение на*формирование различных взаимодействии в современной культуре через приложения смартфонов. С помощью мультисенсорной и иллюстративной выставки можно было прослеживать взаимодействие математических элементов и алгоритма, которые оказали огромное влияние на общество и культуру, начиная от древности до современности[6].*

*Ещё одним интересным молодёжным фестивалем является проект «Wecosmos» - «Мы космос». «Мы космос»*– это фестиваль авангардной музыки, рок-концерт, световое шоу, выставка современной живописи и »космических» инсталляций.Где в ходе фестиваля участники предлагали посетителям свою абстрактную интерпретацию зарождения Вселенной, поразмышляют о том, что есть сознание и реальность, пофантазировать о том, что будет после нас.*В проекте активноиспользовалась* 3D графика, которая визуализировалась зрителям с помощью эффекта голографии.

Своим творчеством участники фестиваля хотели изменить перспективу, с которой люди привыкли смотреть на себя и происходящее вокруг, предложив взамен новые ориентиры. Программа фестиваля включала в себя выставку картин и инсталляций, насыщенной световой перфоманс, видео проекции, выступления музыкантов[7].

В музеях Узбекистана также планируют внедрить систему комбинированных проекционных технологий, при которых проецируются3D

экспонаты на несколько плоскостей, что дает возможность посетителю полностью погрузиться в атмосферу пространства музея и изучить его. По постановлению Президента Республики Узбекистан (ПП-4038) некоторые музеи на сегодняшний день закрыты на реконструкционные работы, где планируется внедрить вышеуказанные примеры.

Однако создание музейной выставки с элементами дополненной реальности может вызвать некоторые сложности. Такая выставка требует согласования двух элементов: технического и смыслового. С одной стороны, это компьютерная технология, для успешного функционирования которой требуется выполнение определенных алгоритмов, наличие специальных технических устройств, и создавать эту технологию пока могут только специалисты в области компьютерных и мобильных технологий. С другой стороны, музейная выставка с элементами дополненной реальности – это, в первую очередь, явление музейное, и создавать ее должны профессионалы.

Для осуществления внедрения цифровых технологий в музеях Узбекистана привлечены зарубежные специалисты. Где в совместном проекте удастся совместить достоинства информационных технологий с традиционной музейной выставкой с элементами дополненной реальности. Благодаря современным графическим редакторам и программам появится возможность осуществить виртуальное воссоздание объекта и его интерпретация. Принципиальная особенность виртуальных реконструкций – это возможность изучать экспонаты и погрузить зрителя в виртуальную среду музея.

В заключении можно сказать, что в настоящее время применение информационных технологий становится повсеместным. Цифровые технологии позволяют представить широкий спектр вариантов и выбрать наилучший для будущего объекта проекты для музеев. Использование цифровых технологий в современном музейном деле дополняет реальность, обеспечивает максимальную коммуникацию экспоната и посетителя.

## СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

**1.** Баруткина Л.П. Мультимедиа в современной музейной экспозиции // Вестник Санкт-Петербургского государственного университета культуры и искусств.- 2011.- № 4.- 100-107 с.

**2.** Дзюба Д.Н. Виртуальный музей в контексте цифровой культуры: дис.канд. культурологии. Саранск, 2019. 150 с.

3. https://cyberleninka.ru/article/n/tendentsii-primeneniya-tsifrovyh-tehnologiy-v-prostranstve-sovremennogo-muzeya/viewer
4. https://lex.uz/docs/4829338
5. https://cyberleninka.ru/article/n/3d-tehnologii-v-ekspozitsionnoy-deyatelnosti-muzeev-izobrazitelnogo-iskusstva/viewer
6. https://mytashkent.uz/2021/10/06/vystavka-kak-govoril-al-horezmi
7. https://www.afisha.uz/ru/concerts/2021/03/12/myikosmos

**Норпулат АҲМЕДЖАНОВ**
Жиззах вилоят педагогларни янги методикаларга
ўргатиш миллий маркази катта ўқитувчиси

# ТАРИХ ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА МУЗЕЙ ПЕДАГОГИКАСИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

***Аннотация:*** *Ушбу мақолада Ўзбекистон музейлар соҳасининг моддий- маданий қадриятлари ҳақида сўз юритилган. Музейлар ўзбек халқининг маънавий удумлари, миллий маданиятини тасвирлайдиган тарихий меъморчиликни асровчи ҳисобланади.*

***Аннотация:*** *Это статья об одной из отраслей материально-културних ценностей Узбекистана о музеих. Музеи считаются хранилищем исторического зодчества, где изображены литература, национальная культура, духовние традиции и другие стороны нашего Узбекского народа.*

***Abstract:*** *It was given about one of the major fields of our culture «about museums of Uzbekistan» in this article. In this article it was written about that the museum is historical monuments, literature, art, traditions, scenery of our economic-social life.*

Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти И. Каримов музейларга катта ва юксак баҳо берган эди. И.Каримов айтганларидек, музейлар жойлашган даргоҳ бир узук бўлса, музей унинг кўзидир. [4, 391-б.]

Юртимизда барча жабҳаларда бўлган ўзгаришлар каби музейларнинг фаолиятида ҳам янги даврни бошлади. Ўзбекистон Республикасининг Музейларни ривожлантиришга оид қатор Фармон ва қарорлари, айниқса 2014 йил 11 июлдаги «Давлат музейларининг болалар ва уларнинг ота-оналарига очиқлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори айнан музей педагогикасини, хусусан музейларда болалар билан ишлар олиб

боришни йўлга қўйиш бўйича чора-тадбирлар, дастурлаштириш таъминотини ишлаб чиқиш каби долзарб вазифаларни қўйди.[7,107-108-б.]

Болалар - маданий меросимиз ворислари сифатида музейнинг доимий иштирокчилари ҳисобланадилар. Музей- нафақат маънавий-маърифий маскан, балки кўргазмали ашёлари билан билим берувчи катта қувватга эга бўлган тарбия учоғи ҳамдир. Шу боис, таълим тизимида амалга ошириладиган таълим-тарбия ишларининг самарадорлигини таъминлашда мактаб жамоаси учун синфдан ташқари ишларда музейларнинг аҳамияти каттадир. Бунинг учун фанларни олдиндан мувофиқлаштириб режага киритилган амалий машғулотлар, экспедиция-саёҳатлар билан мужассамлаштирган ҳолда ўтилиши мавзуни чуқур ўзлаштирилиши эффектини орттиради.

Ўқувчи-ёшлар музейларнинг доимий иштирокчилари бўлгани учун улар билан ишлаш музейшуносликнинг доимий муҳим масалаларидан ҳисобланиб, бунинг учун замон талабига мос турли тадбирларни ҳам ишлаб чиқиш керак бўлади. Бу борада Ж.Исмоилованинг «Музей педагогикаси: тажриба ва изланишлар» [2, 61-б.] номли мақоласида қуйидаги фикрлар бизга музей педагогикасини ривожлантиришга ёрдам беради: XXI аср бошларига келиб замонавий музейларда ўқувчи ва талабалар билан ишлаш жараёнларининг янги йуналишлари ривожлана бошлади. Ҳатто мактабгача тарбия муассасалари билан ҳам мулоқот бўйича алоҳида тайёргарлик керак бўлади. Натижада тажрибалар негизида педагогика фанининг янги йўналиши - музей педагогикаси шаклланди. Музей педагогикаси ўзининг турли хил усуллари билан турли ёшдаги инсонлар қалбига йўл топишга катта ёрдам беради. Музей экспонатларини намойиш қилишга қўйилган осори-атиқалар болалар ва турли ёшдаги ўқувчилар учун жуда сирли ва қизиқарлидир. Маданий тарбия берувчи педагог шу сеҳрли дунёга олиб кирувчи йулбошчи вазифасини бажаради.

Музей педагогикаси кичик ёшдаги ташрифчилар билан ишлашнинг турли шаклларини: викторина, конкурслар, ролли ўйинлар орқали олиб боришни тавсия қилади. Болалар учун вазифа сифатида топшириқларни беради:

1. Менинг шажарам
2. Менинг уйимдаги ёдгорликлар
3. Юртим бўйлаб саёҳат
4. Менинг қишлоғим.

Музей педагогикасида, яъни жажжи ташрифчилар билан ишлашда

қуйидагиларга амал қилиш керак:

1. Ёдгорликлар билан мулоқот қилиш кўникмалари ва талабларини шакллантириш;
2. Эстетик қониқиш ва ҳаяжонланиш ҳиссини, қобилиятини ривожлантириш;
3. Ёшларда тарихий хотирани шакллантириш;
4. Бошқа маданиятга нисбатан ҳурмат, тушуниш ҳиссини шакллантириш
5. Музей экспозициясини ўзига хос тилини ўзлаштира олиш
6. Маданий мерос билан алоқа қилиш кўникмалар, музейда ўзини тутиш, ўрганиш, предметларни кўриш кўникмасини ҳосил қилиш.

Музейлар моддий ва маънавий ёдгорликлар орқали илмий, тарихий, маданий қадриятларни ёш авлодга етказувчи марказ ҳисобланади. Шундай экан, музей педагогикасида экспонатлар, кўргазмалар таълим-тарбиявий қувватга эга бўлган дарсхона эканлиги жиҳатидан, ўсиб келаётган турли ёшдаги ташриф буюрувчилар учун дастурлаштирилган ҳолда ёндашишни талаб этади. [7,109-б.]

Музей педагогикаси ҳақида Ж.Исмоилованинг «Музей ва жамият» номли қўлланмасида батафсил маълумот берилган.[3,92-б] Олима қайд этганидек, ҳозирги замонавий музейлар болалар билан ишлашнинг турли методик усулларни ишлаб чиқмоқда. Уларнинг сони ва масштаби жуда кенг бўлиб, ҳар бир музей ўзининг хусусияти ва фаолияти мазмунидан келиб чиққан ҳолда иш тутади.[6,20-б]

Ўзбекистонда ҳам илк бор музей педагогикаси тажрибасини қўлланган бўлиб, Ўзбекистон тарихи давлат музейи қошида 2011-йили «Мўъжизалар оламида» болалар музейи ташкил этилгани ва унга 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларга мўлжалланган маълумотлар базаси ишлаб чиқилгани эътиборга лойиқдир. Бу музей болаларнинг тарихий тафаккурини ривожлантириб, уларнинг тарихий давр билан эркин мулоқотга киришлари, ўша давр «жонли» муҳитида «яшаш»лари учун катта имконият яратади.

Ушбу фикрни Темурийлар тарихи давлат музейига тадбиқ этиладиган бўлса, музейга ташриф буюрувчиларнинг ёш психологик хусусиятларини инобатга олинган илмий маълумотнома аппаратининг шакллантирилиши, бунинг учун замонавий ахборот технологиялари ва воситаларидан кенг фойдаланишни жорий этилишини таъминлаш муҳимдир.

Музей педагогикаси кичик ёшдаги ташрифчилар билан ишлашнинг турли шаклларини: викторина, конкурслар, ролли ўйинлар орқали олиб

боришни тавсия қилади. Темурийлар тарихи давлат музейи бўйича болаларга вазифа сифатида топшириқларни беради. Бу топшириқларни қуйидагича тайёрланиши мумкин:

- Амир Темур шажарасини тузинг. Амир Темур фарзандлари ҳақида батафсил маълумот тайёрланг;
- Амир Темур хаёти ва фаолияти солномасини тузинг;
- Амир Темурнинг наслу насабини ёзинг;
- «Соҳибқирон» сўзининг маъносини айтинг;
- Амир Темур салтанати ҳудудларини аникланг ва «Амир Темур буюк саркарда» эканлиги ҳақида маълумот беринг;
- Амир Темур ва темурийлар даври ёдгорликлари ҳақида маълумот тайёрлаш;
- Музейдаги экспонатлардан «Амир Темур - бунёдкор» мавзусида иншо ёзинг.

Музей педагогикасида яъни жажжи ташрифчилар билан иш олиб боришда қуйидагиларга амал қилиш керак. [8, 42-б.]

- Синчковлик, хушмуомалалик ва қатъият билан болалар ҳаракатини кузатиб боринг. Улардаги қизиқиш жуш уриб, ўзлари билмаган ҳолда музей экспонатига қўл теккизишлари ёки тирнашлари, бу эса ўз навбатида маданий бойликларни бут ва шикастсиз сақланишига салбий таъсир қилиши мумкин;
- Ёш болаларни музейда сақич чайнашларига йўл қўйманг. Чунки кўпчилик сақич чайновчилар сақичларини музей экспонатининг қаеригадир ёпиштириб кетиш холатларини олдини олинг;
- Ёдгорликлар билан мулоқот қилиш кўникмалари ва талабларини шакллантириш;
- Эстетик завқланиш хисси ва қобилиятини ривожлантириш;
- Ёшларда тарихий хотирани шакллантириш;
- Бошқа маданиятга нисбатан хурмат, тушуниш хиссини шакллантириш;
- Музей экспозициясини ўзига хос тилини ўзлаштира олиш;
- Маданий мерос билан алоқа қилиш кўникмалар, музейда ўзини тутиш, ўрганиш, предметларни кўриш кўникмасини хосил қилиш.[7, 111-б.]

Б.Ходжаевнинг «Музей педагогикаси: тараккиёт тарихи ва истикболи» номли маколасида музей педагогикасининг концептуал асослари ва тарихий-тадрижий ривожланиш тавсифи баён этилган. Муаллиф музей педагогикасининг истиқболли йўналиши сифатида виртуал музейлар яратишнинг назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этган. Муаллиф, XX аср

бошларида дунё бўйича фақат АҚШда бош шиори «илтимос ушлаб кўр» ибораси билан музей фаолият юритгани, 1990-йилларнинг бошларига келиб буларнинг сони 400 тадан ошгани, улар орасида Амстердамдаги Тропик музей, Гаагадаги (Нидерландия) «Мусеон» номли болалар маърифий маркази, Австриядаги «Болалар дунёси», Буюк Британиядаги «Кашфиётлар фабрикаси» ва «Эврика» музейлари жуда машҳурлигини мисол тариқасида келтирган.[5,15-22-б]

Музей педагогикасининг ўзига хос жиҳати - ўқувчиларнинг музей материаллари билан ишлашини ташкил этиш уларнинг фан, техника, технология, ижодий соҳада эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини интеграциялаш заруриятини юзага келтиради. Виртуал музейни яратиш иккита методиканинг-музей педагогикаси ва замонавий ахборот технологияларига асосланадиган лойиҳалар методи интеграцияси натижасида юзага келади.[5,15-22-б]

XX асрнинг 90-йилларида музейшуносликка кириб келган «виртуал музей» ибораси бугунги кунда замонавий музейшуносликнинг бутун бошли йўналишига айланиб улгурди. Виртуал музейда музейдаги материаллар кўргазмаси амалга оширилади. Виртуал музейларнинг афзаллиги шундаки, улар экспонатларни сақлаш, кенг, тез ва осонлик билан оммага тақдим этишни интернет технологиялари ёрдамида амалга оширади.

Ўқувчилар виртуал музейларга саёҳат қилиш оркали маънавий мероснинг тарихий илдизларини англайдилар, тарихий, абадий, санъат намуналарини бир бутун, яхлит маънавий мерос сифатида тушунишга эришилади. Демак, виртуал музейлар билан ўқувчиларнинг мустақил ишини ташкил қилиш ўқитувчининг ёрдами ва кўрсатмаси орқали амалга ошириш умумтаълим фанлари дастурларига музей педагогикасини кенг тарғиб этишни талаб этади. Бу эса ўқув дастурларига муайян ўзгартиришлар киритилишига олиб келади. Бундай ишларни олиб бориш анча самарали ҳисобланади.[7,112-б.]

Хулоса сифатида шуни қайд этиш лозимки, тарих фанларини ўқитиш ва синфдан ташқари ишларда жажжи болалар, турли ёшдаги ўқувчиларни тарихий билимларини бойитишда музейларнинг роли катта. Чунки ўқувчилар ўзлаштирган билимларини музей экспонатларини жонли равишда кўриб маълумотларни мустаҳкамлайди ва ўзларининг қизиқтирган саволларига жавоб олиш имкони туғилади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 11 июлдаги — Давлат музейларининг болалар ва уларнинг ота-оналарига очиқлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 189-сонли Қарори.
2. Ж.Х. Исмоилова. Музей педагогикаси: тажриба ва изланишлар // Мозийдан садо. 1 (61) 2014.
3. Ж.Х. Исмоилова, К.С. Нишанова, М.С. Муҳамедова. Музей ва жамият. - Тошкент: Чинор ЭНК, 2015. - Б. 92.
4. Моддий-маънавий мерос ва умумбашарий қадриятлар - (Илмий мақолалар тўплами) – Тошкент: «LESSON PRESS» 2017.-391 б.
5. Б. Ходжаев. Музей педагогикаси: тараққиёт тарихи ва ва истиқболи // Педагогика. - Тошкент, 2016. 4-сон.Б.15-22.
6. Ж.Х. Исмоилова. Музей педагогикаси: тарихи, бугуни ва истиқболи // Ўзбекистон музейлари истиқболи. – Тошкент: Академнашр, 2013.-Б.20.
7. Тарих фанини ўқитиш методикаси. Тошкент. 2017.-107-112 б.
8. Музей хафвсизлиги. ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги Ваколатхонаси, 2008.-42 б.



**Шавкатжон БОБОЖОНОВ**

ЎТДМ филиали Тошкент музейи

кичик илмий ходими


# ТУРИЗМ АНТРОПОЛОГИК ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА


***Аннотация:*** *XX асрнинг 90-йилларидан бошла бзиёрат туризми тушунчаси илмий муомалага киритилди. 200 дан ортиқ туризм турлари қаторида турувчи зиёрат туризми антропология фанининг тадқиқот объектига айланди. Зиёрат ва саёҳат, зиёратчи ва саёҳатчи тушунчалари, уларнинг фарқли ва ўхшашлик томонлари, замонавий сайёҳликда мазкур атамаларнинг қўлланилиши илмий муаммо сифатида ўрганила бошланди. Мақолада айни шу масалалар илмий таҳлил этилган.*

***Аннотация:*** *From the 90s of the 20th century, the concept of pilgrimage tourism was introduced into scientific field. Pilgrimage tourism, which stands among more than 200 types of tourism, has become a research object of anthropological science. And the concepts of pilgrimage and travel, pilgrim and traveler, their differences and similarities, the use of these*

*terms in modern tourism began to be studied as a scientific problem. This article analyzes these issues scientifically.*

***Abstract:*** *С 90-х годов XX века в научный оборот было введено понятие паломнического туризма. Среди более чем 200 видов туризма паломнический туризм стал объектом исследования в научной антропологии. Как научная проблема стали изучаться такие понятия, как «паломничество», «путешествие», «пилигрим», «путешественник», их различия и сходства, а также использование этих терминов в современном туризме. В статье представлен научный анали зэтих вопросов.*

Саёҳат тарихи олимларнинг фикрича тахминан 12 минг йил олдин бошланган[11, С.44], диний жойларга саёҳат тарихига 30 000 йил бўлган [3, P.1]. Айрим мутахассисларнинг фикрича зиёратнинг дастлабки куртаклари антик даврга бориб тақалади. Қадимги юнон ва римликлар маъбуд уйлари ва ибодатхоналарга тез-тез зиёрат уюштиришган. Юнонлар илк бор «perepidemos–чет эллик» атамасини зиёратчи ёки тасодифий саёҳатчига нисбатан ишлатишган[6, P.67].

Қадим тарихга эга зиёрат ва саёҳат мавзуларини тадқиқ этиш жаҳон олимларининг диққат марказига туш бошлайди. Умуман, дин ва саёҳат чорраҳасида туташган зиёратгоҳлар, уларнинг туризмдаги ўрни гуманитар ва ижтимоий фанлар, антропологик ва социологик нуқтаи назаридан, география, диний, туризм ва гострономик томондан тадқиқ этила бошланди. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб зиёрат ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида фанлараро тадқиқот мавзусига айланди ва илмий муомалага киритилди[7, С.12]. Туризмнинг муҳим турларидан бири бўлган зиёрат туризминиўрганиш эса XX асрнинг 90-йилларига тўғри келади. Мазкур атама ҳам айни шу даврда туризм тадбиркорлари ва мутахассислари томонидан саёҳат каталогига диний марказлар, зиёратгоҳлар ва муқаддас обидаларни киритиши натижасида пайдо бўлди[9. С.19].

Диний туризм туризм тадқиқотлари орасида кам ўрганилган туризмнинг энг қадимги ва қизиқарли шаклидир. Зиёрат туризми эса замонавий ҳодиса бўлиб[1, P.15], кенг қамровли тушунча ҳисобланган диний туризмнинг бир қисимидир. Зиёрат ва туризм орасидаги мураккаб муносабатлар, уларнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, психологик ва эмоционал аспектларига бағишланган тадқиқотлар 1990 йиллардан кейин бажарила бошланди ва икки тушунча орасидаги муносабатлар аниқ эмаслиги очиб берилди. Зиёрат ва туризм орасидаги муносабатларга икки нуқтаи назардан, яънисаёҳатчиларнинг ўзлари ва диний ташкилотлар томондан қаралиши керак. Биринчидан, зиёратчи нуқтаи назардан зиёратчилар саёҳатчи

ҳисобланмайди. Чунки улар эътиқодий мақсадлар билан саёҳат қилади. Саёҳатчилар эса дунёвий мақсадлар, қизиқиш, завқ олиш учун саёҳат қилишади. Иккинчидан, туризм саноати ва туризм тадқиқотлари нуқтаи назардан қаралганда эса зиёратчилар сайёҳлар ҳисобланади. Чунки бундай ёндашув иқтисодий даромаднинг кўпайишига хизмат қилади. Сайёҳлар зиёратчиларга қараганда кўпроқ хизматлардан фойдаланди. Масалан, меҳмонхоналар, ресторанлар, савдо дўконлари, диний марказлар бундан катта фойда кўради.

Ғарб доим туризмга «муқаддаслик» ва «дунёвийлик»даниборат аралаш муносабатлар сифатида қарайди.  Саёҳат, дин ва зиёрат ўртасидаги ўзаро боғлиқ масалалар ғарб ва шарқ олимларини доимий қизиқтириб келган. Мазкур учта тушунчага доир эмперик ва назарий қарашлар амалий тадқиқотларда ўз тасдиғи топган. Европалик олимларнинг фикрича, туризм – таърифлаш қийин бўлган ҳодиса, ҳар қандай туризм саёҳатни ўз ичига олади, лекин ҳамма саёҳат ҳам туризм бўла олмайди. Мотивациялардан қатъий назар, диққатга сазовор жойларга ташриф буюрувчиларнинг барчаси маълум даражадаги хизмат кўрсатишдан фойдаланади. Шунинг учун улар ҳам зиёратчи, ҳам сайёҳ бўлиши мумкин[12, P.16].

Руминиялик айрим тадқиқотчилар зиёрат ва туризмни мотивацион оралиғига қарамай ажратишни ноқонуний ва шафқатсиз бўлиниш деб ҳисоблашади. Шунинг учун қийинроқ, аммо ҳодисани яхшироқ тасвирловчи композицион ибора «зиёрат туризми» атамасини ишлатишни афзал кўришади[8, P.131]. Аслида зиёратчилар ҳам, сайёҳлар ҳам асосан маънавий ёки маданий меросга боғланган, аммо ҳар бири ўз йўлидан боради. Зиёратчилар ва сайёҳлар ўртасида қатъий чегарани қўйиш жуда қийин.

Сайёҳликнинг 200 дан ортиқ йўналишлари орасида алоҳида ўринга эга зиёрат туризми дунёнинг аксарият давлатларида диний туризм сифатида тадқиқ этилади. Регенсбург университетининг география институти (Германия) профессори Гисберт Риншед (Gisbert Rinschede) биринчилардан бўлиб, диний туризмга таъриф бериб, уни диний мақсаддаги қисман ёки тўлиқ мотивацион саёҳат дейди[10, С.327]. Унинг фикрича, зиёрат туризмнинг бошқа турлари, хусусан, маданий-маърифий тури билан чамбарчас боғлиқ. Шунингдек, тадқиқотчи «диний сайёҳ» ва «зиёратчи», «диний саёҳат» ва «зиёрат» иборалари синоним эканлигини таъкидлайди.Британиялик олим Зигмун Бауман зиёратчи ва саёҳатчиларни таҳлил этиб, зиёратчини замонавий давр одами деб таърифлайди. Чунки зиёратчи доим абадий ҳақиқатни излайди.У ҳеч қачон эришганидан

қониқмай, мақсад сари доимо олдинга, келажакка қараб интилаверади. Унда нимага эришилди  ва нимага эришиш керак деган фоний ва боқий дунё орасидаги бўшлиқ бўлади[2, С.134]. Сайёҳ эса доимий ҳаракатдаги одам бўлиб, уни одатий хурсандчиликлар қониқтирмайди, аксинча янги тажрибалар орттиришга интилади. Сайёҳ экзотикани, лекин «хавфсиз ҳимоя билан таъминланиш»ни хохлайди[2, С.142]. Химояланганлик ва хавфсизлик туризмнинг икки муҳим шартларидан биридир. Саёҳатчиларнинг хавфсизлиги кўп қирраларни ўз ичига олади: сиёсий хавфсизлик, коммунал хавфсизлик, соғлик учун хавфлилик ва санитария муаммолари, шахсий хавфсизлик, сайёҳ ва зиёратчиларнинг қонуний ҳимояси, мулоқот ҳавфсизлиги, ишончли маълумотларни олиш, сифатли хизматларни кўрсатиш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш [4,P.93]. Демак, сайёҳ - олдиндан режалаштирилган, махсус завқ олиш имкониятига эга шахс. Замонавий сайёҳ аввал саёҳат йўналишини белгилайди, ўзи учун энг жозибали манзилни танлайди. Бир сўз билан айтганда бугун «дам олувчи» ўрнини «сайёҳ» (халта осган киши) атамаси эгаллади.

Шаҳар антропологияси нуқтаи назаридан замонавий сайёҳларни шаҳар маданияти ва мотивлари билан боғлиқлигига қараб қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

- *сокинлик, хотиржамлик ва эркинликни изловчилар*. Бундай турдагилар жисмоний ва психологик ресурсларини тиклаш, маънавий озуқа излаш, одатдагидан аксинча бўлган муҳитда янги таассуротларни излашни мақсад қилади.

- *«цивилизация»га эътиқод қилувчилар.* Шаҳардан қочмайдиганлар, аксинча каттароқ ва ривожланган шаҳарнинг маданий ва иқтисодий манфаатига қўшилишга интиладиганлар. Туманлар аҳолиси нисбатан ривожланган қўшни ҳудудларга, яъни шаҳарларга, шаҳар аҳолиси эса пойтахтга саёҳат қилади. Бу шоппинг (савдо) туризми* деб ҳам юритилади.

- *таассурот йиғувчилар.* Мазкур тоифа вакиллари жамовий саёҳатчилар бўлиб, дунёнинг энг машҳур пойтахтлари, диққатга сазовор жойларни кўришга интилади[5, С.17].

Демак, юқоридаги уч бўлиниш сайёҳ ва зиёратчилар мақсади ва хохиш-истакларига кўра турлича эканлигини кўрсатди. Уларни фарқлаш учун мотивларга эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эга.

---

*Шоппинг туризм – бошқа давлат ва шаҳарларнинг маҳаллий дўконларида харид қилиш ва кўнгилочар савдо мажмуаларида вақт ўтказиш мақсадидаги саёҳатдир.

Хулоса қилиб айтганда, зиёрат туризми тарихий ва замонавийликни ўзида мужассам этган ижтимоий, иқтисодий, маърифий жараён ҳисобланади. Қадимдан мавжуд бўлиб келган зиёратнинг сайёҳлик билан қўшилиши уни фақат диний эмас, балки дунёвий сафарга айлантирди. Диний мотивлар билан бирга дунёвий мотивлар зиёратчилар ҳаётига кириб борди. Танишув, янги билимларга эга бўлиш, эстетик завқ олиш, ижтимоийлашув каби омиллар зиёратчилар ташриф мақсадига айланди. Зиёратчи ўрнини зиёратчи сайёҳ, зиёрат ўрнини зиёрат туризми эгаллади. Зиёратчилар зиёрат мақсадида, саёҳатчилар саёҳат мақсадида ташриф буюрмоқда. Лекин, бугун улар бирлашиб умумийлик касб этмоқда. Диний йўналишдаги саёҳат жаҳон мамлакатларида турлича талқин қилинсада, аммо, мазмунан бир хил аҳамият касб этмоқда.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати


1. Aulet S, Duda T. Tourism Accessibility and Its Impact on the Spiritual Sustainability of Sacred Sites // Sustainability 2020. – №12. – P.15.
2. Бауман З. От паломника к туристу//Социологический журнал.–1995.–№4.–С.134-142
3. Božic S, Spasojević B, Vujičić M,Stamenkovic I.Exploring the Motives for Religious Travel by Applying the AHP Method:A case study of Vujan Monastery (Serbia) // International Journal of Religious Tourism and Pilgrimage. 2016. – vol. 4. – P.1.
4. Bhandari H, Mittal A. A Naturalistic Inquiry of Pilgrims' Experience at a Religious Heritage Site: The Case of a Shaktipitha in India // International Journal of Religious Tourism and Pilgrimage. 2020. – vol.8. issue 3. – P.93.
5. Голомидова О.Ю. Туризм как феномен городской культуры: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата культурологии. – Екатеринбург.2019. – С.17.
6. Jackowski A.Religious Tourism–Problems with Terminology // Peregrinus Cracoviensis. 2000. – №10, zeszyt10. – P.67.
7. Житенёв С.Ю. Религиозное паломничество в христиантве, буддизме и мусулманстве: социокультурные, коммуникационные и цивилизационные аспекты. – М: Индрик, 2012. – С.12.
8. Ibănescu B, Munteanu A, Stoleriu O.Territorial and marketing strategies related to religious tourism in Northern Moldavia, Romania // CES Working Papers. 2018. April. – vol X. Issue 1. – P.131.
9. Квартальнов В. А. Культурный туризм во имя мира и развития: вступление в XXI век // Культурный туризм для мира и развития: Сб. докл. и тез. междун. науч. конф. – М, 2000. – С.19.
10. Лебедева С.А.Подходы к пониманию религиозного туризма: туризм или паломничество? // Вопросы студенческой науки. 2020 июнь. – № 6 (46). – С.327.
11. Основы туризма: учебник / коллектив авторов; под ред. Е.Л. Писаревского. – М: Федеральное агентство по туризму, 2014.– С.44.
12. RajR, Griffin K. Introduction to Sacred or Secular Journey // Religious Tourism and Pilgrimage Management: An International Perspective, 2nd Edition. 2015. – P.16.

**Азиза РАУПОВА**
Докторант Института Искусствознания

# СОЗДАНИЕ НОВОЙ ЭКСПОЗИЦИИ В МУЗЕЕ ИСТОРИИ МАТЕРИАЛЬНОЙ КУЛЬТУРЫ ИМЕНИ АМИРА ТЕМУРА В ШАХРИСАБЗЕ

***Аннотация:*** *В данной статье на основе малоизученных архивных данных, новых материалов научных и натурных исследований освещены создание новой экспозиции в музее истории материальной культуры имени Амира Темура в Шахрисабзе по реабилитации и популяризации архитектурного наследия города Шахрисабза, воссоздающий, все этапы истории развития города, история и методика реставрации памятников архитектуры Шахрисабза на примере наиболее значимых объектов, а также, местных обычаев и традиций.*

***Annotatsiya:*** *Kam oʻrganilgan arxiv ma’lumotlari, yangi ilmiy va dala tadqiqotlari materiallari asosida Amir Temur nomidagi Shahrisabz shahar moddiy madaniyat tarixi muzeyi negizida Shahrisabz shahrining rivojlanishi barcha bosqichlarini, diqqatga sazovor me’moriy yodgorliklarini ta’mirlash tarixi va usullarini, shuningdek, mahalliy urf-odat va an’analarni qayta tiklash va ommalashtirish maqsadida yangi ekspozitsiya tashkil etish masalalari yoritilgan.*

***Annotation:*** *This article, based on little-studied archival data, new materials of scientific and field research, highlights the creation of a new exhibition at the Amir Temur Museum of the History of Material Culture in Shakhrisabz for the rehabilitation and popularization of the architectural heritage of the city of Shakhrisabz, recreating all stages of the history of the city's development, the history and methods of restoration of architectural monuments of Shakhrisabz by the example of the most significant objects, and also, local customs and traditions.*

Процессы глобализации и информатизации, господствующие в современном обществе, вызывают острую необходимость не только сохранения, но и актуализации традиционной культуры. Традиция должна не только консервироваться, а включаться в современную социокультурную среду, перманентно воспроизводиться. Музеи находятся сегодня в поиске новых путей актуализации наследия: наряду с тем, что экспозиция начинает восприниматься как коммуникационное пространство, музей включает в свою деятельность новые формы работы с посетителем, осуществляет моделирование утраченных элементов. Но в то же время актуализация наследия в музее тесно взаимосвязана с его музеефикацией, базируется на фондовой деятельности музея.

Музеефикация сегодня осознается как оптимальный путь сохранения и использования памятника. В большинстве случаев памятники не изымаются из своего окружения и не перемещаются, но превращаются в музеи непосредственно на месте их существования [1].

Исторический город Шахрисабз является неотъемлемой, потенциальной частью туризма нашей страны, как музей под открытым небом. Так как, туризм тоже может обеспечить дополнительные доходы для содержания и ремонта исторически ценных зданий и ландшафтных особенностей. Культурное наследие также присутствует в местных традициях. Время от времени туристы ищут подлинных впечатлений. По этой причине, разработана концепция по созданию новой экспозиции в музее истории материальной культуры имени Амира Темура в Шахрисабзе.

Для это очень важно содействовать местным сообществам в проведении или воссоздании культурных обичаев и традиций, а также других традиционных событий и даже в восстановлении исторических зданий. От реализации таких концепций много пользы. Они обогащают впечатления туристов от посещения историко-культурных памятников и тем самым поощряют их более длительное пребывание на территории; соответственно, туристы являются неотъемлемой частью популяризации и сохранение архитектурных памятников. Демонстрация культурного богатства помогает изменять поведение и взгляды туристов, тем самым они становятся сторонниками охраны памятников старины и народных традиций. Кроме того, сохранение местных традиций и памятников на должном уровне развивают в местных жителях чувство гордости своим краем.

Для того чтобы создать концепцию были проведены теоретические и практические исследования.

Изучены:

- Международные законы и Законодательство Узбекистана по охране историко-культурного наследия;
